O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **3** март, жума № **9** (2136).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **3** марта, **2006** год, № **9** (2136).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган.

Ислом КАРИМОВ

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Сенат фаолияти хусусидаги ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Сенатимиз иш бошлаганидан буён роппа-роса бир йил ўтмоқда. Албатта, ўтган вақт Сенат фаолиятига қатъий баҳо бериш учун катта муддат эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон бор, деб ўйлайман.

Аввалambор, шуни таъкидлаш лозимки, Сенат фаолиятини йўлга қўйиш нисбатан қисқа ташкилий даврда амалга оширилди.

Раҳбарият таркибини сайлаш, ижро тузилмалари, қўмиталар ва комиссиялар фаолиятини, ишчи аппаратини шакллантириш, турли таҳлилий гуруҳлар ишини ташкил этиш билан боғлиқ жиддий ва масъулиятли масалалар узоққа чўзилмасдан тез муддат ичида ҳал этилди, бу борада катта сафарбарлик кўрсатилди.

Энг асосийси – Сенат ўзининг амалий фаолиятида дастлабки кунларданоқ ўз профессионал қобилиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш этди, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Сенат қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Конституциямизга киритилган янги ўзгартиришлар ва қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ ташкил этилган бу тузилма ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир карра исботлади. Сенатнинг ўтган даврдаги фаолияти бу ҳақиқатни тўла-тўкис тасдиқлади.

Мен ҳозир Сенатнинг кўпқиррали фаолияти билан боғлиқ барча масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, менинг қарашим бўйича, унинг фаолиятига доир энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган вақт мобайнида Сенат ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Бу борада қуйидаги мисол алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди.

Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради. Ва шундай мисоллар мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганини яна бир бор намойиш этади.

Сенат томонидан Бош вазирни ва Бош прокурорни тасдиқлаш, Конституциявий суд, Олий ва Олий хўжалик судларини шакллантириш бўйича қабул қилинган муҳим қарорларни аввало Сенат, қолаверса, мамлакатимиз ҳокимият тизимининг мустақил қонунчилик идораси бўлмиш парламентимиз – Олий Мажлисимиз ваколатларининг амалий жиҳатдан кенгайгани ва ҳуқуқлари анча ошганининг тасдиғи сифатида қайд этиш лозим.

Юқори палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясини кўриб чиқиб, мамлакат Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги актни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод этиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

Ярослав КОРУКА олган сурат.

Истиқлолимизнинг муқаддас рамзи

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойидаги ўйлар

Пойтахтимиз жамоли ойдан-ойга, йилдан-йилга кўркам қиёфа касб этиб бораётганлигини нафақат ўзимиз, балки бизга хайрихоҳ дўсту биродарларимиз ҳам эътироф этишмоқда.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида қайтадан яратилган Мустақиллик майдони Тошкентимизнинг улкан меъморий ансамблига уйғунлашиб кетган ажиб иншоотлар сирасига киради. **«Мустақиллик майдони, – деган эди Юртбошимиз, – ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз, тилагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин».**

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

24-25 февраль кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор масалалар ва қонунлар муҳокама қилинди. Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Сенат фаолиятида эришилган ижобий натижалар, мавжуд муаммо ва камчиликлар, парламент олдида турган устувор мақсад ва вазифалар ҳақида нутқ сўзлади.

Йиғилиш кун тартибида ташкилий масала кўрилиб, Мурот Шарифхўжаевнинг салрматлиги Сенат раиси лавозимида ўз имкониятларини тўла намоён этиш имконини бермаслиги эътиборга олиб, унинг бу лавозимдан озод этиш тўғрисида сўралган аризаси қаноатлантирилди.

Мажлисда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг таклифига кўра Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Илгизар Матёқубович Собировни Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундан аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб, унда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳокама қилинди. Мазкур қонун муҳокамаси якунларига биноан тегишли хулоса қабул қилиниб, қўмита аъзолари бу қонунни бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўриб чиқишига тақдим этдилар.

Сенаторлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиб, унда изчиллик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан уйғунлик етишмаслиги туфайли уни қайтардилар.

Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш – фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» нутқидан келиб чиқадиган хулосалар асосида Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланган қарор қабул қилдилар.

Юқори палата аъзолари томонидан «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартномага қўшилиши ҳақида»ги, ГЎУОМ ишторокчи давлатларининг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам тингланди.

Мажлисда Сенат ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган жами 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди.

Муштарийларимизга

БУЮК ҚАДРИЯТ

Бизнинг ниятларимиз, мақсадларимиз, орзу-ҳавасларимиз эзгу. Осмон каби беғубор қалбимизда эзгулик ҳукмрон. Президентимиз Қарори билан «Мустақиллик ва эзгулик монументи»нинг бунёдга келиши бунинг ўзига хос бир ёрқин намойиши бўлди.

Мустақиллик, эзгулик... Бир-бирига уйғун иккита буюк қадрият. Уларни айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бу буюк қадриятларда бизнинг асрий армонлар, орзулар жамланган. Истиқлол эзгу ишларга руҳлантиради, эзгуликларимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлайди.

Майдон узра борар экансиз, Эзгулик аркасидан Бахтиёр она сиймоси сари олиб борувчи йўлак оппоқ орзулардан тўшалгандек туюлади. Бахтиёр она – у бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига, демакки, Ўзбекистонининг буюк истиқболига қалбида ишонч балқиб турган бахтли аёл тимсоли. Бахтиёр она – унга қараб туриб меҳрни, ўзбекона бир меҳр-муҳаббатни, болажонликни, садоқатни, вафо, ибони уқасиз. Она қураётган ёшлар Бахтиёр она тимсолида бахтни, демакки, муҳаббатни, садоқатни, вафо, фидойилик суратини кўришади. Бир сўз билан айтганда, бу тимсолда онага, аёлга бўлган эҳтиромимизни кўрасиз.

Юртбошимизнинг олижаноб ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қад ростлаган бу монумент халқимиз руҳи, халқимиз даҳоси билан қанчалар ҳамоҳанг эканлигини яна бир бор ҳис қиласиз.

Яхшилаб разм солинг, эътибор қаратинг. Гўдагини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси муқаддас Ватанга, бағридаги гўдак эса бизни буюк келажак сари элтаётган пок, эзгу орзу-ниятларимизга, мақсадларимизга ўхшаб кетади.

ТАҲРИРИЯТ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мустақиллик бизга осмондан тушмаган. 1991 йилнинг 31 августигача тобелик ва мутелик тамғаси, қуллик занжиридан расман қутулишимизга қадар – 80-йилларнинг охири, 90-йиллардаги сиёсий вазиятнинг ўта таҳликали эканлигига қарамай яна бир муҳим ҳужжат – «Мустақиллик Декларацияси» ҳам қабул қилинган эди.

Озодлигимизнинг олтин пойдевори бўлмиш бу улуғ ҳужжат ўзбек халқи ва ўзбекистонликлар ҳаётида улкан воқеа, ўз тақдир-аъмоли йўлида ишонч билан қадам ташлаган мамлакат тарихининг нурли саҳифасидир.

(Давоми 7-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкентдаги Марказий Офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий округлар, қўшинларни, моддий-техник таъминоти хизматчиларининг қўмондонлик ва раҳбар ходимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» маърузасида белгилаб берилган талаблардан келиб чиқиб, давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

3 БОЕВАЯ УЧЕБА: АНАЛИЗИРУЕМ ИТОГИ МЕСЯЦА

УКРЕПЛЯЯ СЛАЖЕННОСТЬ

5 ҲУШЁРЛИК – БИЗНИНГ ҚУРОЛИМИЗ

САФДОШЛАРИГА ИБРАТ

8 ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

СИЗ БОРСИЗКИ, ГЎЗАЛДИР ҲАЁТ

9 ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ – 10 ЁШДА

АСОСИЙ МАСАЛА – ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мазкур ваколатлар илгари давлат раҳбарига тегишли эди, энди улар мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи томонидан амалга оширилмоқда. Айни пайтда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Сенатга мамлакатимизнинг турли минтақаларида яшайдиган фуқаролардан 700 дан ортиқ хат ва аризалар тушди ва бу мурожаатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сенат – мамлакатнинг Олий Қонунчилик органи, Олий Мажлиснинг юқори палатаси сифатида шаклланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарам Сенат аъзоларига юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Шу билан бирга, бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан. Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шуни очиқ тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминламаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой-жойига қўймаганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуни назарда тутиш керакки, Сенат вакиллик органи бўлиб, сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланади ва улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзолигига сайланган.

Бошқача айтганда, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Яна бир бор такрорлаш лозим – маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан нафақат алоқа, нафақат ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик ҳам ҳали-бери шаклланмаган.

Сенат кенгаши томонидан 2005 йилнинг 21 ноябрида, яъни Сенат ташкил этилганидан сўнг деярли бир йил ўтгач, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик ҳаракатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси" тасдиқланган эди. Лекин атиги 9 банддан иборат бўлган бу ҳужжат талаблари ҳам ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда.

Иккинчидан. Маълумки, Сенатнинг мутлақ ваколатига киradиган ўта муҳим масалалар бор. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига кўра Сенатга берилган бу ваколатдан ҳам ҳисобот даврида етарли даражада фойдаланилмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинмасдан, тегишли хулосалар чиқарилмасдан, айтиш мумкинки, юзаки кўрилган. Сенат ва Сенат аъзоларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Бу ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, шу соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни тўғри йўлга қўйиш борасида мавжуд бўлган жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонларга, шу идораларнинг масъулиятини ошириш масаласига керакли эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, аввало ҳудуд ва минтақаларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш, юртимизда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар, масалан, ишсизлик муаммосини муҳокама қилиш юзасидан Сенат томонидан ташаббуслар сезилмаяпти.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янгича ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар – қонунлар, жиноий жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда.

Кўряпсизки, бу соҳада муҳокама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар етарли. Лекин шунга қарамасдан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи 2006 йилга кўчирилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат қўмиталари бор-йўғи иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси муҳокама этилган, холос.

Учинчидан. Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра суҳбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳокамалар жиддий тайёргарликсиз, кўрилган масала бўйича амалий таклифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Кўпинча бундай тадбирларда муҳокама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол ва таклифларни такрорлашдан нарига ўтилмаяпти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда ғоят долзарб мавзулар кўтарилади, лекин афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий таклифлар ўртага ташланмайди.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра суҳбатлари кўзланган мақсадларга хизмат қилмаяпти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улардан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-қоида қабул қилинган. Яъни, бундай муҳокама ва семинарлар фақат маълумот бериш, мавжуд фактларни қайд этиш билан чекланмаслиги, аксинча, бу муҳокамалар пировард натижада зарур қонунчилик таклифларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

Тўртинчидан. Сенат назорат фаолиятининг самарадорлиги, парламент назоратининг таъсирчанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда бу ишларни қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилмаётгани натижасида назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такрорлаш ва ортиқча куч сарф қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

Бешинчидан. Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини, аввало, қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа – ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтариллиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича келишув комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб бориши кимгадир ғалати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига тегмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида келиб чиқадиган баҳс ва мунозараларни иш тартибида ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида яқинда қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Бугунги йиғилишимизда Олий Мажлисимизнинг юқори палатаси бўлмиш Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чуқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти якунларини кўриб чиқиш масаласи ушбу ялпи мажлис кун тартибига киритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, муҳтарам сенаторлар, бу масалани муҳокама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофлича чуқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган сайловчиларингиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб олишингиз, ўйлайманки, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз дўстлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида кечираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз – марказда ёки узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, корхона, ташкилот ёки хўжаликларда бўладими – юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги куни учун катта умид ва ишонч туғдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан якунлаганимиз сизларга яхши маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншоолло, ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳолимизнинг кундалик ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз – бу иқтисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўладими, янги-янги иш ўринларини яратиш, шунинг ҳисобидан одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш, таъминотини яхшилаш, ҳар қайси инсонга Оллоҳ берган ақл-заковат, куч-қувват ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда имконият яратиш бўладими – буларнинг барча-барчаси ана шундай ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу борада биздан, яъни қонун чиқарувчилардан нима талаб қилинади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда аввалambор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳиби ёки ташаббускор ишбилармонми – ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қонун ва юридик нормаларни амалда татбиқ этишда, мана шу жараённи жиловлаб, кўлга олиб қаттиқ назорат ўтказишда бош-қош бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади.

Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш – бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлисимизнинг қуйи – қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Сиз, муҳтарам Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар халқ ноибларининг вакиллари бўлиб, юксак ваколат соҳиби сифатида, ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши биладиган инсонлар сифатида бу масалаларга катта масъулият билан қарашингиз талаб қилинади.

Ишонаманки, шундай юксак ишончга сазовор бўлган сиз, муҳтарам сенаторлар ўз масъулиятингизни ҳар томонлама чуқур англаб, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг умиди, орзу-ниятларини амалга оширишда ўзингизни аямай хизмат қиласиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, муваффақият ва омадлар тилайман.

ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинарда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари У.Розиқулов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталди, халқимиз эришаётган улкан ютуқлар ҳақида маълумот берди, йиғилганлар эътиборини жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига қаратди.

Семинар кун тартибидаги масалалар муҳокамаси чоғида таъкидландики, эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар – бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилиш борасида пухта ўйланган модел ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ишлар самарасидир.

Мамлакатимиз қўлга киритаётган иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий масалаларини ҳал этишда ҳам ўз амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, 2005 йил 1 январдан бошлаб ҳарбий хизматчиларнинг суткалик озиқ-овқат рациони қуввати 3800 килокалориядан 4500 килокалориягача кўпайтирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти ўртача 35 фоизга ошди, муддатли ҳарбий хизматчилар захирага бўшатилаётганда бериладиган пул миқдори энг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 16 баробаригача кўпайтирилди. Қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, казарма фондини модернизация қилиш, ҳарбий қисмларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш ва ўқитиш тизимига замонавий ахборот компьютер технологияларини кенг жорий этиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бугун бизнинг армиямиз сўзда эмас, амалда жамиятнинг ғамхўрлигини ҳис этмоқда.

Семинар иштирокчилари ўз чиқишларида мамлакатимиз Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни батафсил ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Жумладан, давлат томонидан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни таъминлаш учун ажратилаётган моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш, моддий ва энергетика ресурсларини тежаб-тергаб ишлатишга эришиш, ҳарбий хизматчиларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш, улар учун замонавий ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича ҳарбий бошқарув органлари олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши борасидаги долзарб масалалар муҳокама этилди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев семинарда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда ўтказилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар ҳақида тўхталар экан, ҳарбий хизматчилар, армиямизнинг қўмондонлик ва раҳбарлик таркиби олдида қуйидаги устувор вазифалар турганини таъкидлади:

биринчидан, Ватан ҳимоячиларининг асосий вазифаси тезкорлик, қўмондонлик ва жанговар тайёргарлик самарадорлигини янада ошириш, шахсий таркибнинг касб кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва осудаликни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, бўлинмалар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг доимий ҳарбий жанговар шайлигини таъминлаш;

иккинчидан, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун ажратилаётган бюджет маблағлари – бу Ўзбекистон халқининг, шу жумладан, қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, ака-укалари ва опа-сингиллари амалга ошираётган бунёдкорлик меҳнати натижаларининг моддий ифодаси эканлигини чуқур англаб етиш;

учинчидан, ажратилаётган моддий ва энергетика ресурсларига тежамкор, оқилона муносабатда бўлиш орқали мамлакатимизда ва Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қўшинларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Семинарда «Моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш – давлатимиз иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига бизнинг қўшган ҳиссамиздир» шиори остида ҳарбий қисмлар ўртасида мусобақа ташкил этишга қарор қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

Қисм ташкил топган кун

АЛОҚАЧИЛАРГА – «ЭСДАЛИК НИШОН»

Ҳар бир ҳарбий қисмнинг ўз байрамлари бўлади. Дейлик, Жанговар байроқ топширилган кун, қисм ташкил топган кун... Аслида гап байрамларда ҳам эмас. Ана шундай шонли, файзли кунлар тимсолида ҳарбийча анъаналарнинг давом этиб, янгича мазмун-моҳият касб этиб шаклланаётганида.

Подполковник Мавлон Юнусов командирлик қилаётган ҳарбий қисмнинг ташкил топган куни тантанасида қатнашар эканман,байрамнинг қўшалоқ шодиёнага айланганини кўрдим. Сабаби юксак жанговар шайлиги, жанговар тайёргарликлардаги муваффақиятлари учун Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра қисм шахсий таркиби «Эсдалик нишон» билан тақдирланди. Буни рағбатларнинг энг қадрлиси, алоқачилар хизматига бўлган юксак эътибор, эътироф намунаси, дея баралла айтиш мумкин.

Тантана аввалида командир сўз олиб, ҳарбий қисмнинг Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини таъмин этишдаги, ислоҳотлар жараёнидаги, миллий армиямизни шакллантиришдаги ўрни, вазифаларига эътибор қаратди. Дейлик, қисм ҳарбий хизматчиларининг ҳамкорликдаги турли ўқув машғулотларида, халқаро террорчиларга қарши курашдаги иштирокларини, демакки, тинчлигимиз, хавфсизлигимизни таъмин этишдаги ҳиссаларини таъкидлар экан, давлатимизнинг бунга жавобан юксак эътиборини ҳам тилга олди. Аниқроғи, қисм ҳарбийларининг ортда қолган йиллар давомида юксак давлат мукофотлари билан тақдирланиб келишаётганига урғу берди. «Бундайин устувор эътибор шахсий таркибнинг руҳини кўтариб, жанговар шайликларини ошириб, юрт ҳимояси йўлидаги янги-янги эзгу ишларга ундайди», дейди қисм командири ўз ҳаяжонини яшира олмай.

Шунингдек, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби алоқа, назорат ва компьютерлар тизими бошқармаси бошлиғи подполковник Ўктам Аҳмедов, Қуролли Кучлар фахрийси Иван Стрелька, туман хотин-қизлар қўмитаси вакиласи Гулчеҳра Набиевалар сўзга чиқишиб, шахсий таркибни мазкур байрам билан қутлашди.

Алоқачилар шахсий таркиби, шунингдек, бошқарма бошлиғининг, маҳаллий ҳокимликнинг, қисм командирининг буйруқларига биноан турлича рағбатлар олишди.

Байрам куй-қўшиқсиз тугимайди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорларининг ажойиб куй-қўшиқлари, рақслари тантанага янада шукуҳ, файз олиб кирди.

– Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида олдимизга устувор вазифаларни қўйган. Қисм шахсий таркиби ҳам ана шу устувор, улуғвор вазифаларни ҳал этиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга камарбаста бўлиш йўлида фидокорона хизмат қилмоқда. Ўқув мавсумининг ортда қолган даврида эришган жанговар ютуқларимиз ҳам шундан далолат. Посбонларимиз жанговар ютуқларининг янги-янги марраларини забт этишга бел боғлашган, – дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Исроил Мирзаев.

Шахсий таркибнинг юзларида, кўзларида, қалбларида акс этган байрамона қувонч, шодлик уларни янада улкан ютуқларга, муваффақиятларга руҳлантиришига ишончимиз комил.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

ТЕЖАМКОР МУҲТОЖ БЎЛМАС

Маълумки, давлат мулкини асраб-авайлаш, моддий ресурсларини тежаш юртимиз ҳар бир фуқаросининг, шу жумладан, ҳарбийларимизнинг бурчидир. Ҳарбий қисм, муассасаларда қилинаётган ишлар борасида газетамизнинг кейинги сонларида ҳам фикр юритамиз.

Сувнинг ҳам сўроғи бор, дейди кўпни кўрган, азалдан эзгулик ва ҳалолликни юксак қадрловчи доно халқимиз. Дарҳақиқат, инсон ниманики хор қиларкан, бир кун келиб ўшанга зор бўлади, деган халқ мақоли ҳам бежиз эмас...

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб фикримизни давом эттирадиган бўлсак, тежамкорлик ҳар жойда ва ҳамма вақт керак. Айниқса, армия хизматини ўтаётган посбонлар қалбида ушбу одатни шакллантириш жуда катта фойдага олиб келади. Чунки Қуролли Кучлардаги ҳар бир буюм, жиҳоз кўпчиликники, халқники, сизники ва бизники. Демак, бундан кўринадики, ундан эртага бошқалар ҳам фойдаланиши зарур. Шу мақсадда хизмат сафарида бўлганимизда, посбонларнинг тежамкорлик масалаларига қандай эътибор қаратишаётгани билан қизиқиб, баъзи маълумотларни ўрганишга эришдик.

– Қурилиш, таъмирлаш ишларида бу борада арзигулик ишлар қилинди, – дейди Шарқий ҳарбий округ уй-жойдан фойдаланиш хизмати бошлиғи майор Муҳаммаджон Мелибоев. – Жумладан, жанговар техникаларни сақлаш айвони қурилиши, Наманган гарнизонидаги ҳарбий қисм спорт зали қурилишида ҳарбий қисмлар ва уй-жойдан фойдаланиш қисмлари ёрдами билан анча маблағ тежалди. Масалан, қумшағал, тош ва бошқа қурилиш материалларини ташишда ҳарбий қисм машинасидан фойдаланиляпти ва харид қилинмасдан, балки табиий манбалардан келтирилиш ҳисобига пул маблағлари тежаляпти. Ободончилик, бунёдкорлик ишларида ҳарбий қисм шахсий таркибининг ёрдами ҳам ижобий натижаларни беряпти.

Шунингдек, тежамкорлик масаласида округнинг бошқа гарнизонларида ҳам бир қатор ишлар қилиняпти.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойидаги ўйлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАТОНАТГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Биз ўтмишни ёдга олиш зарурати ҳақида сўз юритганимизда, кўпинча ортда қолган қийинчиликлар, сабоқларни хотирлашни назарда тутамиз. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Кечаги кунлар хусусида фикрлаганда, аждодларимизнинг эзгу ишлари, ёруғ ниятларини ҳам кўнглимиздан ўтказамиз. Президентимизнинг «тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сўзларида жуда катта маъно борлигига яна бир карра имон келтирамиз. Худди шунингдек, ҳар йили мустақиллик шодиёнасини нишонлашдан олдин эрта тонгда «Шаҳидлар хотираси»ни зиёрат қилиш, марҳумлар ҳақига дуои фотиҳа ўқиш анъанаси ўзбекнинг азалий қадриятига қанчалик ярашганини дилдан ҳис этамиз.

Ислом Каримов Мустақиллик майдонини ўзбекнинг энг азиз ва жозибадор гўшасига айлантириш учун, аввало, «Мотамсаро она» ҳайкали тимсолида «Хотира майдони»ни барпо этганлигида ҳам юқоридаги ҳикмат асос бўлган бўлса, не ажаб?! Зотан, ўзлигини унутмаган инсон ҳаётининг энг қувончли дамларида ҳам ўзидан олдин ўтганларни, айнан унга эзгулик тилаган аждодларни шукроналик билан ёдга олади, руҳини шод этади. Шундан кейингина унга байрам тантийди.

«Хотира майдони»га келган ўзбекистонлик турли миллат фарзандлари шу «Мотамсаро она» сиймосида ўз волидасини кўрганда, бугунги авлодларимиз аввалги «Номаълум солдат» обидаси ўрнида номлари аниқ битилган уруш қурбонларининг ўчмас битиклари олдида кўзга ёш олиб, Юртбошига миннатдорчилик билдирганларида, бу савобли ишнинг баҳосини ҳеч бир мезонда ўлчаб бўлмаслигига иқрор бўласиз. «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган она сўзларига жавобан: «Мен ҳам онажонимни умрбод унутмайман», деган калом аксадо берганига ишонгингиз келади.

Ўтган йил баҳорда қизиқ бир ҳолат юз берди. Юртимизга Корея Президенти ташриф буюриши арафасида ишчи гуруҳи таркибида келган бир ҳамкасбимиз билан суҳбатда бўлдик. Меҳмон Тошкентнинг чинакам гўзаллигига қойил қолганини айтди. Гап орасида сўраб қолди:

– Мустақиллик майдонидаги «Мотамсаро она»нинг исмлари ким? Қайси вилоятда туғилган?

Мен бир лаҳза жим қолдим. Халқимиз тарихини тўлиқ билмаган одам шундай савол бериши табиий, албатта. У киши «Ҳаётда ҳайкалнинг асл прототипи борми?» деб сўраётган эди. Мен имкон даражасида тушунтиришга ҳаракат қилдим:

– Бу ҳайкал минг-минглаб ўзбек оналари хотирасига ўрнатилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида деярли ҳар бир хонадондан кимдир урушга борган. Ўша Сиз кўрган она ё ўғлини, ё эрини жангдан қайтишини кутган. Умри поёнига етганда эса, у кутган одами келмаса, бу дунёдан «армон билан» кетган.

– Ҳа, ўз халқининг фидойи фарзандларига шундай ҳайкал қўйган миллат ҳеч қачон кам бўлмайди! – деди меҳмон ҳамма гапни тушунганлигига ишора қилиб.

БУЮК ҚУДРАТ ИФОДАСИ

Албатта, ҳар қандай ўзгариш аста-секинлик билан, қадам-бақадам амалга оширилса, табиий бўлади. Ўзбекистон бош майдонидан собиқ тузум доҳийси ҳайкалини олиб, унинг ўрнига Мустақиллик монументи ўрнатилди. Юқорида баён этганимиздек, Хотира майдони қад ростлади. Бу манзаралар туб ўзгаришларнинг дебочаси эди, холос. Давлатимиз раҳбари мазкур майдон халқнинг эътиқоди, ихлоси намоён бўлаётган жой бўлиши учун муайян вақт кераклигини дилдан ҳис қиларди. Энг муҳими, одамлар бу ўзгаришларни юракдан қабул қилсин. Шу юрт, шу замин ҳар бир фуқаро қалбида ғурур туйғусини уйғотсин.

Вот так и быть на площади отныне!
По-новому возвысился над ней
Скульптурный комплекс символом святыни –
В Ташкенте, в сердце Родины моей.
Как это время предки наши ждали!
В веках мечтая только лишь о том,
Чтоб люди независимыми стали,
И в это время с вами мы живем!..
При виде монумента ощущаем
Эмоций торжествующий прилив,
Как ветра обновления порыв,
И слез своих в восторге не скрываем.
Мы не приемлем чуждое, чужое –
Неистребим в сердцах патриотизм.
Гордимся мы народа добротою,
И высоко мы ценим гуманизм...
Настанет в жизни дата дорогая,
Какой ли день, как праздник, к нам придет,
Их памятью священной отмечая,
Здесь Президент с народом проведет!
Гостей встречать – душа всегда открыта,
Гостеприимны, рады мы гостям,
Народ у нас – единой дружбой слитый,
Террора козни – не помеха нам...
Мы дети нашей Родины любимой,
Вовек незарастающим путем
Под Флагом нашим реющим и с Гимном
На площадь нашу главную придем!

Николай БУРТЫШЕВ.

Айтайлик, сиёсий ҳаётда ҳам эволюцион ривожланиш йўлидан келдик. Икки палатали парламент вужудга келтирилгунча ўн йил бир палатали парламент тажриба орттирди, умумхалқ референдумидан оқ фотиҳа олинди, сўнг қонунчилик ҳокимиятида янги шаклларга ўтилди. Худди шунингдек, Мустақиллик майдонига нисбатан халқ онгида улкан ғурур ва фахрланиш ҳислари барқарор туйғу даражасига кўтарилиши керак эди. Шу маънода, ўн уч йилдирки, Истиқлол байрами ана шу майдонда нишонланади.

Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бамисоли чеҳра устига тушган сўгалдай киши кўнглини хира қиларди. Айниқса, Сенат биноси қад ростлагач, бу корхонанинг шаҳар маркази ҳуснига доғ бўлиб қолганлиги яққол намоён бўлди. Бу атрофда ҳар қачонгидан файзли гулзорлару арчали масканнинг бунёд этилиши, мустақиллик майдонига туташ «Ўзбекистон» шоҳкўчасини кенгайтириш зарурати туғилгандан кейин «Технолог» бирлашмаси, «Ўзқишлоқўжмашхолдинг» компанияси биноларини бу жойдан кўчириш кераклиги ўз-ўзидан кун тартибига қўйилди.

Қаранг, шу биргина ўзгариш туфайли серқатнов ва гавжум йўл тўғриланди, атроф яна кўркамлашди, илгариги тор жойда уфқлари очилган кенг ва равон майдон вужудга келди.

2005 йилда, айниқса, Ўзбекистонда жамият ҳаётида янги давр бошланди: дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан андоза, ибрат олиниб, икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлади. Қонунчилик ҳокимиятининг муҳим тармоғи – Сенат биноси айнан шу Мустақиллик майдонида қад ростлади. Ушбу кошона, Президентимиз режасига кўра, Бош майдоннинг умумий манзарасига чин маънода уйғунлашиб кетиши керак эди. Мана, ўтган қисқа муддатда бу эзгу ният рўёбга чиққанини ҳамма эътироф этмоқда.

Ушбу муҳташам бинода Сенат билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси каби бошқа муассасалар жойлашган. Тўрт қаватли пурвиқор иншоотда 170 ўринли мажлислар зали, йиғилишлар учун мўлжалланган яна учта кичик зал ҳам бунёд этилган. Муаззам бино лойиҳаси «Ташгипрогор» очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган. Уни яратиш жараёнида хориждаги, жумладан, АҚШ Сенати биноси лойиҳаси ҳам синчиклаб ўрганилган. Бироқ барибир Ўзбекистон Сенати биноси ўзига хос ва бетакрор миллий услубда барпо қилингани шундоққина кўриниб турибди!

Бинога кираверишда ўрнатилган маҳобатли тўрт устун бамисоли адолат таянчлари янглиғ мустаҳкам. Уларнинг тепасида қурилган уч гумбаз Шарқ меъморчилигининг энг илғор ютуқларини эслатибгина қолмай, балки асрий анъаналаримиз бардавомлигига, қадимий давлатчилигимиз тарихига ишорадир.

Сенат биносининг биринчи қаватига Украинадан келтирилган қизил гранит, қолганларига эса Греция ва Италияда ишланган оқ мармар билан жило берилган.

Сенатнинг олд қисмида жозибадор фаввора ва ҳовузлар қурилган. Йўлакларда безакли тошлар, атрофида эса гуркираб турган турли дарахт ва буталар, ям-яшил майсалар баҳридилингизни очади.

Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, мазкур бино ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этади, халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади.

– Мен илк бор Сенат биносига қадам қўйганимда, руҳимда сўз билан таърифлаб бўлмас таассурот уйғонди, – дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими ижрочи директори Нодира Каримова. – Бу даргоҳ Ўзбекистонимизнинг чинакам буюк давлат эканлигини кўзгу каби акс эттириб турибди. Мармар кошинлар, биллур қандиллар, нилий гумбазлар ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ғурур уйғотади. Бундай муҳташам кошона ҳурматли Президентимиз ғояси билан барпо этилгани, айниқса, мустақил Ўзбекистонимиз тарихида ўчмас лавҳа бўлиб муҳрланиб қолади.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

Мустақиллик майдонида янгидан қад ростлаган бетакрор иншоотлардан яна бири, бу – Эзгулик аркасидир. Арка – азалдан «Кириш жойи, табаррук остона» деган маъноларни англатади. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг Бош майдони халқимизнинг, мамлакатимизнинг асрлар давомида кўнглида бўлган улкан орзу-ниятлари ушалганлигининг ифодасидир.

Беихтиёр кўнглимиздан шундай гаплар ўтади: ўзини Ўзбекистон фуқаросиман, деб ҳисоблаган ҳар бир инсон ўз ҳаёти мобайнида, лоақал бир марта Эзгулик аркасига келиши, шу ернинг ҳавосидан тўйиб нафас олиши, шундай бахтга мушарраф бўлганидан кўнглида ғурур сезиши керак. Шундай туйғуни дилдан ҳис этган ота-она бу ҳақда фарзандларига уқтириши лозим. Ахир «Озодлик» сўзининг тотли маъноси ҳам одам боласига чексиз куч-қудрат ато этади.

– Эзгулик аркаси ҳақидаги телекўрсатувни жуда қизиқиб томоша қилдик, – дейди Тошкент туманилик меҳнат фахрийси Умаржон ака Валиев.

– Ҳа, бу иншоот халқимизнинг неча асрлик орзу-армонлари ушалганининг рамзий ифодаси бўлди. Бу ерда ҳар ким кўнглидаги энг муқаддас орзу-ниятлари ижобат бўлишини Яратгандан сўрайди. Бу масканга қадам қўйган ҳар қандай инсон қалбида фақат эзгу туйғулар барг ёзади.

Энди ўзингиз айтинг: шундай кунни ўзбек халқи неча асрлардан буён Яратгандан илтижо қилиб сўраганди? «Оллоҳ ҳам пок ният билан сўраганга беради», деганларининг ижобати эмасми бу?

Эзгулик аркасининг муҳим жиҳати шуки, у ҳам бўлса, мазкур майдоннинг халқимиз ҳаётида тутган маънавий аҳамиятидир. Айниқса, янги оила қураётган ёшлар учун бу маскан ҳаёт йўлини бошлаб берувчи ёруғлик тимсоли бўлиб қолади. Бу ерга келиб суратга тушган келин-куёвлар кўнглида ўз келажагини юрт келажаги билан боғлаш нияти барқ уради. Катта ҳаёт бошида турган ёшлар ўзларининг қалблари тубидаги эзгу ниятларини, айтайлик, «Биз ҳам фарзанд кўрайлик, бахтли бўлайлик, ортимиздан нурли из қолдирайлик», деган орзуларни дилларига тугишади. Ҳа, эзгуликдан эзгулик туғилади-да.

МЎЪТАБАР ҚАДАМЖО

Янги йил байрами арафасида – 28 декабрь куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди.

– Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Бугун унинг ёнига Бахтиёр Она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди.

Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага **«Мустақиллик ва эзгулик монументи»** деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чунки мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга маълумки, она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг ёрқин тимсолига айланган.

Мана шу икки буюк қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари, бу мажмуанинг сиёсий ва инсоний маъноси яққол мужассам, десак, хато бўлмайди. Тасаввур қилинг, олижаноб ниятлар билан янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ поёндоз шаклдаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг бегубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узоқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга, деди Президентимиз.

Мен мана шундай табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, аввалambор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан.

Аслида, Президентимиз бу сўзлар орқали бутун халқимизнинг орзу-ўйларини ифода этганди. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 февралда имзолаган «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида»ги Қарори ҳамма жойда зўр қониқиш билан кутиб олинди. Буни қарангки, шундай улуғвор ва маҳобатли тимсол яратилгандан кейин унинг мақоми ҳам юксак поғонага кўтариб қўйилгани айни муддао бўлди. Эндиликда бу обида пойига гулчамбарлар қўйиш расмий маросими жорий этилади, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган чет эл давлатлар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, хорижий делегациялар вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколларига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими ўтказилади.

Ватанимиз мустақиллигини қалбининг туб-тубида эъзозлаган ҳамюртларимиз, азиз ва мўътабар меҳмонларимиз ана шу масканга чуқур эҳтиром билдирган ҳолда зиёрат қиладилар. Бу гўша Ўзбекистоннинг буюк ўтмишидан, асрий кечмишидан авлодларга мароқли ҳикоя ҳадя этаверади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Боевая учеба: анализируем итоги месяца

УКРЕПЛЯЯ СЛАЖЕННОСТЬ

Завершающий месяц зимы стал временем укрепления слаженности действий воинских подразделений, совершенствования боевой выучки и взаимодействия.

Отрадно отмечать активное участие в соревновании на звание лучшего по профессии молодых офицеров, ведь это означает удовлетворительное прохождение ими периода адаптации на первом месте службы. Например, о выпускнике Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища (ЧВТКИУ) 2005 года лейтенанте З. Бекназарове положительно отзывается командование части. Заместитель командира танкового взвода по вооружению показывает хорошие знания материальной части вверенной техники, в качестве инженера умело организовал обслуживание боевых машин в условиях зимы.

Надежными помощниками офицеров в деле методически грамотной постановки учебного процесса становятся и военнослужащие по контракту. Выпускников школы подготовки сержантов младших сержантов по контракту Ш. Кобилова, О. Рахматова и З. Карабаева в этом плане также можно привести в пример. Они не только сами совершенствуются в искусстве ведения меткого огня из зенитной установки, но и помогают обучать товарищей по службе.

А вот воинам взвода капитана Л. Раджабова снежная пора подарила отличную возможность проверить навыки маскировки. У младших сержантов по контракту М. Баракаева и А. Хусаинова умение скрытно расположиться в засаде и терпеливо ждать доведено до автоматизма.

Словом, на финишный отрезок зимнего периода обучения воины выходят с твердым настроем успешно отработать на полевых выходах и тактических учениях, прочно закрепить полученные знания и навыки.

Подполковник Ярослав КОРУКА, корр. «Ватанпарвара». Фото **автора.**

В строю – женщины

С ТОЧНЫМ РАСЧЕТОМ

В воинской части под командованием офицера Руслана Джумаева и военнослужащие из числа представительниц прекрасного пола в обязательном порядке проходят боевую подготовку.

Среди тех, кто подает добрый пример, командованием части была названа и младший сержант по контракту В. Каюмова. Вера Улашевна служит в должности помощника начальника финансовой службы части. Но и при выполнении упражнений по огневой подготовке из стрелкового оружия показывает хорошие результаты.

Конечно, основными видами «оружия» для опытного военного профессионала являются компьютер и калькулятор, однако на занятиях по боевой подготовке именно точный расчет и хладнокровие помогают младшему сержанту В.Каюмовой метко поражать мишени.

– Пребывание в рядах защитников Родины обязывает и нас, женщин-военнослужащих, уметь обращаться с оружием, – говорит она. – К тому же доставляет особое удовлетворение сознание того, что и в меткости ведения огня мы не уступаем мужчинам.

Представителю финансовой службы по долгу положено ратовать за экономию и бережливость во всем, что касается расходования материальных средств. Хозяйское, рачительное отношение к военному имуществу характерно для данной воинской части. Это является реальным вкладом военнослужащих в построение процветающего Узбекистана.

Майор Нурлан АБИРОВ.



Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

НАВРЎЗ – ЯНГИЛАНИШ, ЯНГИ ОРЗУ-УМИДЛАР, ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

"Наврўз" сўзи форсий бўлиб, "нав" – янги, "рўз" – кун , яъни "янги кун" деган маънони билдиради ва 21 мартда, баҳорги тенгкунликда нишонланади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, Наврўз, бу – қуёш тақвими бўйича – янги йил байрами.

Наврўз – халқимизнинг энг қадимий ва энг мафтункор байрами. Наврўз – янгиланиш, яшариш ва покланиш байрами. Наврўз – меҳнат ва яратувчилик байрами. Наврўз – янги орзу-умидлар байрами. Наврўз – меҳр-шафқат ва эзгулик байрами. Наврўз – тинчлик ва аҳиллик, дўстлик, ўзаро ёрдам, яхшилик ва адолат байрами. Наврўз – нафосат ва гўзаллик байрами. Наврўз – миллий ва шу билан бирга умумхалқ байрами. Наврўз – мафкура ва сиёсатдан холи, беҳисоб умуминсоний меъёрларни, ёшларни ҳамда бутун халқни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбияловчи одат ва анъаналарни ўзида мужассамлаштирган байрам.

Наврўз байрами шўролар даврида анча тазйиқларга учради. Ҳатто уни бутунлай тақиқлашга ҳам уринишлар бўлди. Аммо, олий ҳакам – вақт кўрсатди-ки, халқ байрамини – халқ қалбини йўқ қилиб бўлмайди, замон ғилдирагини ҳеч ким ва ҳеч нарса тўхтата олмайди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1990 йилда қабул қилган фармони билан Наврўз байрами яна қайта тикланиб, давлат байрами сифатида, буюк ва олижаноб мақсадлар йўлида инсонларни эзгулик ва ҳамжиҳатликка чорловчи байрам сифатида нишонланиб келинмоқда.

Халқимизнинг энг қадимий ва энг севимли байрами – Наврўзнинг кириб келишини ҳар бир киши, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва шаҳар аҳли сабрсизлик билан кутади. Наврўзни муносиб кутиб олиш, байрам тантаналарини уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиш орзусида бўлади. Наврўзи олам она заминимизга кириб келмоқда, дилларимизга ажиб ҳис-туйғу, янги орзу-умидлар ато этаяпти.

Наврўз байрамини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни юқори савияда ташкил этиш бўйича барча ҳарбий қисм ва муассасаларда қатор тадбирлар амалга оширилади. Белгиланган ва режалаштирилган ишларни тўлиқ бажариш орқали ҳарбий жамоалар жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, шахсий таркибга миллий ғоя ва миллий қадриятларимиз моҳиятини янада чуқур тушунтириш мақсадида:

– ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасаларда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузиш ва улар фаолиятини қатъий назорат қилиб бориш, белгиланган барча тадбирларнинг ўз муддатида, юқори савияда ўтказилишига эришиш;

– давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган йиғилишларда Наврўз тадбирларини муҳокама этиш;

– "Наврўз – янгиланиш, янги орзу-умидлар, тинчлик ва меҳнат байрами. Ўзбекистон халқлари маданияти ва қаҳрамонлик анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш муқаддас бурчимиз" мавзусида 9–10 март кунлари ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказиш;

– ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасалар, госпиталлар, мактаблар, болалар боғчалари ҳудудларида, маданий дам олиш жойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш, ариқ ва зовурларни тозалаш, йўлакчалар, йўллар ва биноларни таъмирлаш ишларини бажариш учун ҳашар ўтказиш;

– Ватанимиз мустақиллиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчилар хотирасини абадийлаштириш учун қўйилган ёдгорликларни таъмирлаш, уларнинг атрофига дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш;

– Ватанимиз мустақиллиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, ота-оналари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

– давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда Наврўз байрамининг тарихий илдизлари, ҳаётимизда тутган маънавий ўрни, миллий ғоя, миллий қадриятларимиз ҳақида, "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!" мавзусида суҳбатлар, маърузалар уюштириш;

– ижодий гуруҳлар, санъаткорлар иштирокида Наврўзни, жонажон Ватанимизни мадҳ этувчи концерт дастурлари ташкил этиш;

– ҳарбий хизматчиларнинг умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқувчилари ва талабалари билан учрашувларини уюштириш;

– ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасалар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг вилоятлар ва туманлар марказлари, шаҳарларда ўтказиладиган "Наврўз" байрами тантаналарида концерт дастурлари билан чиқишларини уюштириш;

– ҳарбий хизматчиларни халқимиз тарихи, ўтмиш маданияти, урф-одатлари билан яқиндан таништириш мақсадида тарих ва ўлкашунослик музейларига ташрифларини ташкил этиш;

– шахсий таркиб билан "Наврўз – баҳор ва янгиланиш байрами", "Наврўз – халқимиз тарихий анъаналарининг тимсоли", "Миллий мустақиллик ва миллий қадриятларимизнинг тикланиши" мавзуларида тарихчи, файласуф, адабиётшунос олимлар иштирокида суҳбатлар, маърузалар уюштириш;

– жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда тартиб-интизомлиликда сафдошларига ўрнак кўрсатиб келаётган аскарлар ота-оналари, улар ўқиган билим даргоҳлари, маҳаллаларига миннатдорчилик хатлари жўнатиш;

– қисм ва муассасаларда аскарларнинг ота-оналари, чақириққа бўлган ёшлар, жамоатчилик вакиллари учун "Очиқ эшиклар куни" ташкил этиш;

– Қуролли Кучлар Марказий музейи, ҳарбий қисм ва муассасалар "Шон-шараф" бурчакларига олий ва ўрта махсус билим юртлари, умумтаълим мактаблар ҳамда чақириққача бўлган ёшларнинг ташрифларини уюштириш;

– ҳарбий қисм ва муассасалар ҳудудлари, гарнизонлар офицерлар уйлари, аскарлар клубларини "Наврўзи айёмингиз қутлуғ бўлсин!" "Ассалом Наврўз – баҳор ва янгиланиш байрами!" "Ватан ҳимоячилари! Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!» «Наврўз – тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрами!» «Наврўз – меҳру оқибат, бахт-саодат ва тинч- тотувлик байрами!» «Қадаминг қутлуғ бўлсин – Наврўз!» каби шиорлар билан безаш;

– гарнизонлар офицерлар уйлари, аскарлар клублари, кутубхона ва ижтимоий-сиёсий ахборот хоналарида Наврўз байрамига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этиш, деворий газеталар чиқариш;

– байрам кунлари баҳорнинг тансиқ таомлари: сумалак, кўк сомса, палов сингари миллий таомлар тайёрлаш, оммавий сайиллар ташкил этиш, госпиталларда даволанаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари ҳузурига ташрифлар уюштириш;

– Наврўз умумхалқ байрамини кутиб олиш ва ўтказишга тааллуқли тадбирлар амалга оширилган ишларни, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришиб келаётган ҳарбий хизматчилар ҳақидаги лавҳаларни "Ватанпарвар" газетаси ва "Ватанпарвар" телекўрсатуви орқали мунтазам ёритиб бориш тавсия этилади.

Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказишга йўналтирилган юқоридаги тадбирларнинг кўтаринки руҳда кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилиши шахсий таркиб тафаккурига миллий қадриятларимизнинг чуқур сингиши, армия билан халқ бирлигининг янада мустаҳкамланиши, мустақил давлатимиз миллий армиясининг мудофаа салоҳияти ва нуфузи юксалишига хизмат қилади.

ЎЗбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

Изучаем праздничное поздравление Президента

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ – ВЫСШЕЕ ПРОЯВЛЕНИЕ ЧЕСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО

Как известно, третья задача, поставленная Президентом, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Исламом Каримовым в праздничном поздравлении защитникам Родины, названа сверхважной. В этом ряду стоит и четвертая задача. Она сформулирована таким образом: **«Первостепенное внимание уделять повышению профессионального уровня военнослужащих, кардинальному улучшению учебно-воспитательной работы в училищах и школах подготовки сержантов, оснащению их современной техникой, современным оборудованием и учебными пособиями и технологиями. Особое внимание обратить на интеллектуальную подготовку и уровень курсантов, выпускников училищ и сержантских школ».**

Как видим, на первое место поставлен профессиональный уровень военнослужащих. Потому что профессиональная подготовка воина – это альфа и омега успеха в решении любых задач, стоящих перед Вооруженными Силами. И потому мы готовим сознательного, политически и технически грамотного профессионала-военнослужащего. Проблема эта сложная, и упрощать ее нельзя.

Сегодня очевидно, что кардинальная военная реформа, начатая по инициативе Президента страны, стала важным делом каждого военнослужащего. И каждый из них глубоко сознает, насколько широким стал диапазон боевой и общественно-политической подготовки и глубоким по объему решаемых задач. К примеру, как всегда, актуален жесткий по форме, но жизненно необходимый по содержанию принцип: учить войска тому, что необходимо на войне. Он требует, чтобы военнослужащий хорошо разбирался в военно-политической обстановке, знал противостоящего противника, его вооружение, способы действий, его психологию, в совершенстве знал свое оружие и боевую технику, то есть был профессионалом, умел тактически грамотно мыслить и с минимальными потерями наносить противнику наибольший урон.

С чего начинается профессионализм? С психологии солдата, осознания им жизненной необходимости профессионального мастерства, мастерского владения боевой техникой и вооружением и умелого их применения. Но мы должны понимать профессионализм значительно шире, как определяет его Президент Ислам Каримов: **«Профессионализм армии заключается прежде всего в воспитании и укреплении у военнослужащих твердых жизненных позиций, а также патриотического мировоззрения и высокого военного мастерства и профессиональных навыков в обладании и использовании ими оружия и техники».**

Как видим, здесь прямая взаимозависимость и тесная связь между третьей и четвертой задачами, поставленными главой нашего государства перед обществом, государством и Вооруженными Силами.

Другими словами, **профессионализм – это глубина имеющихся у военнослужащего знаний и способность логически мыслить и действовать. Это духовное богатство личности военнослужащего и благородство его нравственных чувств. Это сочетание глубины ума, морального и физического совершенства и отточенность знаний и навыков, умение применять их в самых сложных условиях повседневной деятельности войск и в боевой обстановке. Профессионализм, если хотите, – это высшее проявление чести военнослужащего.**

Устав внутренней службы Вооруженных Сил обязывает военнослужащего **«постоянно овладевать военными, профессиональными знаниями, совершенствовать свою выучку и воинское мастерство».** За этой правовой нормой как раз и стоит профессионализм военнослужащего, отточенное воинское мастерство. Что оно в себя включает?

1. Высокую общественно-политическую подготовку военнослужащего, глубокое знание им военно-политической обстановки в регионе и умение делать из нее правильные практические выводы.

2. Глубокое знание боевой техники, оружия, аппаратуры, наличие твердых навыков при работе на них — их обслуживание, эксплуатация и боевое применение, умение самостоятельно устранять неисправности и четко действовать в составе экипажа, расчета, отделения, группы в полевых и особенно в боевых условиях.

3. Умение владеть смежными специальностями, уверенно и надежно выполнять обязанности при взаимозаменяемости в первичных подразделениях. Твердо знать обязанности на ступень выше занимаемой должности, чтобы в случае необходимости быть способным заменить командира в бою.

4. Уверенные действия в условиях, максимально приближенных к реальному бою, и в реальном бою. Доскональное знание вероятного противника, его вооружения, тактики действий, его идеологии и психологической подготовленности.

5. Высокую морально-психологическую подготовленность к бою с технически оснащенным и коварным противником. Быть стойким, целеустремленным, мужественным, самоотверженным воином, иметь отточенную морально-психологическую и физическую закалку, быть выносливым, инициативным, высоко нести чувство дружбы, войскового товарищества и взаимной выручки, быть верным воинскому долгу и своей Военной присяге.

6. Постоянно работать над повышением своих общественно-политических и военных профессиональных знаний. В ходе боевой учебы настойчиво добиваться сокращения времени выполнения нормативов при боевой работе, при подготовке оружия к боевому применению; уметь четко действовать в ночных условиях, в горной, пустынной местности и в населенных пунктах.

7. Быть бдительным, строго хранить государственную и военную тайну, образцово нести боевое дежурство, караульную и внутреннюю службу.

8. Быть дисциплинированным, высоко нести честь и достоинство Вооруженных Сил и своего воинского звания. Всегда помнить, что дисциплина и боеготовность – неразделимы. Дисциплинированность укрепляет дух воина, цементирует его морально-боевые и психологические качества, укрепляет его верность идеалам независимости, преданность Родине, народу и Президенту. Дисциплинированность – основа успехов воина в боевой учебе и в реальном бою.

К этому можно добавить, что профессионал – это интеллектуально развитая личность. Это высокая общая и военная культура. Это умение всецело посвятить себя делу, которому ты служишь. И наконец, профессионал – это высокая честь и надежность. Надо всем нам, от солдата до генерала, своей настойчивостью, целеустремленностью, напряженным ратным трудом все сделать для того, чтобы в лице каждого военнослужащего наш народ видел не просто воина, как такового, а надежного защитника своей независимой Родины.

В этом русле сформулировано и требование Президента страны о кардинальном улучшении учебно-воспитательной работы в училищах и школах подготовки сержантов. Очевидно, что упор надо сделать на то, чтобы больше учить курсантов практической стороне работы в войсках. Практика показывает, что отдельные выпускники вузов не обладают развитым и, можно сказать, прочно сформированным оперативно-тактическим и тактическим мышлением. Некоторые из них на первых порах неуверенно решают задачи управления подразделениями, поверхностно знают современное оружие и боевую технику, компьютерные и информационные технологии, имеющиеся на вооружении. Нередко молодые офицеры и сержанты слабо подготовлены в психолого-педагогическом отношении, не обладают необходимой методической подготовкой и методикой укрепления воинской дисциплины. Поэтому наряду с совершенствованием учебной материальной базы, как одной из важнейших условий качественной подготовки курсантов военных училищ и выпускников школ подготовки сержантов, Президент страны требует **обратить особое внимание на интеллектуальную подготовку и уровень знаний и навыков курсантов военных училищ и школ подготовки сержантов.**

В этой связи представляется целесообразным содержание и организацию обучения по каждой специальности привести в строгое соответствие с предназначением выпускника, это во-первых. А во-вторых, следует активнее внедрять в учебный процесс все самые новые вопросы оперативного искусства и тактики, боевой опыт подготовки войск и опыт боевых действий, особенно против бандформирований международных террористов и религиозных экстремистов.

В военно-технической подготовке следует обратить внимание не только на качественное и глубокое освоение базовых и особенно новых образцов вооружений и боевой техники, но прежде всего на практическую сторону подготовки курсантов, привитие им практических навыков в эффективном применении и максимальном использовании боевых возможностей основных видов вооружений. Наверное, есть необходимость уже с курсантских лет будущих офицеров привлекать к научным разработкам. К примеру, по заданию частей выполнять с помощью кафедр конкретные разработки, готовить рабочие чертежи, изготовлять опытные образцы и внедрять их в практику.

Одним словом, надо всем быть в постоянном движении, в поиске. Это, конечно, потребует новых сил и напряжения, но без поиска вперед не продвинешься.

Особо хочется сказать об общевоинской подготовке. Надо уже в училищах и школах подготовки сержантов поднять роль и значение Общевоинских уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан как основных государственных нормативно-правовых документов, регламентирующих жизнь и деятельность Вооруженных Сил, и формировать у курсантов уважительное отношение к их нормам и изложенным в разделах и статьях требованиям. Немаловажно придать приоритетное направление в деятельности вузов и школ подготовки сержантов формированию у их питомцев высокой исполнительности, строевой подтянутости, молодцеватости, внутренней потребности в пунктуальном выполнении требований приказов, распоряжений и уставов. Приобретение таких качеств – дело чести каждого военнослужащего. Эти качества работают не только на авторитет военнослужащего, но и на авторитет и имидж Вооруженных Сил в обществе.

Решение этой задачи во многом зависит от ответственности и деловитости командных и педагогических кадров, их взыскательности и умения практически организовать дело в свете новых задач и требований. Мы уверены, что с каждым новым отрядом выпускников школ подготовки сержантов и военных училищ войска будут получать подлинных профессионалов, ответственных и компетентных офицеров и сержантов, людей высокого духа, гордых своей военной профессией, мужественных и самоотверженных патриотов, беспредельно преданных идеалам независимости, верных Военной присяге, Родине, народу и Президенту.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ВАТАН СУЯНАДИ ШУНДАЙ МАРДЛАРГА!

Халқаро терроризм, диний экстремизм одамларнинг ҳаловатини ўғирлаётганини, тинчлигига дахл солаётганини биламиз. Ҳали дунёнинг у нуқтасида, ҳали бу нуқтасида мазкур офат солган, солаётган жароҳатлар инсониятни жунбушга келтирмоқда. Таъкидлаш жоизки, асримизнинг бу офатига қарши энг аввало огоҳлигимиз, сергаклигимиз билан курашамиз. Айниқса, юртнинг қуролли ҳимоячилари доимо сергак, ҳушёр бўлишлари, жанговар шай ҳолатда туришлари лозим.

Гапни бежиз мазкур мавзудан бошламадик. Негаки, қаҳрамонимиз халқаро терроризм қиёфасини яхши билади. Ана шу офатнинг нуқси урган, буни касб қилиб олган нокаслар билан тўқнаш ҳам келган. Тўғри, бу борада гап очилгудек бўлса, шартнома бўйича хизмат сержанти Фармонбой Исматуллаев бироз оғринади. Юраги, қалби эзилади. Жанубий сарҳадларимизда кечган воқеалар хаёлига келади. «Кўз олдимда Сайёр Саъдинов жон берди. Уни шошилинч равишда вертолётга олиб чиқдик. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. Аммо сафдош биродаримни асраб қололмадик. Очиқ қолган кўзларини ўзим ёпдим. Ҳали дунёга тўймаган эди, ҳали дунёга айтар сўзлари бор эди. Афсус… Бундай вазиятда ироданг, бардошинг метиндан бўлса ҳам чидамас экан. Кўзларимда ёш ҳалқаланди. Мустақиллигимиз, тинчлигимизни кўролмайдиган малъунларга, халқаро террорчиларга нафратим янада ошди».

…Қидирув ишларини олиб бораётган гуруҳ кутилмаганда пистирмага дуч келди. Қўққисдан отишма бошланиб кетди. Профессионаларимиз зудлик билан қулай марраларни эгаллашди. Аммо гуруҳ командири душман ўқидан яраланган эди. Тажрибали посбон сержант Исматуллаев гуруҳга командирлик қилишни зиммасига олди. Тактика борасида юксак малакага эга профессионал посбонларга аниқ йўл-йўриқлар берди. Натижада пистирмадагилар дарҳол ўраб олиниб, бартараф этилди.

Бу янглиғ машъум воқеаларни эсга олгиси йўқ, посбоннинг. Негаки, кўз олдига мардларча ҳалок бўлишган сафдошлари келаверади. Шу боис биз ҳам қалбидаги яраларни ортиқ тирнамасликка ҳаракат қилдик. Келинг, яхшиси қаҳрамонимизнинг жанговар фаолиятини ўқув машғулотлари мисолида кўриб ўтайлик.

…Тоққа қалин қор тушган. Харитадаги белгиларга қарар экан, взвод командири шартли душман эгаллаган қишлоққа яқин қолганини ҳисоблаб чиқди. Атрофда ғорлар, пистирма учун қулай жойлар бор. Душман панада туриб қўққисдан ҳужум қилиб қолиши ҳеч гапмас. Тажрибали командир вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда дарҳол кузатув пости ташкил этишга буйруқ берди. Сержант Фармонбой Исматуллаев етакчилигидаги гуруҳ эса олдинги маррада бориши керак.

Буни қарангки, олдинги маррада бораётган гуруҳ посбонлари шартли душман билан тўқнаш келди. Алоқачи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Озод Жўрақулов бу ҳақда зудлик билан взвод командирига рация орқали маълум қилди. Взвод старшинаси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Мусурмонов эса снайперлар билан қулай маррага жойлашиб олди. Гуруҳ командири аввало снайперларга шартли душманнинг олдинги сафда ҳаракатланаётган йўлбошловчиси, сапёр, автоматчиларини нишонга олиш ва яксон этиш ҳақида буйруқ берди. Моҳир снайперларнинг бехато хатти-ҳаракати сабаб, шартли душман гуруҳи парокандаликка учради. Шунда муайян позицияни эгаллаб олишган пулемётчи, гранатомётчиларимиз душман гуруҳининг асосий кучларига зарба беришди. Табиийки, бу ўринда сержант Исматуллаевнинг моҳирона командирлиги, бошқаруви, тўғри тактика қўллай билгани муваффақият гарови бўлди.

Мақоламиз қаҳрамони 14 йилдан бери, ҳа-ҳа, Қуролли Кучларимиз ташкил топганидан буён шартнома бўйича хизматда. Ана шундайин мард, фидойи миллий кадрларимиз армиямизнинг шаклланувига беқиёс улуш қўшиб келишмоқда. Булунғурлик бу ўғлоннинг Фаррух, Жаҳонгир, Жалолиддин исмли фарзандлари бор. Таъкидлаётганимнинг сабаби бу исмларнинг ҳар бири билан мардлик, жасорат, садоқат сўзлари эгизак, уйғун.

Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида сержант Фармонбой Исматуллаев Президентимизнинг Фармонига кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Мен қаҳрамонимнинг жанговар фаолияти билан танишиб туриб, шуни англадимки, агар фидойилик сўзига ранг, бўёқ керак бўлса, ҳеч иккиланмай ундан олиш мумкин. Мардлик тимсолини чизмоқ истаган рассом бўлса, ундан нусха кўчириши мумкин. Ҳа, суратига боқиб шуларни кўрасиз, ҳис қиласиз. Сийратига боқинг-чи, сийратига? Унда қудратли кучни – миллатнинг жажжи бир қиёфасини ҳис қиласиз.

Майор Алижон САФАРОВ.

БУРЧ ТУЙҒУСИ БЕЗАГАН ГЎЗАЛ

Шоир унинг таърифини келтирар экан, изларидан ҳаё, ибо эргашиб юради, дейди. Баҳорга ўхшатади, гулга ўхшатади. Ҳатто ҳар тонг қуёшни уйғотади, дейди. Бу ўзбек аёлига, аёлларимизга берилган таъриф. Уларга меҳр билан қаранг, муҳаббат билан қаранг. Шунда қуёшдек мунаввар, баҳордек латофатли эканлигини теран англайсиз.

Аёлни азал-азалдан кўп-кўп мадҳ этишган. Ҳофиз Шерозий ҳатто гўзалнинг қаро холига Самарқанду Бухорони «тортиқ» қилиб юборган. Биз байрам – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида бугуннинг гўзалларидан бирининг таърифидан сўз очмоқчимиз.

Изларидан ҳаё эргашади, ибо эргашади, дедик. Бу гўзалнинг изларида эса бурчи, яъни Ватан ҳимояси йўлидаги мардонавор хизматлари ҳам «чақнаб» туради. Ҳа, бурч уни безаб турибди, бурч унга зеб берянти. Шунинг учун ҳам у ҳар қандай лобарлардан лобар, гўзаллардан гўзал. Бугуннинг гўзали, дедик. Унга бошқача таърифни тополмадим-да. Бошқалардек, яъни баъзилардек фақат ўзининг ҳаловатини ўйламади. Юртининг, халқининг ҳаловатини қўришни касб қилди. Жанговар тревогалар маҳали саҳар уйғониб, хизматга боришдан, жанговар навбатчиликларни ўташдан, тартибга, интизомга асосланган ўзига хос ҳаёт тарзидан нолимади, нолимаяпти ҳам. Қошларига ўсма, кўзларига сурма қўйишга доим ҳам вақт топавермаслиги мумкин. Аммо Тўмарис момосининг қатъияти, шижоатини, юрт ҳимояси йўлидаги мардлиги, матонатини ўзлаштиришга доимо вақт топади. Бу шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳайё Неъматова бўлади.

Муҳайё билан илк бор учрашувимиз адашмасам 2001 йилда бўлганди. Яъни шартнома бўйича хизматига эндигина бир йил тўлган вақтда. Қисм командири «ўртоқ мухбир, бизда шижоати, қатъияти билан чақнаб турган, ҳар қандай йигитдан қолишмайдиган ўт-олов бир қиз бор. Ҳар қанақанги ўқотар қуролдан ота олади, қўл жанги бўйича маҳорати юксак», қабилидаги гаплар билан ўзини мардлар касбига бағишлаган Муҳайё билан таништирганди.

Навбатдаги учрашув «Фориш» полигонида – ҳамкорликдаги халқаро ўқув машғулотларида кечди. Қаҳрамоним билан суҳбатлаша олмаган бўлсам-да, уни кузатдим. Энг замонавий қуроллардан мўлжалга қарата аниқ, ишончли отишини кўрган ҳамкорларимиз ҳам ҳатто унга қойил қолишганди, ўшанда.

Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида – «Туркистон» саройида у билан учрашдик. Президентимиз Фармонига кўра кўксини «Шуҳрат» медали безаган ҳаяжонли лаҳзаларда. Таъкидлаш жоизки, бунгача у Мустақиллигимиз, Қуролли Кучларимизнинг 10 йиллик тўйлари муносабати билан эсдалик нишонлар билан ҳам тақдирланганди. «Мустақиллик биз ўзбек қизларига, аёлларига ҳам эгнига ҳарбий либос кийишдек шарафни туҳфа этди. Мен миллий армиямизда хизмат қилаётганимдан доимо фахрдаман», деганди ўшанда зўр ҳаяжон билан.

Муҳайё 2003 йилда Чирчиқдаги Сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаб, санитар-йўриқчиси вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Тиббиёт соҳасида ҳам ўз вазифасини яхши билади. Айниқса, тоғ шароитида кечадиган ўқув машғулотларида у биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, яралорларни эвакуация қилишнинг ҳадисини олганлардан. Тактика, тоғ тайёргарлиги борасидаги билимлари ҳам мақтаса арзигулик. Дейлик, маскировка қилиш, нишонга отишда беқиёс маҳоратга эга.

Опаси Ҳулкар эгнига ҳарбий либос кийганидан сўнг Муҳайёдаги ҳавас янада алангаланди. Сўраб-суриштирса, армияга кўпроқ алоқачи ва тиббиёт ходимларини хизматга олишади. Тутган жойини кесадиган қиз ҳамшираликка ўқиди. Тугаллаб, 9 ойлик курсда алоқа сир-асрорларини ҳам ўрганди. Хуллас, мақсади сари дадил одимлади. Бугун Ориф ака ва Барно аяларнинг уч фарзанди ҳарбий – ўғли Маъруф, қизлари – Ҳулкар ва Муҳайё.

«Ёшлигимда ҳарбий бўлишни орзу қилгандим. Аммо насиб этмади. Мана, орзуимни фарзандларим ҳарбий сулолага асос солишиб, рўёбга чиқаришди. Айниқса, Муҳайё қизим бўлакчада. Биласизми, унинг қалбида ҳақиқий ҳарбийча руҳ бор», дейди ота. Бугун Жиззах туманининг Ғандимтош қишлоғида бу оила барчага ибрат. «Барака топсин, ота-онасига раҳмат. Ҳар қандай қиз ҳам ҳарбий соҳани эплай олмайди. Иродали, қатъиятли, мард экан фарзандлари», қабилидаги гапларни айтишади маҳалладошлар.

Барча қизларга хос чеварлик, пазандалиги ҳам йўқ эмас, қаҳрамонимизнинг. Айниқса, ош, чучварани маромига етказади. Бўш вақтларида кроссворд ечишни, Шарқ мусиқасини тинглашни яхши кўради. Қаттиққўллиги, талабчанлиги бор гап. Аммо қалбида меҳр-муҳаббат ҳам бисёр. Қисмдаги барча аскарлар уни меҳр билан «Муҳайё опа», деб чақиришади. Уларга меҳри сингани учун ҳам яхши кўришади-да.

…Тонг билан, қуёш ҳали уйғониб улгурмай хизматга отланди. Бугун дала-ўқув машғулотларига чиқиши керак. Бугун малака, тажриба яна бир бор синовдан ўтиши керак. У бундайин ҳаёт тарзига кўниккан. Лекин нолимайди. Ахир жисмига, қалбига, умрига бурч туйғуси зеб бермоқда. Тўмарис момоси руҳи уни эзгу ишларга йўлламоқда. Муҳайённинг қувончи, шодлиги, бахти ана шунда.

Сафар АЛИ,
Подполковник Ярослав КОРУКА
суратга олган.

НЕЗАБЫВАЕМЫЙ ДЕНЬ

В батальоне мобилизационного призывного резерва, где командиром майор Авазбек Таджикулов, прошли торжества, посвященные принятию Военной присяги.

Рослые, крепкие, уже по-военному подтянутые, ребята выстроились на плацу. Этот день в их жизни – один из самых главных: они клянутся на верность народу и Президенту.

Разделить их радость в этот волнующий день прибыли родители, близкие и друзья. Вместе с ними за принятием присяги наблюдают представители государственных и общественных организаций.

– Для меня сегодня самый незабываемый день, – с нескрываемой гордостью и волнением сказал на митинге, состоявшемся после принятия присяги, рядовой резерва Фахриддин Мирзаев. – Признаться, я не ожидал, что, надев военную форму, совершенно иначе буду смотреть на жизнь, на родных и близких. Ощутил свою причастность ко всему, что происходит в нашей независимой стране.

С поздравлениями и напутственным словом выступили мать солдата Гулнора-апа Исаева из города Гулистана, представитель областного фонда «Нуроний» Халикул Салимов.

После вручения памятных подарков и окончания торжеств родители солдат и представители общественных организаций в сопровождении командира подразделения совершили экскурсию по военному городку.

– Я горжусь своим сыном, – признается отец солдата Абдурахмон Тураев. – У него хорошие показатели в общественно-политической и физической подготовке. Месяц службы значительно сказался на его мировоззрении, он зримо возмужал. Уверен, это время прошло для него с большой пользой.

Александр МРУЧАК.
Фото **автора.**

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕРРОРИЗМ, ИЛИ ЕЩЕ РАЗ О ВОПРОСЕ ДВОЙНЫХ СТАНДАРТОВ

Для европейцев лето 2005 года было не просто жарким, оно был по настоящему раскаленным. И произошло это не из-за фактора глобального потепления. И уж точно, для некоторых политиков не из-за сообщения о трагических событиях, происшедших ранее, 13 мая в городе Андижане. Оно раскалилось после террористических актов, совершенных 7 июля в Лондоне приверженцами радикального исламизма. Все тех же, методично опутывающих современную цивилизацию терроризмом, нацеленным на неугодные им политические системы, иные мировые религии и национальные культуры.

Поверят ли британцы после 7 июля в реальность угроз, ранее откровенно и публично высказанных в их адрес лидерами исламистских фондов? Тех, открыто прижившихся в стране, формирующих десятилетиями инфраструктуры военизированных международных исламистских группировок, по всем международным правовым нормам соответствующих определению «террористические»?

Летом подобные вопросы задавали не только в Великобритании. Их задавали и в странах, познавших ужасы террористических актов задолго до 7 июля 2005 года, но при всем отношении к демократическим ценностям не подменяя в жанре «политизированного двойного стандарта» термин «террорист» на термин «бомбист».

Безусловно, британцам сочувствовали и соболезновали. Но скорее не удивлялись их стойкости и спокойствию 7 июля. Понимали – их закалка формировалась десятилетиями деятельностью Ирландской республиканской армии (ИРА), использовавшей в своей религиозно-политической протестной деятельности элементы вооруженного сопротивления, признававшей за собой ответственность за многие террористические акты, в том числе совершенный 28 февраля 1993 г. на станции «Лондон-бридж»...

Но будем до конца откровенны, сочувствовали и соболезновали, ориентируясь на среднестатистических британцев, но не ту часть британских политиков, до 7 июля 2005 года в упор не видевших в своей социальной среде сограждан-исламистов, поощрявших и спонсировавших из страны туманного Альбиона международный терроризм.

Эта часть британских политиков – не единичный пример в международной практике первых лет нового тысячелетия. В не меньшей степени упреки в пагубном использовании «современного политизированного двойного стандарта», трансформирующего понятия об исламистских боевиках-террористах и их пособниках – идеологических подстрекателях и финансовых спонсорах, – заслуживали и некоторые из политиков других стран Западной Европы. И примеров тому масса. Один из них фокусируется на том, как в 2003 году четверо депутатов Европарламента должны были приехать из Брюсселя в Лондон для вручения Ахмеду Закаеву символического европейского паспорта. Таким образом, от «лица Великобритании, Франции и Италии должна была быть выражена политическая поддержка» через ссылку на светлое и независимое демократическое будущее чеченского народа. Политический жест четверки, откомандированной Европарламентом, должен был создать одному из известных политиканствующих эмиссаров боевиков и террористов международный имидж «законного представителя президента и народа Чечни». Напомню, что Закаев с первых минут пребывания в Великобритании был обеспечен «свободой» через поручительство актрисы Ванессы Редгрейв, успешно сыгравшей порученную ей роль в грандиозном по своим масштабам политическом спектакле.

Очередной политический акт спектакля. Первые слова из этого нового акта этого спектакля с прогнозируемым сюжетом в 2005 году произнес британский посол в Российской Федерации Тони Брентон: «Если российские власти предоставят нам достаточные доказательства того, что он (Закаев) участвовал в террористических актах или совершал теракты, он будет экстрадирован». Естественно, Тони Брентон и иже с ним знали, что Закаев никогда не надевал на себя «пояс смертников» и не держал палец правой руки на тумблере самодельного взрывного устройства (СВУ). Только «интеллектуально» поощрял и подстрекал и с не меньшим успехом искал в Европе источники финансирования военизированных группировок, члены которых повинны не только в гибели российских военнослужащих или мирных чеченцев, но и иностранных граждан, в том числе и западноевропейских.

Странно, но при всей политической и правовой культуре западноевропейцев ни один из родственников тех, кто был захвачен и убит боевиками в Чечне или, к примеру, в ходе участия в боевых действий в Афганистане или Ираке, не устроил массовой акции протеста против откровенного попустительства терроризму, развязанному некоторыми политиками из стран Западной Европы. Но если подобные протестные акции и были, то они не стали темой, истерично муссируемой с высоких правительственных трибун. Впрочем, и международных, скорее условно «не правительственных» организаций. Тех, кто традиционно кичится своей приверженностью защите прав человека, никогда не защищал от исламистских террористов наши гражданские и человеческие права на идеологическое и религиозное самоопределение.

Более последовательными после 7 июля 2005 года в отношении «интеллектуально и духовно подкованных вдохновителей» международного терроризма выглядели судебные инстанции США, приговорившие к пожизненному заключению гражданина страны, фанатика-исламиста Али Тимими за его публичные «призывы к мусульманам» присоединяться к афганским талибам. На что адвокаты фанатствующего мракобеса отреагировали мгновенно, назвав судебный процесс «свидетельством подавления свободы слова и свободы вероисповедания».

Некоторые международные СМИ, кратко упомянув этот беспрецедентный жест американской Фемиды, в целом не уточнили – принятое судебное решение – скорее исключение, но не практика. Станет ли привлечение к уголовной ответственности Али Тимими сигналом для западноевропейских стран, и в частности Великобритании, сказать трудно.

Почему упомянут этот судебный процесс? Незадолго до его начала США посетил Мухаммад Салих (Салай Мадаминов), не выведенный в Республике Узбекистан из «списка» главных вдохновителей, подстрекателей и участников финансирования террористических актов, совершенных в городе Ташкенте в феврале 1999 года боевиками-террористами группировки Исламского движения Узбекистан, фигурирующей в списке государственного департамента США из-за своей корпоративной связи с Аль-Каидой и Талибаном.

Здесь мне придется сделать несколько уточнений. На пикантные подробности своей бурной биографии Мухаммад Салих накануне приезда в США реагировал относительно спокойно. Во всяком случае, понимал, что нужен некоторым политикам из США, заимствовавшим его у «просвещенной Европы» в качестве политической фишки, много лет подпитываемой шаблонным слоганом «известный оппозиционер». И горевал он, скорее всего, только оттого, что фишка давно не производила, да и не будет производить должного впечатления на самих узбекистанцев.

В те летние дни 2005 г. на вопрос журналиста Би-би-си, что означает прием в Конгрессе США Мухаммада Салиха, много лет назад заочно приговоренного Узбекским правительством к длительному сроку заключения? Американский политик Роберт Макнамара, отражая мнение некоторых своих коллег, ответил: «Во-первых, соответствующие структуры (лица) дали ему визу для въезда в США, и конечно же, они проверяли те вопросы, о которых вы говорите, прежде чем дать визу, в частности, были изучены серьезные обвинения, которые были выдвинуты против него Каримовским режимом, были изучены материалы судебного процесса и вынесенный приговор. А потом, мы знаем, что Мухаммад Салих встретится также с представителями совета национальной безопасности и другими официальными лицами в Вашингтоне. Если бы он был виновным, такие встречи не допускались бы».

Надо бы в тот период добавить Роберту Макнамаре, что в классике «холодной войны» (а ее «дух» после 17 мая 2005 года стал особенно сильно ощутим в отношениях между США и Узбекистаном) любое человеческое «отребье» – самый нужный политический продукт. И можно только представить, по какой высокой цене именно этот управляемый «продукт», видящий себя с начала девяностых годов двадцатого века властелином узбекского народа, оценивался в преддверии событий, происшедших 13 мая 2005 года в городе Андижане.

Правда, летом 2005 года на мой вопрос: «Может ли преступник стать, например, президентом США?» – один из американских политиков гордо ответил мне: «Нет!»

С его мнением я согласился, не соглашаясь с тем, что неприемлемое для США приемлемо для Узбекистана или любой другой страны из числа постсоветских республик, стоящей после Грузии, Украины и Кыргызстана в списке очередников на «революции».

Кто конкретно из вашингтонских политиков был гарантом «статуса неприкосновенности» Мухаммада Салиха, Роберт Макнамара в интервью с журналистом Би-би-си не уточнил. Кстати, этот факт не уточнялся и в сообщении от 23 июня 2005 года, мелькнувшем на нескольких Интернет-сайтах, ориентированных на информационную неискушенность центральноазиатской медиа-аудитории: «В Хельсинкской комиссии (Вашингтон) будут проведены слушания и публичная дискуссия на тему андижанских событий 13 мая 2005 года». Справка – Хельсинкская комиссия, также известна как Комиссия по безопасности и сотрудничеству в Европе, является американским правительственным агентством, контролирующим продвижение выполнения условий Хельсинкских соглашении 1975 года.

В те дни ответ Роберта Макнамары своей дипломатической изысканностью удовлетворил рамочное любопытство журналиста Би-би-си. Удовлетворил, отбив желание задаться вопросом: «В чем разница между «подстрекателями террористов» из Западной Европы, США, Ближнего Востока, Северного Кавказа и «подстрекателями террористов» Центральной Азии, если и те и другие ориентируют практиков «международного террористического союза исламистов» на единую формулу, один из тезисов которой приведен ниже:

«Моджахед никогда не пойдет на коварство. Но он сумеет сбить противника с толку и ввести его в заблуждение. Как бы ни обуревала его душу жажда победы, для достижения желанной цели он не гнушается игрой и в этом становится стратегом. Чувствуя, что силы его на исходе, он заставляет противника думать, будто просто никуда не торопится. Собираясь атаковать правый фланг, он ведет свои войска на левый».

Впрочем, вопрос не заданный Роберту Макнамаре журналистом Би-би-си, 12 июля не возник и у Верховного комиссара ООН по правам человека (ВКПЧ) Луизы Арбур и тех, кто с 17 мая 2005 года в жанре «двойного стандарта» заявлял: «Все происходившее на андижанской площади 13 мая 2005 г. не было исламистским восстанием».

При этом журналист Би-би-си не уточнил и другое – фото- и видеоматериалы, сделанные журналистами из нескольких зарубежных информационных агентств 13 мая, осели не только в ящиках письменного стола Луизы Арбур. Но на ее примере в те дни можно было наблюдать, как в политических целях трансформируется документально подтвержденная информация о попытке провозглашения в Узбекистане халифатской государственности взамен светской конституционной.

И происходила эта попытка под охраной вооруженных боевиков Кабула Парпиева, организовавшего в городе Андижане пикетирование здания суда, где проходили слушания по уголовным делам участников коммерческо-религиозной секты «Акрамия». Той, что даже в декабре 2005 года была признана и американскими экспертами из Центра Никсона (США) аналогом транснациональной исламистской партии Хизб ут-Тахрир аль ислами.

В те дни успокаивало одно – мнение Луизы Арбур не отражало мнения «всего мира», даже при условии, что высказано оно было в стенах здания ООН.

Айдын ГУДАРЗИ.

СОДИҚЛИККА ОНТ ИЧИШДИ

Навоий гарнизонида сафарбарлик чақируви резерви ойлик йиғинига жалб этилган навбатдаги фуқароларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Навоий гарнизони бошлиғи полковник О.Умрасулов, Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари У.Сатторов, Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник У.Тешаев, Навоий вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ва бошқалар иштирок этишди. Ота-оналар номидан сўзга чиққан Х.Мўминова ва З.Тоҳировлар Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси бўлмиш хизматнинг янги тури – сафарбарлик чақируви резерви, унинг қулайликлари ва афзалликлари хусусида тўлқинланиб гапиришган бўлса, Ҳарбий қасамёд қабул қилган ўғлонлардан Б.Бозоров ва Р.Шукуровлар ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар, хизматдан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

«Наврўз» гуруҳи санъаткорларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Майор Мирзо АШУРОВ.
(Факс орқали).

МАРДЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Фарғона гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида навбатдаги сафарбарлик чақируви резервидаги йиғин иштирокчиларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан ҳарбий қисм саф майдонига бир ой давомида жанговар санъат сирларидан кўникмалар орттирган, ҳарбий ҳаёт ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишган йиғин иштирокчилари тартиб билан сафландилар. Тадбир бошланиш арафасида азиз ўғлонларнинг унутилмас кунида хурсандчилигига шерик бўлиш учун ташриф буюрган ота-оналар ва бошқа яқинларининг ҳам қисм ҳудудига киришига рухсат этилди. Ниҳоят, расмий қисм бошланди ва йигитлар Ҳарбий қасамёд қабул қилишга киришдилар. Тантанали тадбирда Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги штаби ва ҳарбий қисм офицерлари, ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситаси ходимлари ҳамда бошқалар иштирок этишди ва Ҳарбий қасамёд қабул қилган ўғлонларни табриклаб, сўзга чиқишди.

– Ўғлимни аскарча либосда кўриб, кўзларимга ёш келди, – дейди йиғин иштирокчиси бўлган Давлатжон Шохалиевнинг онаси Мукаррамхон Шохалиева. – Шароитлари жуда ҳам яхши экан. Давлатимиз раҳбариятига, ҳарбий командирларга катта раҳмат. Янгича хизмат тури ҳам жуда маъқул. У кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ишлаётганлар ишдан узилмай, бошқалар шароитларидан келиб чиқиб, мазкур йиғинни ўташлари мумкин экан. Мана, нуридийдамнинг қувончли кунида хурсандчилигига шерик бўлиш учун хўжайиним Муҳаммаджон Шохалиев, ўғлим Шахзодбек (7 ёшда)лар билан келдик. Шундай кунларга етказганига шукур.

Ҳарбий қасамёд қабул қилган йигитларни яқинлари қутлашар, ҳамма ёқда шодиёна нафаси ҳукмрон эди. Дадиллик билан чин йигитлик онтини ичган шунқорлар қалбида эса жасорату матонат туйғулари мавж уриб, юқорида айтганимиздек, ушбу кундан бошлаб юртимизда мардлар сафи янада кўпайган эди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ҳушёрлик – бизнинг қуролимиз

САФДОШЛАРИГА ИБРАТ

Қамчиқ довони ошиб ўтадиган автомобиль трассасининг муҳим аҳамиятга молик эканлигини юртдошларимизга алоҳида тушунтириб ўтиришни ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки, Фарғона водийси аҳолиси асосан ушбу йўл орқали республикамизнинг қолган вилоятлари билан боғланишмоқда. Шу жумладан, довондаги ўта муҳим объектларни қўриқлаётган ҳарбий хизматчиларимиз доимо сергак ва ҳушёр турганлиги натижасида ҳам ушбу йўналишда ҳаракат хавфсизлиги юқори даражада таъминланмоқда.

Масалан, офицер Ойбек Саидов командирлик қилаётган ҳарбий қисм вакиллари яқинда шундай ҳушёрликни яна бир бор намойиш қилиб, сафдошларига ибрат бўлишди.

– Январь ойининг охирларида, кучли қор ёғиши оқибатида довондан ошиб ўтиш мураккаб бўлиб қолган кунларнинг бирида, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Жўрабек Соибназаров ва Исроил Келдиевлар томонидан объектдан номаълум шахснинг ноқонуний тарзда ўтишга уриниши бартараф этилди, – дейди биз билан суҳбатда бўлинма командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Отабек Жўраев. – Кўрсатган ҳушёрлиги ва жасорати учун йигитларимиз Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан қимматбаҳо совға, яъни қўл соати билан мукофотланди.

Ўз хизмат ўринларида жасорат кўрсатган илғор посбонлар билан танишар эканмиз, иккови ҳам шартнома асосида хизматларини бошлаганига бир йил ҳам бўлмагани эътиборимизни тортди. Демак, бу уларнинг бевосита бошлиқлари бўлмиш, гуруҳ командири лейтенант Жамшид Чиниибеков ва секция командири, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Улуғбек Саттаровлар томонидан олиб борилган ҳушёрлик ва сергаклик ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши самара бераётганидан далолатдир.

Албатта, бир томондан, аскарларга муддатли ҳарбий хизмати мобайнида олган билим ва кўникмалари ҳам асқотди десак, муболаға бўлмайди. Масалан, оддий аскар Жўрабек Соибназаровнинг айтишича, йигитлик бурчини Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмда ўтаганидаёқ сергаклик ва ҳушёрликни бир неча бор кўрсатишига тўғри келган бўлиб чиқди. Оддий аскар Исроил Келдиев ҳам муддатли хизматини чегара қўшинларида ўтаб, отлиқ нарядлар билан Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаётган пайтларида айнан юқорида айтилган хислатларни ўзида тарбиялашга алоҳида урғу берганди.

Куну тун тинимсиз ҳаракатланаётган машиналар оқимидан айнан шубҳали шахсларни аниқлаб олиш ҳам осонмас, албатта. Автоулов ҳайдовчиси юриш-туришлари, ўзини тутишидан тажрибали посбонлар бир қарашдан кўз илғамас камчиликларни топади. Айрим пайтларда, ҳужжатлардан нуқсонлар топилади. Масалан, ўтган йили катта лейтенант Шуҳрат Ўринов айнан шу сабаб Чеченистондан келган «меҳмонни» ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларига топширди. Ҳарбий хизматчилар кўрсатган ҳушёрлик ва сергаклик юқори қўмондонлик томонидан доимо муносиб тақдирланиб келинмоқда. Бу йил Ватан ҳимоячилари куни олдидан имзоланган Юртбошимиз Фармонига кўра секция командири, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Файзулло Рўзиев «Жасорат» медали билан мукофотланиши фикримиз исботидир. Мана, профессионал ҳарбий хизматчи сифатида фаолиятини энди бошлаган оддий аскарлар Ж.Соибназаров ва И.Келдиевлар ҳам Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи буйруғига кўра қўл соати билан мукофотлангани барча сафдошларининг ҳушёрлигини орттирди. Бошқа ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳам илғор посбонлар кўрсатган матонат ва жасорат, бурчга содиқлик ибрат бўлишига ишончимиз комил.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Подполковник Ярослав КОРУКА олган сурат.

ПРОЧНЫЙ ФУНДАМЕНТ БУДУЩИХ ПОБЕД

По итогам боевой и общественно-политической подготовки в 2004 – 2005 учебном году 2-го места в Юго-Западного особом военном округе удостоены военнослужащие части под командованием полковника Мирзо КУТЛИМУРАТОВА.

– Перед нами была поставлена задача обеспечивать связь с применением находящейся на вооружении техники в непростых условиях горной местности, – рассказывает Мирзо Жуллибаевич. – Экзамен выдался нелегким. Но личный состав сумел доказать, что профессионально овладел практическими навыками и теоретическими знаниями. Подобные полевые выходы дают прекрасную возможность проверить на деле уровень освоения связистами воинской профессии.

Таким образом, год минувший заложил прочный фундамент новых успехов. В эти дни солдаты и офицеры части связи продолжают самоотверженно нести воинскую службу, повышая свое профессиональное и боевое мастерство.

В основе сегодняшних реформ, проводимых в Вооруженных Силах нашей страны, – формирование небольшой по численности, мобильной, оснащенной современным оружием и техникой армии, вверенной настоящим профессионалам. Ряд задач по укреплению оборонной мощи нашего государства поставлен Президентом страны Исламом Каримовым и в Праздничном поздравлении защитникам Родины.

В частности, сверхважной задачей военных кадров назвал Президент вопрос пересмотра постановки в армии воспитательной, морально-психологической, общественно-политической подготовки. Воспитание высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма должно стать основным приоритетом службы в армии.

– И это требует от нас, офицеров-воспитателей, еще большей ответственности в работе с личным составом, повышения качества и эффективности проводимых в части воспитательных мероприятий, – говорит заместитель командира части по воспитательной работе майор Абдугаффор Урозалиев. – В ходе зимней боевой учебы рассмотрены вопросы внесения изменений и дополнений в распорядок дня и план занятий по боевой и общественно-политической подготовке, исходя из задач, поставленных в Праздничном поздравлении Президента.

В части уделено большое внимание качеству работы с кадрами. В прошлом году на курсах повышения квалификации Специального факультета Министерства обороны при ТУИТ прошли обучение капитан Тулкин Нурматов, старший лейтенант Хуршид Отаев и капитан Исроил Хурсанов. В нынешнем году готовятся выехать на учебу еще три офицера. Впрочем, и в части есть условия для повышения квалификации. Для солдат и офицеров имеется компьютерный класс, оснащенный современным оборудованием. Библиотека обеспечена необходимой специальной и учебной литературой.

В части совместно с городским советом ОСО «Ватанпарвар» составлен план мероприятий, в рамках которого созданы курсы обучения военнослужащих вождению автотранспорта. Первая группа из 14 солдат и офицеров в конце прошлого года уже получила водительские права. В настоящее время на курсах занимаются еще 8 человек. К завершению срочной службы наряду с профессией связиста воины получат и специальность водителя.

Всестороннее изучение Праздничного поздравления Президента Республики Узбекистан не только нацелило личный состав передовой части на безусловное выполнение поставленных в нем задач, но и создало хорошие предпосылки для того, чтобы в этом году стать лучшими в округе.

Зухра ОЙМАМАТОВА.

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

ПОСБОНЛАР – ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий тарбиясини янада шакллантириш ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз бу устувор вазифани бажаришда ижодкор зиёлиларга ҳам таянишимиз лозимлигига эътибор қаратган. Хўш, бу ҳамкорлик нималарда акс этиши мумкин?

Албатта улар ижодининг маҳсули бўлган насрий, назмий асарларда, улар билан бўладиган учрашувларда, турли кечаларда. Демак, бу ижодкорларимиз ҳарбийларимиз орасига кўпроқ кириб бориши керак, дегани. Аммо ҳарбийларимизнинг ўзлари ҳам бўш вақтларида ижодий уюшмаларга бориши, қалам аҳлининг суҳбатларидан баҳраманд бўлиши мумкин-ку. Яқинда республика Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган учрашувда кўнглимдан ана шундай ўй-фикрлар кечди.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари шоир Сирожиддин Саййид аскарларга уюшманинг қисқача тарихидан, бугунидан сўз очди, кенгаш ва бўлимлари борасида сўзлаб берди. «Ёзувчилар уюшмаси ижодкорларни бирлаштириб турадиган, ижодий кучни уйғунлаштирадиган маънавий-маърифий бир маскандир. Ўтган йил уюшманинг бир гуруҳ вакиллари билан чегарада хизмат қилаётган ўғлонларимиз олдига бордик. Бир посбон йигитнинг айтган гапи ҳеч хаёлимдан кўтарилмайди. Сим тўсиқ ортида лола очилган экан. «Мен мана шу лолани ҳам қўриқлашим кераю», деди ўғлон. Қаранг, ўғлонларимизнинг ватанпарварлигини, мардлигини», деди жумладан у. Сўзининг охирида эса «бизнинг шамшир ҳам, автомат ҳам қалам», деганча шеър ўқиди.

Мазкур учрашувнинг ўзига хос томонларидан бири унда «Зулфия» номидаги давлат мукофотларини олишган қизларимизнинг иштироки бўлди. Хуллас, шоир Сирожиддин Саййид бошлаб берган мушоирани Зулфияхоним қизлари янада авж нуқтасига олиб чиқишди. Бу мукофотни биринчилардан бўлиб олган шоира Гулжамол Асқарова Ватан ҳақида, муҳаббат ҳақида гўзал, бетакрор ашъорлар ўқиди. Келинг, шу ўринда Зулфияхоним қизлари ҳақида алоҳида тўхталиб, уларнинг фикрларига қулоқ тутсак.

Гулжамол Асқарова, адабиёт йўналиши бўйича «Зулфия» мукофотини олган, самарқандлик, республика Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси:

– Она юрт ҳимоячиларига ҳурматимиз бисёр. Улар борки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бугун энг сара, юрагида ўти бор, ҳақиқий мард ўғлонлар аскар бўлишмоқда. Ўйлайманки, бундайин шеърхонликнинг маънавий оламини янада бойитади.

Гулрух Дониёрова, «Санъат» йўналиши бўйича «Зулфия» мукофотини олган, сирдарёлик, талаба:

– Ҳарбий хизмат бу Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бир бурчдир. Ана шундайин шарафли бурчни ўтаётган аскарларимиз билан бўлган учрашув менда катта таассурот қолдирди.

Феруза Қурбонова, «Фан» йўналиши бўйича «Зулфия» мукофотини олган, сурхондарёлик, талаба:

– Ўйлайманки, ана шундайин ижодий учрашувлар аскарларимизнинг маънавий фазилатларини шакллантириб, уларни юртга садоқат билан хизмат қилишга ундайди. Ўзбегимнинг посбонлари билан фахрланамиз. Шеърий машқларимиз улар юрагида нафис туйғулар уйғотган бўлса, шод бўлар эдик.

Орзигул Ҳамроева, «Адабиёт йўналиши» бўйича «Зулфия» мукофотини олган, бухоролик, талаба:

– Ҳарбийларимизнинг шеъриятга ихлоси баландлиги мени руҳлантирди. Демак, уларнинг маънавиятини шакллантириш йўлидаги ишларга эътибор катта. Шу боис энг сара шеърларимни уларга ўқиб бердим.

Мана, энди бўлиб ўтган шеърхонликнинг «ҳароратини» ҳис қилдингиз. Уюшманинг ватанпарварлик кенгаши раиси подполковник Абдураззоқ Обрўевнинг ҳажв ва кулгуга йўғрилган шеърлари учрашувдаги илиқликка янада «ўт қалади», десак муболаға бўлмайди.

Учрашувдан сўнг посбонлар Ёзувчилар уюшмасининг бўлимлари билан бир-бир танишишди. Катта лейтенант Акром Абдуллаев ва лейтенант Жаҳонгир Абубакиров етакчилигида келишган аскарларимизни суҳбатга тортаман, таассуротларини билишга қизиқаман.

Оддий аскар Ҳасан Ботиркулов: – Уюшма билан, Қаҳрамон шоиримиз, севимли ижодкоримиз Абдулла Ориповнинг ишхонаси билан танишдик. Дастхат ёзиб, китоб совға қилишди. Бу учрашув бир умр хотирамда қолади.

Оддий аскар Шерзод Мамадалиев: – Ёзувчилар уюшмаси биносига биринчи бора келишим. Таассуротлар бир олам. Ана шундай учрашувлар дунёқарашимизни кенгайтиради. Китобга, ижод аҳлига меҳримиз, ҳурматимизни оширади.

Хуллас, ана шундай бир кайфиятда ижодкор ва посбонлар хайрлашишди. Балким бу учрашув ижодкорлар қалбига ўзгача бир чўғ солиб, посбонларимиз ҳақида янада тўлиб-тошиб шеърлар ёзишар. Аскарлар қалбида эса ўзлари айтганидек китобга, демакки, зиёга талпинтирувчи кучни уйғотар. Ана шундайин бир ширин хаёлда уюшмани тарк этдик.

Сафар АЛИЕВ.

Армиям менинг – фахрим менинг

ҲАРБИЙ БЎЛИШ – БАХТ

Шуни эътироф этишим керакки, армияда йигитлик бурчни адо этиш ўзига хос ҳаёт мактабини ўташ билан баб-баравардир. Шу боисдан ҳам бугун ўн саккиз ёшга кирган ҳар бир йигит аскарлар сафида бўлишини шон-шараф деб ҳисоблайди. Бу бежиз эмас. Чунки бугун ҳарбий хизмат қилиш йигитлар учун виждон амрига айланиб боряпти. Боз устига, муддатли хизмат ҳам кўнгилдагидек: – бор-йўғи бир йил. Қолаверса, хизмат қилиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё, кенг ва шинам ётоқхоналар, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган хоналар, спорт майдончалари, машқлар майдони – полигонлар. Эй, нимасини айтасиз, истиқлол шарофати туфайли муддатли ҳарбий хизмат қилиш кейинчалик ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳам имкон яратмоқда. Мен ҳам мактабни Норин туманидаги ўзим туғилиб ўсган Учтепа қишлоғида тугатиб, муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида олингандим. Соғлиғим яхшилиги боис десантчилар сафида йигитлик бурчимни адо этдим. Уйга қайтгач, ота-онам билан бамаслаҳат келишиб, яна профессионал ҳарбий хизматчи бўлиш ниятида Қуролли Кучлар сафига қайтдим. Бу қарорга шунчаки келмагандим. Бир йиллик ҳарбий хизматим давомида Ватан ҳимоячиси бўлиш мен учун нақадар зарурлигини дилдан ҳис этгандим.

Тўғри, аскарлик либосида оиладан узоқда юришнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Ушбу қийинчиликларни билганлигим боис ҳам шартнома асосида хизматни ўташга қарор қилдим. Хизматнинг дастлабки онларини Шарқий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмларидан бирида бошладим. Ўтган йилнинг кузида ҳарбий қисмимизда ўтказилган танловда ғолиб бўлиб Чортоқдаги сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга келдим.

Шуниси қувончлики, биз мазкур билим даргоҳининг ўнинчи битирувчилари бўларканмиз. Бу ерда мен каби ўз ҳаётини юрт мудофаасисиз тасаввур қила олмайдиган йигитлар ўз мутахассисликлари бўйича билим ва малакаларини оширишмоқда. Ушбу масканда посбон ўз касбини мукаммал даражада ўрганиши ва профессионал бўлиши учун барча шароитлар яратилган. Биз посбонлар яхши биламизки, қийинчиликни енгишга ўрганмасак кўзлаган мақсадимизга етиб бўлмайди.

Шу боисдан ҳам мактабимизда уюштирилаётган ҳар бир ўқув машғулотига масъулият ҳисси билан ёндошаяпмиз. Чунки биз профессионал кичик сержант бўлиш баробарида ўз келажагимиз пойдевори асосини яратамиз-да. Бизнинг жисмонан ва маънан чиниқишимизда командирларимизнинг юқори савияда олиб бораётган ўқув машғулотларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шу ўринда подполковник Бобир Ёрқулов, майорлар – Олимжон Мираҳмедов, Ҳайитбой Жўраев, Ислом Пардаев, капитанлар – Бекзод Соатов, Ихтиёр Абдураҳмоновларнинг жонкуярлигини таъкидлашим лозим.

Бўлинмамиз барча ўқув машғулотларида юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Бундай ютуқларни қўлга киритишимизда курсант дўстларимиздан – Иззатбек Абдуллаев, Ихтиёр Каримов, Баҳром Ҳолмуродов, Сойибжон Собиров, Далижон Ҳайдаров, Дилшод Тешабоев, Рустамжон Асроновларнинг ҳиссалари катта бўлаяпти.

Ишончим комилки, сержантлар тайёрлаш мактабида олган сабоқларимиз келгусидаги фаолиятимизда, ҳарбий хизмат мобайнида, айниқса, миллий армиямиз такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, юртнинг ишончли посбони бўлиш бугун ҳар бир йигит учун нафақат бурч, балки улкан бахт ҳамдир.

Курсант Илҳомжон Шукуровнинг сўзларини Асқарали МАМАТОВ оққа кўчирди.

МОЯ НЕДЕЛЯ

В преддверии самого любимого женского праздника – 8 Марта – мы решили немного отойти от традиции рассказывать о том, что было. В сегодняшнем спецвыпуске – о надеждах наших дорогих женщин на следующую неделю.

Мария ДЕРЮГИНА, будущая мать:

– Совсем скоро мне предстоит стать мамой. Не скрою, я на седьмом небе от счастья. Никогда не думала, что эмоции могут переполнять настолько сильно. Меня не покидает ощущение постоянной сладкой эйфории от осознания того, что внутри меня зреет малютка – моя малютка. По словам врачей, роды придутся в аккурат на праздничную неделю, стало быть, и поводов для празднования станет больше. Жду не дождусь той минуты, когда я услышу первый крик нового человечка!

Елизавета ХВАН, студентка ТашГИВ:

– У большинства людей 8 Марта ассоциируется только с женщинами, а у меня – с весной. Уже сейчас видно, как первые почки зеленеют, погода улучшается. Хочется верить, что не вернутся вновь зимние холода, потому что снега нам, кажется, на этот год хватило. Хочется больше солнца, тепла. Зацветает жизнь! Весна – это так поэтично!

Нина АХМЕДОВА, служащая:

– Еще в конце прошлого года я подавала заявление о приеме на работу в одну крупную фирму и, по забавному совпадению, 7 марта должна узнать результаты конкурсного отбора. Надоело уже дома сидеть, от безделья иногда плакать хочется – не могу я так! Какие надежды возлагаю на эту работу – передать не могу! Когда работа в радость, чувствуешь действительно, что жизнь прекрасна и что живешь не зря! Я суеверна по-своему, буду держать пальцы скрещенными!

Гюнсара САХМЕТБЕНЕЕВА, домком:

– Каждую весну, как будто специально к празднику, наши коммунальщики отключают в нашем доме горячую воду. Жизнь наша от такого положения дел, понятно, не улучшается. Так вот, в нынешнем году я хочу верить, что в праздничный день нам не придется мучиться. Пусть это и будет подарком нам!

Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.

МУЗЫКА ЕЕ ДУШИ

Певцов сегодня в Узбекистане много, даже слишком много. А вот талантов, тех самых, которые собирают полные залы и за которыми поклонники готовы хоть на небо, хоть в пропасть, – мало. Пожалуй, оно и лучше, ведь в таком случае им легче выделиться в безликой какофонической толпе. Был бы талант, а за поддержкой народ не постоит. К такому выводу и пришла однажды наша героиня – юная певица Ксения.

Ее звезда зажглась несколько лет тому назад на телевизионном конкурсе молодых исполнителей «Пойте с нами». Пройдя все этапы отбора, она одержала уверенную победу в финале. Наверняка, все счастливчики, лицезревшие сие событие, до сих пор хранят в памяти образ, а главное – голос Ксении. Она может быть самой разной, не похожей ни на кого.

– Начиналось все очень просто, – рассказывает Ксения. – В двенадцать лет я пришла в известную студию «Аладдин» к педагогу по вокалу Людмиле Упоровой, и пять лет она учила меня азам певческого искусства. Тогда-то я вообще не думала об эстрадном будущем, занималась лишь для своего удовольствия, а слушать мои распевы и арии могли все друзья и соседи, о большем я и не мечтала. А когда победила в телеконкурсе, поняла, что песня – это моя судьба, и никуда мне от нее не деться.

К тому времени у Ксении уже было много песен собственного сочинения, которые только и ждали своего звездного часа. Надо сказать, что песен других авторов Ксения и не поет. Помочь с аранжировкой начинающей певице взялся один из самых профессиональных аранжировщиков столицы – Евгений Власов.

– Мне действительно повезло, – говорит Ксения. – Мы понимаем друг друга с полуслова. Именно благодаря ему мне удается выразить в песнях все то, что я стремлюсь донести до слушателя, – все без остатка...

Еще одним доказательством этого гармоничного сотрудничества можно считать и то, что музыку к нескольким песням Ксении написал именно он.

Удивительно, но на данный момент у имеющей все шансы стать звездой певицы нет постоянного продюсера. «Записывать песни мне помогает студия «Nurlan-Shoue», но участвовать в каких-то крупных конкурсах пока не получается. Без продюсера начинающему артисту особенно сложно «раскрутиться», а ведь это самое важное. Надеюсь, что в ближайшем будущем этот вопрос будет решен», – считает Ксения.

Песни Ксении уже находятся в ротации некоторых отечественных FM-станций, так что каждый может оценить вокальные данные певицы. Без сомнения, это только начало – начало дороги к славе.

Рамиль ИСЛАМОВ.

ЦВЕТОЧЕК ЛЮБИМОЙ

Весна! Близится яркий, красочный праздник – 8 Марта. День особенный, который празднуется, как Международный женский день. Он подразумевает дарить близким дамам небольшие сюрпризы и их любимые цветы, а не столь близким – сезонные, пестрые, весенние букеты. У мужчин в это время начинается разгадывание головоломки – что же подарить своей любимой половиночке. Но не теряйтесь, дорогие мужчины. Этой весной вы сможете подобрать самый лучший подарок для дам и сделать это красиво, оригинально и, что самое главное, очень романтично. Откройте глаза и прислушайтесь к ней – женщине! Если хотите сделать что-то необычное, то вам необходимо поторопиться и позаботиться об этом заранее, иначе будет поздно. Итак! Придя на цветочные ряды, у вас, наверняка, разбегутся глаза на все обилие и разнообразие весеннего цветочного мира. И очень часто наблюдается тенденция, что вы, мужчины, долго блуждая в поисках лучшего цветка, останавливаете свой выбор на классической красной розе или гвоздике. Это, конечно, тоже цветок, но есть возможность очаровать свою даму! Не теряйтесь! Прочтите нашу инструкцию и действуйте!

Знаете народную примету? Подарить засушенную мимозу – к разлуке. Кто-то верит этому, а кто-то нет, но лучше всего избегать и остерегаться подобных компромиссов. Даря цветок любимой, помните: он должен быть свежим и в бутонах! Например, розы и хризантемы всегда хороши, выбирайте их по листьям, они должны быть блестящими и упругими. И если вы все-таки остановили свой выбор на розе, то обратите внимание на то, чтобы ножка цветка была свежей. Стоимость одной розы сейчас от 800 до 1000 сумов, однако к 8 Марта сумма обычно увеличивается в 2, а то и в 3 раза, учтите!

Еще один вариант – тюльпан. Это прекрасный символ весны! Их можно купить заранее, и они хорошо сохраняются, обернутые в бумагу, на нижней полочке холодильника. И, что не менее важно, – это очень выгодно в плане экономии!

Расскажем и об экстравагантном цветке – калле. Сейчас она может быть фиолетовой, оранжевой, коричневой – это считается модным и стильным. А на название можете не обращать внимания, так как чудесное имя калла ботаники уже заменили на не менее очаровательное – зангедехия! Однако хорошо подумайте, прежде чем подарить. Ну и наконец, вершина вашей любви к ней – орхидея. Один из дорогих и красивых цветов. Этот вид цветка не всегда можно найти на цветочных рядах, возможно поэтому вам придется потратить много времени, сил... Но разве это может сравниться с тем удовольствием, которое получит ваша дама?! Можно, конечно, и один цветочек в коробочке купить, но только настоящему и состоятельному мужчине придет в голову подарить своей любимой девушке орхидею в горшке – красоту и заботу на всю оставшуюся жизнь! Небольшой совет: не носите букеты необернутыми в дождливые, холодные дни! Лучше заверните их в бумагу, а еще лучше в любимый шарфик – цветы тоже любят тепло! Также, если вы хотите порадовать женщину, то идеальным подарком был бы весенний цветок радости – крокус, как считал великий немецкий поэт и натуралист Гете. Цветы эти бывают самой разнообразной окраски: белые, лимонно-желтые, лиловые, желтые, фиолетовые с яркими оранжевыми пестиками. При выборе цветка обратите особое внимание на запах и цвет. Это немаловажный фактор!

Как говорят продавцы цветочных отделов, большой популярностью пользуются нарциссы. Несмотря на то, что по мифологии – это исключительно мужской цветок! Также, со слов специалистов, нам стало известно, что уже сейчас во всех цветочных магазинах не успевают принимать объемные заказы по нынешним, пока без повышения, ценам к празднику 8 Марта. Уже многие руководители крупных предприятий, торговых центров, административных учреждений позаботились о том, чтобы преподнести своим сотрудникам к празднику целые букеты цветов. Помните, дорогие мужчины, женщин нужно постоянно удивлять и дарить любовь, внимание, и тогда они всегда будут для вас лучшими друзьями и помощниками. Такой подарок, как цветы, может запомниться на всю жизнь, и будет напоминать о счастливых моментах. Это не на единственный миг! Женщина делает мир ярче! Будьте романтиками всегда, уважаемые мужчины, а в день 8 Марта особенно! Не ленитесь, не скупитесь и сделайте все, чтобы весна открыла свои двери улыбкой ваших близких милых дам.

Эналида ТЯН.

СТИЛЬ



Не туфли и не джинсы со стразами, но классический костюм – основа мужского гардероба. Он должен быть похож на своего владельца и воплощать его личность. Новый костюм должен перестать быть новым. Он должен стать вашим. И еще. Костюм не сделает вас модным, но он может сделать вас элегантным.

ТОШГУЗАР – БОЙСУН – ҚУМҚЎРҒОН ТЕМИР ЙЎЛИ: XXI АСР ЙЎЛИ

Баландлиги 48, узунлиги 278 метр келадиган бу иншоотни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг темир йўл қурувчилари барпо этишди.



Мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимини яратиш доирасида барпо этилаётган «Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон янги темирйўл линиясини қуриш янги ҳал қилувчи босқичга кирди. Бу ерда ушбу линиянинг «Деҳқонобод–Бойсун» бекатлари оралиғидаги 104 километрлик учинчи босқичини қуриш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Янги темир йўл қурилишида дастлаб 2004 йили Тошгузардан Деҳқонободгача 56,8 км, 2005 йил баҳорида эса Қумқўрғондан Бойсунгача бўлган масофада 59,1 километрлик янги йўллар қурилиб, поездлар ишчи ҳаракати очилган эди.

Мураккаб табиий ва географик шароитларга қарамасдан темир йўл қурувчилари бугунга қадар учинчи босқичда Деҳқонободдан Чашмаи Ҳафизонгача масофада 28 километрлик янги йўлни қуриб, поездлар ишчи ҳаракатини очишга муваффақ бўлишди. Шу билан учинчи босқичда 38 километрлик масофада янги темир йўл қурилган бўлса, янги линияда бугунга келиб жами 153,9 километрлик масофада поездлар ишчи ҳаракати йўлга қўйилди.

Қурувчилар учун қулай шарт-шароит яратилганлиги, ишни уч сменада узлуксиз ташкил этиш, пировардида темирйўлчиларнинг қиш-қировли кунларни писанд этмасдан қўлни қўлга бериб сидқидилдан ишлашлари эвазига шундай муваффақиятга эришилди.

Мамлакатимиз жанубий ҳудудларини марказ ва бошқа вилоятлар билан бевосита боғлаш ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, ер ости бойликларини ўзлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш, ягона йўл тизимини бунёд этиш мақсадида барпо этилаётган «Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон» янги темир йўл линиясида жами 48 та, шундан 43 таси темир-бетон кўприклар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, бугунга қадар уларнинг 26 таси тайёр ҳолга келтирилди. Айтиш керакки, ана шу иншоотларнинг барчаси ўзбекистонлик темирйўлчи мутахассисларнинг лойиҳаси ва интеллектуал салоҳияти эвазига барпо этилди. Айни кунларда темирйўлчилар япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда ушбу линияда Япония халқаро ҳамкорлик банки (ЯХҲБ) сармояси ҳисобига қурилиши режалаштирилган бешта металл кўприкни лойиҳалаш, техник-иқтисодий жиҳатдан асосий ва барпо этиш юзасидан тегишли изланишларни олиб бормоқдалар.

Шу кунларда Консой сойининг икки томонидаги баланд тоғда қиш бўйи ёққан қор ва ёмғирлардан сўнг отилиб чиққан бойчечаклар тоққа баҳор келганидан далолат бериб турибди. Қурилиш давом этаётган Қарадаҳна станцияси яқинидаги Консой қишлоғи аҳолиси шу ҳафтада қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли кўприкқурилиш тресты, капитал қурилиш дирекцияси, йўл хўжалиги бошқармаси, лойиҳалаш институтлари вакиллари, шу атрофдаги қишлоқларда яшовчи кишилар ҳаяжонли лаҳзалар иштирокчилари эдилар. Бир кун илгари кун бўйи ёққан ёмғир тўхтаган, ҳамма ёқни тоғ ҳавоси қамраган.

Сокинликни қудратли локомотивнинг гулдуроси бузади.

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда турган биринчи ишчи поезди кўприк бўйлаб юра бошлади. Қурувчиларнинг, йўлсозлари ушбу онлардан қалблари қувончга тўлган маҳаллий аҳоли вакилларининг гулдурос қарсаклари теварак-атрофни тутади. Локомотив бир неча дақиқадан сўнг кўприкнинг нариги томонида ҳозир бўлади.

Ушбу кўприкнинг янги линия қурилишини давом эттиришда аҳамияти каттадир. Йўлнинг навбатдаги участкаларига темир-бетон конструкцияларини етказиб бериш, янги темир изларни ётқизиш поездларнинг ишчи ҳаракатисиз амалга оширилиши мушкул.

Юртбошимизнинг раҳнамолиги ва қўллаб-қувватлашлари, ўзбекистонлик лойиҳачилар ва қурувчиларнинг ақл-идроки самараси ўлароқ, яна бир салмоқли техник ютуққа эришилди. Ватанимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ва конструкциялар асосида мураккаб муҳандислик ечимларни ўз ичига олган бундай кўприк Ҳамдўстликдаги бирорта давлатда кейинги ўн беш йил ичида қурилмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз яратувчилик соҳасида қанчалик залворли қадамлар билан илгарилаб бораётганига яна бир карра амин бўламиз.

Янги кўприкдан биринчи поезд ўтди. Аср қурилиши деб ном олган иншоотни бунёд қилиш эса шиддат билан давом эттирилмоқда.

Сувонқул РУСТАМОВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси матбуот котиби.

БОЛАЛИКНИНГ ГАШТИ АСЛИ ЎЙИНЛАРДА

Яқинда ҳамкасбим билан китоб дўконларидан бирига кирганимда болалар ўйинлари ҳақидаги бир асарга кўзим тушди. Унда турли халқлар, турли миллатлар болаларининг ўйинлари хусусида баён этилганди. Уларга кўз югуртириб туриб, болалигим, шўхлигим, бу бетакрор фасл билан боғлиқ турли ўйинлар хаёлимга келди. Болаликнинг гашти ҳам аслида ана шунда – ўйинқароқлик, шўхликда-да. Ланка тепишардик, чиллак ўйнардик. Ўйлаб қарасам, болаларча ўйинларимизда ҳам ўзига хос маънавият бор экан. Ана шу ўйинлар бизни камолотга етаклашда муҳим ўрин тутган. Негаки, бу ўйинлар негизида миллий қадриятларимиз жам эди. Ўйинларнинг миллатимизга хос «қиёфаси» бор эди. Ана шу ўйинлар орқали дунёни идрок этганмиз, онгимиз, тафаккуримизни шакллантиришга ҳаракат қилганмиз, аждодлардан қолиб келаётган қадриятларни англаганмиз.

Биз бугун миллий истиқлол ғоясини фарзандлар онгига сингдириш йўлида ҳаракат қиляпмиз. Менимча, ўйинлар орқали ҳам улар қалбига Ватан, халқ, миллат тушунчаларини, маънавиятни чуқурроқ сингдира бориш, тафаккурни ўстириш мумкин. Компьютер олдида ўтириб олиб, зўравонлик, ваҳшийликни тарғиб қиладиган турли ўйинларни ўйнашади, фарзандлар. Ёки болалик фаслининг «оҳори» кетмай туриб, тирикчилик ташвишларига кўмилиб кетишади. Пул топишни, бозор қилишни ўргансин, деймиз. Алалоқибат ўйинлар ўйнашга вақти қолмайди. Ўйлаб қоласан, чекка-чекка қишлоқларни ҳисобга олмасанг, ўзи болалар қадим-қадимдан давом этиб келаётган ўйинларни билишадими, ўйнашадими? Ота-она боласига бу ўйинларни ўргатадими? Замон ўзгарди, технология асри, қабилидаги жавоб билан ўзингизни оқлашга ҳаракат қилманг. Ҳаттоки замирида бизнинг улкан маънавиятимиз, қадриятларимиз мужассам бўлган ўйинларни компьютерга ҳам олиб кирса бўлади.

Ўйинлар ҳақидаги маълумотларни асосан Маҳмуд Сатторовнинг «Ўзбек удумлари» китобидан олдик. Шуни айтиш жоизки, Ғани Жаҳонгиров деган олим қадимий болалар ўйинлари, фольклори ҳақида китоб ёзган. Унда ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг тарихий илдизига катта эътибор қаратган. Мазкур асардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қадимда от ўйин, дўппи ўйин, ҳаммомпиш, тош ўйин, жона ўйин, чиллак, варрак ўйин кабилар бўлган.

Тарихий манбаларга юзланадиган бўлсак, буюк бобокалонларимиз Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг ўз асарларида болаларимиздаги ижодкорлик, ўйинларга оид кўп маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону-луғотит турк» асарини олайлик. Унда кўплаб ўйинларнинг турлари, йўналишлари хусусида маълумот ёзиб қолдирилган. Севимли ёзувчимиз Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарида ҳам болалар ўйинлари борасида қимматли маълумотлар берилганининг гувоҳи бўламиз. Бу бежиз эмас. Ахир, ҳар қандай буюк инсонлар ҳам болалик кўчасидан ўтган, унинг ўйинлари, шўхликларига ошно бўлган.

«Ўзбек удумлари» китобидан қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Ҳаммомпиш қарийб унутилаёзган қадимги ўйинлардандир. Бу ўйин учун асосан ёз фасли қулай бўлган. Ҳаммомпишни шартли равишда «қурилиш ўйини» деб ҳам аташ мумкин. Унинг ўз номи ўзи билан: ҳаммом, пиш. Яъни болалар уюлган тупроқдан бир дўппи шаклидагисини ажратиб олиб, роса уриб, пишитиб, худди ҳаммомнинг гумбази қиёфасига келтирадилар. Бу жараён сув ишлатмай ҳам, сув бериб ийлаш билан ҳўл шаклда бажарилиши ҳам мумкин. Ийлаб пиширилган «ҳаммом» бир оз қуритилгандан кейин, у ўз вазифасига мосланиб, «эшиги очилади», сўнг эҳтиёткорлик билан бу хом «бино»нинг ичидан тупроғи олина бошлайди. Гап шундаки, тупроғи оҳиста олиниб ташқарига чиқарилган «ҳаммом» йиқилиб тушмай, ўз шаклини сақлаб қолса, (бу бир қараганда сардобаларни ҳам эслатади) бу ўйинчининг иши пишиқ бўлганлиги, яъни, «ҳаммом»нинг «пишган»лигини билдиради». Хўш, бу ўйин негизида қандай маъно бор, бу фарзандлар тарбиясида қандайин роль ўйнаган, дейсизми? Моҳиятининг ўзи буни акс эттириб турибди.

Ёзда қишлоғимга таътилга борганимда акамнинг болаларига қўшилиб лойсувоқ ўйнаётган қизимга ҳавас қилдим. Ўзимиз ҳам шунақа ўйинлар билан катта бўлганмиз-да. Янгам болаларни уришиб бермоқчи бўлди. Мен қўймадим. «Ўйнайверишсин, бу уларнинг онгини шакллантиради. Ўзимиз ҳам ана шундай ўйинлар ўйнаб катта бўлганмиз», дедим. «Лойсувоқ ўйини-я?», деяпсизми. Демак, мазкур ўйинни яхши билмас экансиз. Келинг, у ҳақда қисқача айтиб ўтайлик.

Лойдан коса, пиёласифат шакллар ясаб, уни оғзи томони билан ерга зарб билан урилади. Шунда панқиллаган овоз чиқиб, шакл тешилади. Бир қараганда оддий, маънисиздай туюлиши мумкин. Аммо бу ўйин давомида фарзанд лойдан шакллар ясашга ҳаракат қилади. Бора-бора бу ўйин орқали ҳаётдан кўп нарсани ўрганади.

Шу ўринда болажонларнинг севимли ўйинларидан бири бўлган – чиллак ҳақида тўхталиб ўтсак. «Ўзбек удумлари» китобида у ҳақда муаллиф алоҳида тўхталиб ўтган. Айтиш лозимки, бу ўйинни икки киши бўлиб ҳам, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳам ўйнаш мумкин. Ўйин бошланишидан олдин кайвони, яъни ўйин бошловчи қуръа ташлайди. Ўйин бошловчи томон жўрабошиси чиллакни махсус кавланган чуқурча устига қўйиб, даста билан илиб олиб, ҳавога кўтариб, сўнг зарб билан дастада уради. Иложи борича уни узоқроққа учириш лозим. Майдоннинг нарига томонида турган рақиб гуруҳи урилган чиллакни имкон борича ушлаб олишга ҳаракат қилишади. Агар тутиб олишса, навбат уларга ўтади. Аммо зарб билан урилиши натижасида шиддат-ла учиб келаётган чиллакни тутиб олиш осон иш эмас. Дейлик, ушлай олмадингиз. Ундай ҳолда чиллакни бориб тушган жойидан учирилган жойига – чуқурчага улоқтириш керак бўлади. Шундай мўлжалга олиб улоқтириш лозимки, чўп уриб юборилган чуқурчаси устига бориб тушсин. Хуллас, чиллак ё чуқурчага ёки чиллакдастада ўлчанганда бир даста етгулик жойга бориб тушса, рақиб гуруҳ чиллак отиш навбатини қўлга киритади. Агар масофа бир дастадан кўп бўлса-чи? Ана унда жазоингизни тортасиз. Чиллак отувчи томон уни тушган жойигача неча даста масофа эканлигини ўлчаб, аниқлагач, даста билан ётган чиллакнинг йўнилган учига уриб, ҳавога кўтаради. Ҳавода муаллақ турганида зарб билан уриб, майдонга учиради. Бу ҳолат масофанинг неча даста чиққанига қараб шунча марта такрорланади. Сўнгра навбат зувиллашга келади. Рақиб томон ўйинбоши ҳамроҳлигида зувиллаганча чиллак маррасига етиб келиши талаб қилинади. Энг муҳими, зувиллаган пайтда нафас олиш мумкин эмас. Агар нафас олингудек бўлинса, рақиб ўша ерда тўхтатилиб, чиллак ундан ҳам узоқроққа ҳаволантирилади. Зувиллаб келаётган бола маррага муайян масофа қолганида нафас олиб қўйса ўзи ёки шериги ғолиб томон вакилини орқасига ортмоқлаб маррага олиб келиб қўйиши талаб этилади.

Аждодларимиз қадимдан севиб, ардоқлаб келган бу ўйиннинг қандайин фойдали томонлари бор, демоқчимисиз? Шуни таъкидлаш лозимки, аввало чиллак ўйнаган болалар жисмонан бақувватлашган. Зувиллаш орқали эса нафас олиш йўллари, кўкрак қафаси аъзолари, овози яхшиланиб, ҳар хил хасталиклардан халос қилган. Қолаверса, ўйиндаги саноқ, ҳисоб-китоб, ўлчов фарзандлар ақлий салоҳиятининг шаклланишига хизмат қилиб келган.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИСЛОҲОТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакат мудофаа қобилиятини юксалтириш билан бир қаторда миллий истиқлол руҳида тарбияланган юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, барқарор руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлган ҳарбий хизматчиларни шакллантиришни тақозо этади. Ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган ҳарбий анъаналарга содиқлик, юрт тинчлиги, ватанпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлиб, у тарбиявий ишлар мажмуида асосий ўринни эгаллайди.

Бундан кўзланган мақсад ҳар бир ёшда Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли бурч туйғусини шакллантиришга қаратилади. Ҳарбий хизмат инсондан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да яна бир бор ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар давом эттирилишини таъкидлаб ўтди. Бунда, олий ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни юксак малакали, амалий тажрибага эга, замонавий ўқув қуроллари ва янги техника билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатилган.

Ҳарбий хизматчилар жанговар шайлигини ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, ҳарбий интизомни юксалтиришда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ташкил этилган «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» танловлари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида 2002 йилдан бошлаб йигирмадан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва уларга мувофиқ ҳарбий унвонлар бўйича маошлар икки баравардан кўпроқ оширилди, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун мансаб маошларининг янги миқдорлари белгиланди. Уларнинг касб маҳоратлари ўсишини рағбатлантириш мақсадида аъло хизмат, малака даражалари учун пул мукофотининг қўшимча турлари ҳамда иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги хизмат учун ҳудудий коэффициентлар тўлаш белгиланди.

Ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тарбиявий ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

«Шунқорлар», «Балли йигитлар», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» умумармия қўшиқлар фестивали, олимлар, депутатлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан ўтказилаётган учрашувлар ҳарбий хизматчилар интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшлар маҳоратини юксалтиришда сезиларли ҳисса қўшаяпти. Жамоатчилик тафаккурида армиямиз борган сари халқимизнинг узвий бир қисми, миллий давлатчилигимизнинг асосий бўғинларидан бири сифатида барчамизнинг ғурур-ифтихоримиз манбаси сифатида намоён бўлмоқда.

Минтақамиздаги ҳарбий сиёсий вазият тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш, янги усул ва услубларини тарбиявий жараёнга киритишни талаб этади. Бунда:

– маънавий-руҳий ва ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тайёргарлик самарадорлигини ошириш;

– давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

– телекўрсатув, радиоэшиттириш, оммавий ахборот воситаларида ҳарбий ватанпарварлик мавзуларидаги чиқишларни кўпайтириш;

– тарбиявий жараёнда бадиий адабиётдан фойдаланиш муҳимдир.

Қуролли Кучларимиз, ҳарбий хизмат, ҳарбий хизматчилар жанговар фаолияти ва ҳаётига бағишланган бадиий асарлар, кинофильмлар яратиш борасидаги ишларни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс.

Қуролли Кучларни ислоҳ этиш ва сифат жиҳатидан янги армияни шакллантириш – бу бир кунда ёки бир ойда ҳал бўладиган иш эмас. Мазкур масала ҳам давлат тизимини ривожлантириш ва янгилаш каби узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу жараёнда ўзини ватанпарвар деб билган ҳар бир инсон ўз ўрни ва ролини англамоғи лозим.

Капитан Расулжон МАҲМУДОВ.

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик ҳали эълон қилинмаган эди. Истиқлолга етишган кунимиздан бир йилдан кўпроқ вақт илгари – 1990 йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»га имзо чекди. Хўш, бу тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эди? Бу ҳужжатда қандай мақсад-муддао мужассам эди? Халқимизнинг хоҳиш-иродаси нечоғлик ифодаланганди бу ҳужжатда?

Аввало, ўша пайтда – ўта зиддиятли, империя зулми авжга чиқиб, миллат озодлиги йўлида ҳаракат қилиш у ёқда турсин, уни хаёлга келтиришнинг ўзи аянчли мусибатлар келтираётган бир даврда мамлакатимиз раҳбарининг бу ишга қўл уриши чиндан ҳам жасорат эди. Шунингдек, ён-теварагимиздаги сиёсий беқарорлик, ўта қалтис ҳолат, мамлакат ичкарисидаги митингбозликлар, одамларни турли хил баландпарвоз гаплар билан чалғитиб, қонли тўқнашувларга бошловчи айрим «сиёсатдон»ларнинг найранглари авжига чиққан эди. Халқ, очиғи, кимга эргашиши, нима қилишини билмай, иккиланиб турарди.

Ўша пайтда, империя ўз озодлигига интилган мамлакатимиз ичкарисида қуролли можаролар чиқариб, халқнинг ишончига дарз кетказиш, нима қилиб бўлса-да, ногинч вазиятни юзага чиқариш пайида эди. Шундай бўлгач, Ўзбекистон «ташқари»га чиқиб кетолмас эди.

Бундан ташқари, юртимизни иқтисодиёт бўҳронида қолиб кетади, империясиз мустақил бир қадам ҳам юролмайди, давр тўфонларида ҳалокатга учраган кемадек чилпарчин бўлиб кетади, деган фикрларни четдаги «зукко» иқтисодчилар тинимсиз кишиларимиз онгига сингдирар, узоқдаги «сиёсий шарҳловчи»ларнинг ҳам куни туғиб, Ўзбекистон яккаланиб қолади-ку, нимасига, кимга ишонаяпти, давлат сифатида шакллана олмайди, деган фикрларни ўртага ташлардилар. Хуллас, Ўзбекистон оғзига кучи етган-етмаганларнинг сиёсий «ғийбати»га айланиб қолган паллада, ҳеч бир дўқ-пўписа ва иддаога парво қилмай мамлакатимиз раҳбари Декларацияга имзо чекди.

Очиқ айтишимиз керак, 90-йиллардаги сиёсий-ижтимоий вазиятни ҳозирги ўсмирлар яхши билишмайди. Бироқ оқ-қорани таниган кишиларимизнинг ёдида. Ўш фожиаси, Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воқеаларини эсланг. Бу даҳшатли талотўмлардан мақсад нима эди? Мақсад аён – юртда уруш оловини ёқиш. Бу қонли мусибатлар бошида эса ўзбек халқи озодлигининг душманлари, Ўзбекистон тараққиётига тўғаноқ бўлишга жон-жаҳди билан киришган ёвуз кучлар турарди.

Мустақиллик Декларацияси – зуғум ва тобеликка қарши қатъий исён эди. Зулмат осмонида гўё чақин чақиб, момоқалдироқ гумбурлагандай бўлди. Бу ҳолни, яъни декларация нимага ишора эканлигини тушунган зиёлилар тафаккурида эса эртанги кунга нисбатан умид учқунлари йилтиллади. 1990 йил 22 июнда республикамизнинг ўша даврдаги етакчи нашрлари ушбу ҳужжатни – озодномани эълон қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида «Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинди. Парламент залидаги ҳолатни Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов шундай эслайди: **«Бу тарихий ҳодиса эди. Ўз фикрига, дунёқарашига эга инсонларнинг дилидаги гап эди. Менинг назаримда, сессия давом этаётган бино ичкарисида озодлик шабадаси эсиб ўтгандай бўлди. Истиқлол учун курашган улуғларимиз руҳи шодлангандай, юзимиз ёришгандай бўлди. Кўнгилдаги қўрқув ва ваҳм чекинди. Шахсан мен Президентимиз юртимизни озод кунларга олиб чиқишга дил-дилимдан ишондим. Бу ҳолни таърифлашим учун асрий қулликдан қутулишга чоғланган халқнинг бахт-саодати нима эканлигини англаш етарли деб ўйлайман...»**

Империянинг қонли сиртмоғидан қутулиш учун жуда зукко, босиқ, тадбирлик бўлмоқ жоиз эди. Озод бўламиз деб майдонга чиққан қардош халқлар бармоқ билан санарли, борларининг бошида қилич ўйнаётгани ҳақиқат эди. СССР таркибидан айрилиб чиқмоққа бел боғлаган Латвиянинг «Латвия Республикаси мустақиллигини тиклаш тўғрисида»ги баёни, Эстониянинг «Давлат мақоми тўғрисида»ги қарори ўша пайтда СССР Президенти Фармони билан бекор қилинди. Энг қизиғи, ўз ҳурриятига эришмоқ истаган бу давлатларга бузғунчилик, миллий худбинлик, айирмачилик қилаяпти, деган айб тақалди. 1990 йилнинг 14 майдаги бу Фармон эркинликка нисбатан ҳар қандай ҳаракатга нуқта қўйилишига ишора эди.

Ўша Фармондан сўнг бир ойдан сал вақт ўтиб Мустақиллик Декларациясини қабул қилган Ўзбекистоннинг кўзлаган мақсадида эса асосан ўз халқининг эрки, ор-номуси, келажаги, бахтли ҳаётига интилиш туйғуси ифодаланган эди. Декларация матнига эътибор берсангиз, бу муқаддас ҳужжатнинг қадр-қиммати, тарихий аҳамиятини тўлиқ англаб етасиз.

Бу демократик давлат мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимиз иродаси, хоҳиши, ҳимояси, халқаро ҳуқуқларнинг асосий тамойилларини тан олишимиз, Ватанимиз тараққиёти, ўз номи ва давлати белгилари, мустақиллигимизни амалга оширишимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш, демократик-ҳуқуқий давлат қуришга, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини яратишга асосланган, Президент ташаббуси билан қабул қилинган ўта муҳим ҳужжат ҳисобланарди. Бу ваколатлар Ўзбекистон халқи тақдир-аъмолида, яратувчанлигида кескин бурилиш ясаши шубҳасиз эди. Фақатгина шу йўлда мардона курашиш жасорат талаб қиларди.

Давр нуқтаи-назаридан кузатадиган бўлсак, ўша чоғларда бундай ҳужжатни эълон қилиш чин маънодаги қаҳрамонлик эди. Бундан бир йил олдин Фарғона фожиасини бошдан кечирган, қора кучлар турли миллатлар ўртасига солган нифоқнинг жабрини кўрган Ўзбекистонимиздаги танг сиёсий аҳволда бу қадар йўл тутиш осон кечмасди, албатта. Фарғонадаги фожиа оловини Бўка ва Паркентда ҳам содир этмоқчи бўлган ёвузлар содда кишиларни йўлдан ураётган чоғда одамларга эртанги кунга умид нишонаси пайдо бўлишини истамаган бир гала қонхўрлар юртимиз узра изғиб, тинчлигимизни барбод қилишга уринган, маълум маънода бунга эришган паллада, халқни озодлик сари бошлаш учун мамлакат ишончли қўлда бўлиши керак эди. Бир томондан, империя қўлни қўйвормай турса, иккинчи томондан, мамлакат ичкарисида халққа қутқу солиб гиж-гижловчилар, уруш ўтини ёқиш тарафдори бўлганлар изғиб юрса, юртни беталафот сақлаб қолиш истагида қатъият билан Президент халққа пешвоз чиқиб, шу сўзларни айтгани иймонли кишиларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак, деб ўйлайман.

Яъни, Ислом Каримов 1990 йилнинг май ойида Декларация қабул қилинишидан бир ой аввал Ўзбекистон аҳлига мурожаат қилдилар: **«Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган; токи фуқаро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар...»**

Ҳа, бу сўзлар замирида ҳам озодликка интилиш, халқ билан бирдамлик тушунчалари илдиз отганини ҳар бир кўзи очиқ, қалби тоза одам англаб етади. Мурожаат республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига, нурли кунларга ишонч билан йўғрилган эди.

1990 йилнинг 20 апрелида Президентимиз республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ва турмушининг ривожланиши даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрофлича ва вазминлик билан ўрганиб чиқишни талаб этаётганини таъкидлаган эди. Иқтисодий билимларга таянилган асос ва мезонларсиз юртнинг эртанги кунини тасаввур қилиб бўлмайди, деган реал фикр тажрибали раҳбарнинг Ўзбекистон келажаги учун мавжуд вазиятни тўғри англаб етганидан далолат эди. Одамларга қуруқ ваъда бериб, олди-қочди баландпарвоз сўзлар билан минбарларга чиқиб бақироқлик қилаётган кимсалар буни тушунмас эдилар.

1990 йилнинг май ойидаги мурожаатида Президентимиз яна шундай деганлар: **«Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин деймиз. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳам жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналаримизни тиклаш, тилимизнинг равнақи, кишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси – жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки умидбахш қадамлар, халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада улуғ бўлғай...»**

Булар шунчаки қуруқ гаплар эмасди. Халққа ишониш, халқ билан елкадош бўлиш, ҳамжиҳатлик Давлатимиз раҳбарининг юракдан чиққан даъвати эди. Олдиндаги хатарли йўлни омон-эсон босиб ўтишга одамларни руҳан тайёрлашга ундов эди бу!

1990 йил 3 июлида Кремль съездлар саройида: **«Биз мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик»**, деган гапни айтди Президент. Ўзбекистон давлати келажаги ва халқи манфаатларини ҳимоя қилиб майдонга чиққан Юртбошимиз юрагига бу сўзлар тинчлик бермаётгани ҳақиқат эди. Маърузачи сўзини давом эттиради: **«Жуда бой хомашё ресурсларига, ноёб табиий иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳ қилиш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун Ўзбекистон бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни ололмаяпти? Ўзбекистон «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда...»**

Бу гаплар унча-мунча йиғинда эмас, КПССнинг XXVIII съездида айтилди. Ана энди ўзингиз хулоса қилиб олаверинг. Марказнинг кўзига ёмон кўринишдан чўчиш, «айирмачилик қилаяпти», деган таънадан қўрқиш ҳисси бўлганда эди, бу ўринда халқ шаъни, юрт тақдирига бефарқ қараларди. Йўқ, Ўзбекистон ўз позициясида собит турди.

Ўзбекистоннинг эртаси, ҳаёт-мамоти хусусида Марказ жон куйдиришни истамасди. Токи юртнинг фикрли, кўзи очиқ фарзандлари оёққа қалқмаса, ҳисоб эмас эди. Йўқса, Чернобиль фожиаси билан қиёслаш мумкин бўлган Орол ҳудудидаги экологик танглик, оғир вазият ўша пайтдаги катта анжуманлар, яъни Москвада ўтадиган йиғилишларда ечимини топиши керак эди. Афсуски, бу масалага собиқ иттифоқ «ўзинг учун ўл етим» қабилида ёндашган...

Бугунги ёшларимизга бўлган эътибор, уларга яратилган шароитлар ҳали озодликка эришмаган юрт раҳбарининг суронли йиллар дилига тугиб қўйган ниятининг вожиб бўлишидир. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги, тасдиғини топиши учун 1990 йилнинг 16 ноябрида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи, тарбиячи ва мураббийларига қарата айтган ушбу сўзларини келтиришимиз кифоя: **«Биз элимиз, юртимиз, заминимиз, муқаддас тупроғимиз қадрига етадиган, уни тавоф қиладиган фарзандларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бусиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз тушуниб олишимиз шарт...»**

Зукко ўқувчи англаган бўлса керак. Мустақиллик Декларацияси миллатни озод этмай туриб, эзгу мақсад-манзилларга етмоқ душвор эканлигини таъкидловчи ҳужжат эди. Ўша даврни маълум маънода кўз олдимизга келтирдик. Марказнинг айрим нашрлари юртимизга мағзава ағдара бошлаган эди. Гўёки Бухородай муқаддас шаҳримизда фоҳишабозликка рухсат берилган, деган ғирт аҳмоқона уйдирмаларни тўқиб ёзишарди. Энг қизиғи, Ўзбекистонга туҳмат қилган ўша нашрлардаги мақолалар муаллифи топилмасди. Халққа нисбатан туҳмат тошини отувчилар кўпайиб, ёлғонни ямламай ютиб, Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилувчиларга қарата Ислом Каримов жим қараб туролмади. У 1990 йилнинг 18 декабрида Кремлнинг съездлар саройида минбарга чиқиб шундай деди: **«Кеча тўртинчи съезд бошланган кун эрталабдан бошлаб Марказий телевидение Ўзбекистон ҳудудидаги уюшган жиноятчилик тўғрисидаги 4 серияли фильмни кўрсата бошлади. Худди шунингдек, халқ депутатларининг бундан илгариги учинчи съезди иш бошлаган биринчи куни Ўзбекистонда пинҳона иқтисодиёт тўғрисидаги 6 серияли фильм намойиш этила бошлаган эди. Бу нимадан далолат этмоқда ва бу кимга керак? Наҳотки, мафия фақат Ўзбекистонда иш кўраётган бўлса?»**

Хуллас, Ўзбекистон гўёки, салбий ҳодисалар мамлакатига айлантирилган эди. Кимларгадир республикадаги яхши ишлаш, мамлакат раҳбарияти томонидан халқни иқтисодий юксалиш сари чорлаш, танг вазиятдан чиқиб кетиш чораларини излаши сира-сира ёқмас эди. Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воқеаларида ўзбек халқининг қўли бор, бу халқнинг «айричили»ги учун шу ҳодисалар содир бўлди, дея томоқ йиртиб бақирувчилар «марказий» матбуот вакиллари орасида тез-тез учраб турарди. Улар кимларнингдир садақасига учиб, тегирмонига сув қуйиб, Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилиш билан овора эди.

Истиқлолимиз эълон қилингач, кўпчилик довдираб қолди. Уларнинг кўнглини энди нима бўлади, деган ҳадик, хавотир қоплаганди. Иккиланиш, ўз йўлини топа олмай қийналган кимсаларнинг тебраниб туриши ғанимларимизга қўл келарди. Шундай бир шароитда Юртбоши ёнида туриш, унга ишониш, одамга теранроқ назар солишни айримларнинг эплай олмагани ҳам ҳақиқат. Энг ёмони, юртимиз истиқлолининг дастлабки йилларида, энди Ўзбекистон дунёнинг катта давлатларига қарам бўлиб қолади, қулоғигача қарзга ботади, охири мутеликка қайтади, деган «башорат»лар айтилганини ҳам ёдга олайлик.

Ҳа, биз биринчи йилларда иқтисодий қийинчиликларга дуч келдик. Бироқ бизни ўз мақсад ва маслагимиз йўлидан ҳеч нарса қайтара олмади. Собит турдик. Чунки истибдод тузуми бағридаёқ Мустақиллик Декларациясини эълон қилган давлат учун озодликни бериб қўйиш, қулликка қайтиш, таназзул, таъбир жоиз бўлса, ҳалокат эди.

Ҳар жабҳада тараққий топиш, изчил ислоҳотларни амалга ошириш, ҳарбий куч-қудратимизни яратиш, маърифий ва маънавий йўналишларда ижобий силжишларга эришиш, албатта, ёш мустақил давлат учун осон эмас эди. Лекин ўзимизни яратиш асносида улкан заводлар қурдик. Тараққиётимиз учун муҳим бўлган режалар асосида иш олиб бордик. Бировга қарам бўлиб қолмадик. Кейинчалик барча ҳаракатларимиз самараси амалда бўй кўрсатгач, четдан шубҳа билан қаровчилар сони камая борди. Лўнда қилиб айтганда, юртимизда бунёдкорлик тантана қилди. Бу ҳолни халқнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Ҳа, бу йил озодлигимизнинг тамал тоши ўз ифодасини топган – Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 16 йил тўлади. Бу эркинлик йўлидаги дадил қадам эди. Мустақиллигимизнинг 15 ёши нишонланадиган йилда – ўша улуғ тарихий воқеани эслаш, ёдга олиш эса ҳар биримизнинг руҳиятимизга тетиклик бахш этади. Ва озодлик осмондан тушмаганлигини англагандай бўламиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Саҳифамизнинг бу галги меҳмони адабиёт йўналиши бўйича «Зулфия» номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган оқила, соҳибжамол ва дилбар қиз Орзигул Ҳамроевадир.

Зулфияхонимнинг бухоролик бу қизи бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил оляпти.

Орзигулнинг адабиётга, хусусан шеъриятга ҳаваси, ихлоси жуда баланд. Гўзал ташбеҳларга бой шеърлари, ранг-баранг ижоди кўнгил мулкининг қанчалар бой эканлигини, тафаккур олами қанчалар кенг эканлигини кўрсатади. Турли адабиётларни мутолаа қилиш унинг энг севимли машғулотидир. Келажакда шеъриятимиз осмонида бир чақноқ юлдуз бўлса, ажабмас.

– Тилимиз, адабиётимиз, демакки, маънавиятимиз равнақига бироз бўлса-да улуш қўшолсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблардим, – дейди у энг улкан орзуси ҳақида.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Почти 3500 юных египетских художников нарисовали самую большую в мире картину. Массовая акция «Мир, раскрашенный детскими руками» была организована в Каире египетским отделением ЮНИСЕФ. Макая пальцы в гуашь, дети нарисовали картину длиной 240 метров, на которой были изображены историческо-археологические памятники и туристические достопримечательности Египта.

● Сдвинув с места три трамвая, привязанных к волосам тросом, студент Барнаульского колледжа культуры Руслан Маткаримов заявил: следующим будет самолет. Он сдвинул три трамвая общим весом 56 тонн 300 килограммов на расстояние шести метров. Руслан занимался в школьной цирковой студии и там освоил множество трюков – забивает гвозди в руки, сверлит дрелью нос, глотает огонь и мечи. Несмотря на свою молодость, Руслан Маткаримов уже десять лет выступает на сцене. Участвовал в европейских фестивалях оригинального жанра, демонстрируя свое мастерство в Германии, Голландии, Испании.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Дадажонов мусиқаси, Анвар Обиджон шеъри билан айтилувчи қуйидаги қўшиқни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли вакиллари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов ва Дониёр Қаршиевлар ижро этишади.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙЛАРИ

Камол топмас ҳеч бир миллат,
Қадрин баланд асролмаса.
Она юртин гулзорим деб,
Қузғунлардан сақлолмаса.

НАҚОРАТ:

Халқин севган ўғлонлардир,
Эркинликка посбонлардир,
Қўрқув билмас қоплонлардир,
Ўзбекистон ҳарбийлари,
Ўзбекистон ҳарбийлари!

Буюк аждодлар хокидан,
Яралган бу улуғ Ватан.
Бор бўлса мард фарзандлари,
Завол кўрмас қутлуғ Ватан.

НАҚОРАТ.

Муқаддас бу тупроқдаги,
Ҳар бир гиёҳ жондош бизга.
Оламдаги тинчликсевар,
Ҳар бир инсон қондош бизга.
НАҚОРАТ.

ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ?



ТЕСТ

Ҳар бир «ҳа» жавобига – 5 балл, «йўқ» жавобига – 0 балл.

1. Турмуш ўртоғингиз сизга шахсий сирларини айтадими?
2. Эрингиз (хотинингиз) қайси рангни ёқтиришини биласизми?
3. Турмуш ўртоғингиз тушкунлик ҳолатидан қандай йўл билан чиқишни маъқул кўришидан бохабармисиз?
4. Эрингиз (хотинингиз)нинг вазни қанчалигини айта оласизми?
5. Қайси ҳаракатингиз эрингиз (хотинингиз)нинг ғашига тегиши ўзингизга аёнми?
6. Қайси хислатларингиз турмуш ўртоғингизга ёқишини биласизми?
7. Қайси таомни хуш кўришини-чи?
8. Турмуш ўртоғингизнинг нозик жиҳати сизга маълумми?
9. Унинг қандай жамоатчилик ишлари билан шуғулланаётгани ҳақида қизиққанмисиз?
10. Нималардан кўпроқ қўрқишидан хабарингиз борми?

40–50 БАЛЛ: Сиз ҳақиқатдан ҳам турмуш ўртоғингизни яхши билар экансиз. Бу узоқ ва бахтли оилавий ҳаёт кечиришингизга йўлланма дегани.

30–35 БАЛЛ: Яхши натижа. Тан олиш керакки, сиз турмуш ўртоғингизни етарлича биласиз. Лекин унинг шахсиятининг бошқа томонларига кўпроқ эътибор қаратсангиз ёмон бўлмайди.

20–25 БАЛЛ: Сиз турмуш ўртоғингизни биласиз, лекин етарлича эмас. Унга кўпроқ эътибор қаратинг:

20 ДАН КАМ БАЛЛ: Турмуш ўртоғингизни умуман билмайсиз. Уни тушунишга, ўрганишга кўпроқ вақт ва эътибор ажратишингиз керак.

СИЗ БОРСИЗКИ, ГЎЗАЛДИР ҲАЁТ

Америкалик ёзувчи О.Генри ўз ҳикояларининг бирида Атлантика океанидаги инсон қадами етмаган оролга умрбод сургун қилинган денгиз қароқчиларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади: ҳаммасининг кийими йиртиқ, соч-соқоллари ўсиб кетган, умуман ёввойи одамларга айлангандай... Кунларнинг бирида уфқда кеманинг елкани кўринади ва оролга яна бир гуруҳ жиноятчиларни ташлаб кетишади. Уларнинг орасида севган йигитига эргашиб келган бир қиз бор экан. Шу ягона қизнинг оролда пайдо бўлиши қароқчиларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади; улар кийимларини ювишга, ямашга, соч-соқолларини олиб ювинишга киришиб кетишади. Ўзларининг инсон эканликлари эсларига тушади.

Қадимги Грузиядаги хевсур табиблари аёллар гўзаллигининг даволаш кучини билишган: жанг майдонидан келтирилган, оғир жароҳатланган жангчига гўзал қиз ҳамшира сифатида хизмат қилган. Ана ўшанда ярадор гўзал қиз олдида бақириб-чақириб, оҳ-воҳ қилиб йигитлик шаънига доғ туширмаслик учун оғриқларга жимгина чидаб ётаверган.

Ҳа, аёлларнинг кўнглини олиш, уларнинг муҳаббатига, ҳурматига, эътиборига сазовор бўлиш истаги эркакларни доим мардликка, матонатга, саргузаштларга чорлайди.

Шундай бўлсада, эркакларнинг сизлар учун кўрсатган жасорат ва мардликлари аёлнинг ҳаётни давом эттиришдаги ўрнига асло тенг келолмайди. Уйимизнинг файзи, рўзғор ўчоғининг ёниб туриши, оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги ҳам бевосита сизга боғлиқ.

Ахир дидсиз гавда – гавда эмас, ҳидсиз гул – гул эмас, аёлсиз уй – уй эмас, дея бекорга айтилмаган. Биз сиз азизларни деб яшаймиз, сизларсиз аллақачон ёввойилашиб, ўрмон ва чакалакзорларда адашиб юрармидик?

Очиғини айтиш керак, аввалларисизларни заифа, заиф инсон деб ҳисоблардик. Энди билсак, заифлик сизнинг кучингиз экан. Илмий-техника тараққиёти даврида «Куч бор, ақл керакмас» дейиш ўринга, «Ақл бор, куч керакмас» дея керилиб юришимиз ҳам шундан.

Ҳар қанча қувонсангиз арзийди. Бугунги кунда ҳаётда, жамиятда аёлларнинг ўрни янада юксак. Олимлар, шифокорлар, профессорлар, фирма президентлари, ишбилармонлар кўпаймоқда. Ҳатто Германия канцлери – аёл, Эстония, Финляндия, Филиппин, Чили давлатларининг президентлари аёллар. Индира Ганди, Маргарет Тетчер, Беназир Бхуттолар ҳам барчага маълуму машҳур.

Энди эса ҳали уйланишдан «ҳуркиб» юрган бўйдоқларга айтадиган муҳим гапим бор: дунёда яхши хотинлик бўлишдан катта бахт йўқ. Агар гўзал, ақлли, хушхулқ қизга уйлансангиз, худди лотереяга машина ютуғи чиққандай бир гап. Қолаверса, уйланганлар 10-15 йил узоқ умр кўришаркан (Мана, камина ҳам яхши хотин туфайли ёшим саксондан ошиб, йигитлардек чаққон юрибман). Табиатда ҳамма нарса жуфти билан тирик, деганлари ҳам шуда!

Хуллас, аёлларни, хотин-қизларни ҳар қанча мадҳ этсак, улуғласак оз. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Ғофур ЖЎРАЕВ.

«Балли йигитлар» кўрик-танловининг СЦЕНАРИЙСИ

Ҳарбий қисм клуби «Балли йигитлар» кўрик-танловига мос безатилган бўлиши лозим. Саҳнанинг марказида танловга бағишланган панно ва шиор осилган, саҳнанинг чап ва ўнг томонларида кўрик-танлов иштирокчи жамоаларнинг кўргазмали восита ўрнатилиши, саҳнанинг чап томонига бошловчи учун махсус минбар қўйилган.

Танловда икки ёки уч жамоа, масалан, «Шунқор йигитлар» ва «Сардор йигитлар» жамоалари ўзаро беллашадилар, олиб бориш учун сўзга бой, чечан, маънавий етук бошловчи тайинланади.

Танлов «Наврўзи олам» мавзусига бағишланиб, жамоалар ўз чиқишларида танлов шартларини ўз билимлари, интеллектуал салоҳиятлари, чаққонликлари ва кучлари ҳамда бадиий ҳаваскорлик ва ижрочилик маҳоратлари билан бажаришлари лозим. Танловнинг асосий мақсади мароқли дам олишни ташкил қилиш билан бирга иштирокчиларда, яъни ҳарбий хизматчиларда фикрлаш қобилиятларини, чаққонлик, тезлик, куч-ғайрат ва ижрочилик маҳоратларини ривожлантиришга қаратилган.

Бошловчи кўрик-танловнинг мақсади ва ўтказилиш тартибини тушунтиргандан сўнг саҳнага иштирокчи жамоаларни (5 ёки 6 киши) бирин-кетин таклиф қилади ҳамда томошабинларга ва иштирокчиларга танловни баҳолаш учун ташриф буюрган ҳайъат аъзолари таништирилади.

Шундан сўнг, иштирокчилар саҳнадан тайёрланиш учун чиқиб кетадилар, бошловчи томонидан танловнинг шартлари таништирилади. Ўйиннинг мавзуси «Наврўз олами», баҳор байрамига, ўзимизнинг миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга бағишланади.

Биринчи шарт: Сўзга чечанлик шарти – «Наврўзи олам ҳақида сўз ва гаплар».

Саҳнанинг ўнг томонида икки столнинг устида ҳарфлар орқаси билан терилиб қўйилган. Бир столнинг устида унли ҳарфлар, иккинчисида ундош ҳарфлар (ҳар бир ҳарф 4-5тадан бўлиши лозим). Шартда ахборот техника воситалари: оверхедпроектор ёки компьютерга уланган мультимедийний проектор ишлатилиши мумкин.

«Шунқор йигитлар» жамоаси саҳнага таклиф этилади. Жамоанинг икки вакили столларнинг ёнига келиб, ҳоҳлаган столлардан жами 12 та ҳарф олади. Ҳар бир ҳарф залда ўтирган томошабинларга кўрсатилади ҳамда ёрдамчилар орқали катта тасвирда экранда намойиш этиб турилади.

Шартнинг биринчи қоидасида «Шунқор йигитлар» жамоаси ўзлари танлаган ҳарфлардан маълум вақт ичида (1 ёки 2 дақиқа) сўзлар топишлари лозим, қанча кўп сўз топилса, ҳайъат томонидан улар шунча кўп баҳоланади. Ҳар бир ҳарф фақат бир марта ишлатилади. Масалан, жамоа томонидан қуйидаги ҳарфлар олинган: **Н, И, В, О, З, С, А, Б, К, А, Я, С.** Ушбу ҳарфлардан – **САБЗИ, ВА, ЯКСОН** сўзлари топилди.

Шартнинг иккинчи қоидасида «Шунқор йигитлар» жамоаси маълум вақт ичида (1 ёки 2 дақиқа) хоҳлаган топилган сўзининг ҳарфларидан Наврўзга аталган гап тузишлари лозим. Масалан, Ялпизларнинг Катта Саройга Олингани Номаълум ёки Наврўзга Ялпизли, Карамли Сомсалар Олинди.

Худди шундай тарзда «Сардор йигитлар» жамоаси ҳам шартни бажаради. Ушбу қоидаларга тез, мазмунли, кўп сўз ва гап топган жамоа ҳайъат томонидан юқори баҳоланади.

Иккинчи шарт: Топқирлик шарти – «Наврўз элементлари».

Иштирокчи икки жамоа саҳнага таклиф этилади. «Шунқор йигитлар» жамоаси саҳнада бир чизиқда терилиб туради, ораларидаги масофа икки қадам бўлиши лозим. «Сардор йигитлар» жамоаси саҳнанинг орқа томонида бир чизиқда жойлашади.

Шартнинг биринчи қоидасида, «Сардор йигитлар» жамоасининг вакили «Шунқор йигитлар» жамоаси вакилининг қулоғига (бошқалари эшитмасликлари учун) Наврўз элементлари билан боғлиқ бўлган бир сўзни секингина айтади ва шу сўз ёзилган (А-4 форматида) қоғозни столнинг ўнг бурчагига қўяди. «Шунқор йигитлар» жамоасининг вакили рақиб жамоа айтган сўзни имо-ишоралар билан ёнида турган жамоадошига, у кейингисига, шундай бирин-кетин бир-бирларига сўзсиз тушунтиришади. Сўз жамоанинг охирги иштирокчисига тушунтирилганидан сўнг, у сўзнинг номини микрофон орқали айтади ва рақиб жамоа ёзиб қолдирган қоғозни залга кўрсатади. Тўғри сўз – беш, яқин келгани – уч, тўғри келмагани – 1 балл билан баҳоланади.

Шартнинг иккинчи қоидасида, «Сардор йигитлар» жамоаси саҳнанинг чап томонига, «Шунқор йигитлар» жамоаси саҳнанинг ўнг томонига жойлашади. «Сардор йигитлар» вакиллари «Шунқор йигитлар» вакиллари учун бирон-бир сўзнинг таърифини, яъни тузилишини, нима учун кераклигини, сифатини қисқа гаплар орқали бирин-кетин сўзлашади. Рақиб жамоа вакиллари диққат билан эшитган таҳлилнинг жавобини, яъни ушбу таҳлил «Сомса» сўзига тўғри келишини микрофон орқали айтадилар.

Худди шундай тарзда «Сардор йигитлар» жамоаси ҳам шартни бажаради. Ушбу қоидаларга тўғри, тез жавоб берган жамоа ҳайъат томонидан юқори баҳоланади.

Учинчи шарт: Чаққонлик ва эпчиллик шарти.

Ушбу шартда жамоалар учун умумқўшин ҳимоя жамламаси (ОЗК), газларга қарши мослама кийими (противогаз), ўйин арқони (скакалка), шарлар, катта қоп, обруч, дартс ўйини ҳамда секундомер бўлиши лозим. Саҳнанинг икки бурчагига столлар, орқа томонда доскага дартс жойлаштирилади.

«Шунқор йигитлар» жамоаси саҳнага таклиф этилади. Жамоа иштирокчилари саҳнада бир чизиқда терилиб туради, ораларидаги масофа икки қадам бўлиши лозим. Бошловчи секундомер босилиши билан жамоа вакиллари умумқўшин ҳимоя жамламаси ва газларга қарши мослама кийимини киядилар. Иштирокчилардан охиргиси кийимларни кийганидан сўнг, вақт тўхтатилиб, олиб борувчи томонидан тўғри кийилгани текширилиб чиқилади. Текширув кўригидан кейин секундомер яна босилади, икки иштирокчи икки томондан арқонни айлантира бошлайди, жамоанинг уч аъзоси биргаликда беш марта арқонда сакрайдилар, сўнг жамоанинг бир аъзоси столнинг ўнг томонида жойлашган бешта шарни кўтариб, чап томондаги столга жойлаштиради, бир жамоадоши шарларни ушлаб туради (шарларни бир ёки иккитадан олиб бориш мумкин, агар ёрилиб кетса қайтадан шиширилади). Жамоанинг иккинчи вакили ҳамма шарлар келганидан сўнг уларни ўзидан 4 метр узоқликда жойлашган учинчи жамоадошига отиши керак. Учинчи иштирокчининг қўлида катта қопнинг оғзига ўралган обруч бўлиб, у жамоадоши отган шарларни қопга илиб олиши лозим. Шундан сўнг, учинчи иштирокчи қопдаги шарларни саҳнанинг ўнг томонида, столнинг орқасида жойлашган тўртинчи иштирокчига олиб бориб беради. Тўртинчи иштирокчи қопдан ҳар бир шарни олиб ёради ҳамда қопнинг тагида махсус идишга жойлаштирилган дартс ўйинининг ўқларини саҳнанинг ўртасида турган бешинчи иштирокчига беради. Бешинчи иштирокчи ўқларни 5 метр масофада жойлаштирилган дартсга қараб отади. Шундан сўнг, секундомер тўхтатилади ҳамда дартсдаги очколар саналади.

Худди шундай тарзда «Сардор йигитлар» жамоаси ҳам шартни бажаради. Ушбу қоидаларни хатосиз, тўғри бажарган, тез ҳаракат қилган ҳамда дартсда кўп очко олган жамоа ҳайъат томонидан юқори баҳоланади.

Тўртинчи шарт: Мусиқали уй вазифаси – «Наврўз қўшиқлари».

Ушбу шартда жамоалар қўшиқ ва рақс санъати орқали ўзларининг тайёрлаб келган бадиий ҳаваскорлик дастурини намоён этадилар. Жамоа 5 дақиқа ичида миллий эстрада ва халқ куйларига ўзларининг сўзларини қўйган ҳолда ҳамда рақс санъати, ҳажвий кўринишларни намоён этиб, шартни қизиқарли равишда бажарадилар. Шартда қўшиқларнинг бир ёки икки тўртлиги олиниши мумкин. Шартда камида икки қўшиққа тақлид қилиниши лозим.

Масалан, Даврон Эргашевнинг «Марьё» қўшиғига тақлид:

Байрамга тайёргарлик кўр, Аскар!
Яқинда Наврўз келар...

Худди шундай тарзда жамоалар уй вазифаси шартини бажарадилар. Қўшиқларни мавзуга боғлаб, қизиқарли, чиройли саҳна кўриниши ва тартиб-ахлоқни сақлаб ижро этилган уй вазифаси ҳайъат томонидан юқори баҳоланади.

«Балли йигитлар» кўрик-танловининг шартлари якунлангач, олинган баллар умумлаштирилади. Бошловчи томонидан икки жамоа саҳнага таклиф этилиб, уларга миннатдорчилик билдирилади ҳамда қўмондонлик томонидан тайёрланган совғалар топширилади.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЙ ИШЛАР ХИЗМАТИ.

«БЕГОНА БАҲОР»

Эътибор берадиган бўлсак, ўтган йил кино ижодкорларимиз учун анча сермаҳсул кечди. Бир пайтлар йилда атиги 4-5 та фильмни суратга олган ижодкорларимиз, 2005 йилнинг ўзида 30 та картина яратиб, мухлисларга тақдим қилишди. Тўғри, бу фильмларнинг асосий қисми хусусий киностудияларда тасвирга туширилган бўлиб, савияси турлича. Лекин бу барча яратилаётган фильмлар ғоя жиҳатидан саёз, дегани эмас. Улар ичида ҳам инсон қалбини жунбушга келтирадиган, тарбиявий аҳамиятга эга ҳақиқий киноасарлар жуда кўп.

Нодавлат студиялар яна отни қамчилаб қолишди. Республикамиз кинотеатрларини кузатадиган бўлсангиз, айни дамда 5 тадан ортиқ фильмлар намойиш қилинмоқда. Ушбу фильмларнинг деярли барчаси хусусий сектор улушига тўғри келиб, томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Мухлислар кўнглига йўл топа олган фильмлардан бири «Бегона баҳор» картинасидир. Ушбу фильмда айниқса ўзбек оилаларида кўп учрайдиган ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзига хос муносабатлар, қайнона ва келин зиддиятлари кадрга кўчган.

Адиба Аҳмаджонованинг сценарийси асосида суратга олинган мазкур фильмда оилавий муносабатлар тўлалигича очиб берилган, деб айтишимиз мумкин.

Кўпинча ҳаётда ўйламай-нетмай айтилган сўз, дилозорлик инсон тақдирини ўзгартириб юборади. Баъзан бир хонадонда, бир оилада яшаб туриб одамлар бир-биридан узоқлашиб, бегоналашиб кетадилар. Меҳр-оқибатни унутадилар. Гўё фильм қаҳрамонлари Умида ва Санжар сингари. «Бегона баҳор» фильмида бош қаҳрамонлар образини (Умида) «Чархпалак» сериали орқали томошабинларимизга яхши таниш бўлган актриса Наргиза Абдуллаева ҳамда (Санжар) хушовоз хонанда дебютант актёр Анвар Собировлар маромига етказишган. Бундан ташқари, асосий ролларда халқимизга таниш бўлган Рихси Иброҳимова, Исамат Эргашев, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Меҳриддин Раҳматов каби профессионал актёрлар жалб қилинган. Фильм режиссёри Иброҳим Расулов ҳамда оператор Алишер Усмоновларнинг хизматини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Фильмда хонанда Аҳрор Усмоновнинг киноасар ғоясини аниқ ифода эта олган «Бизга баҳор бегонадир борган сари» қўшиғи унинг таъсир кучини янада оширган.

– Бу фильмда мен ёмон қайнона образини яратишимга тўғри келди, – дейди актриса Гулчеҳра Иброҳимбекова. – Актёрлар орасида, «Кичик бўлса ҳам ижобий роль ўйнаганинг маъқул, бу сени машҳур қилади», деган ақида юради. Лекин ушбу фикр мен учун аҳамиятли эмас. Шу боисдан ҳам роль танламайман. Ҳар қандай образ бўлмасин, қаҳрамоним ички дунёсини ҳаётий очиб беришга интиламан.

Бу фильмнинг номи нега «Бегона баҳор» дея қизиқаётгандирсиз? Бу савол кинони томоша қилмасдан аввал бизни ҳам қизиқтирган эди. Шунда режиссёр Иброҳим Расуловга мурожаат қилдик.

– Баҳор деганда кўз ўнгимизда яшиллик, гўзаллик, шодмонлик, мусаффо осмон гавдаланади, – дейди у. – Шу сабабли бўлса керак, инсон ҳаётининг ёшлик чоғларини ҳам баҳорга менгзашади. Фильм қаҳрамони бўлган Санжар қатъиятсизлиги туфайли ўз баҳорини бегона қилади.

«Ўзбектелефильм» ҳамда «M DO'ST» студияси ҳамкорликда тасвирга туширган фильм томошабинлар кўнглидан жой олмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

4 мартда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганига 10 йил тўлади

АСОСИЙ МАСАЛА – ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ



Яратилган кучли ҳуқуқий база ФВВнинг муваффақиятли тикланишига, тезда оёққа туришига хизмат қилди. Ўтган 10 йил мобайнида фавқулодда вазиятлар масаласида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (1999 й), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 й.) қонунлар, Президентнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинганлиги, жамият ҳаётининг шу борадаги техник снёсати асосларини белгиловчи иккита Давлат стандарти қабул қилинганлиги шараф ва масъулиятдан далолат беради. ФВВнинг ҳуқуқий базаси хусусида гапирганда, фавқулодда вазиятлар масаласи яна амалдаги ўнлаб бошқа масалалар, яъни «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида», «Радиацион хавфсизлик тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Терроризм тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларда ўз аксини топганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда Россия, АҚШ, Германия, Франция, Украина ва бошқа етакчи давлатларнинг Фуқаро муҳофазаси тизимини шакллантириш тажрибаси инобатга олинган. Энг муҳими, тизимни шакллантиришда Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш йўл-йўриқлари ҳисобга олинганидир.

Мамлакат қутқарув хизматининг муҳим хусусиятларидан бири, бу ерда башорат этиш, олдини олиш ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш масалалари ҳал этиш учун махсус давлат тизими (ФВДТ) ташкил этилганлигидир. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабридаги Фармонига асосан Бош вазир томонидан бошқарилади.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз раҳбари томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларига оид бир қанча махсус қарорлар қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги қарорини таъкидлаш лозим. Ана шу муҳим ҳужжатга мувофиқ, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда фавқулодда вазиятлар юзага келганда фалокатларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш тизими барпо этилди.

Марказий Осиё республикалари ичида биринчи бўлиб Россия Федерациясидан 6 та замонавий авария-қутқарув машиналари сотиб олинди. Ўн олти тонналик қудратли «КамАЗ» русумли машинага турли қутқарув асбоб-ускуналари – сим арқондан тортиб, нарвонгача тартиб билан жойлаштирилган. Булар кўнгилсиз ҳодисаларни бартараф этишда жуда қўл келади. Авария-қутқарув машинасининг яна бир афзаллик томони шундаки, тезлик ричагини қўшганда ҳамма ғилдираклар бараварига ҳаракатга келади ва ҳар қандай машина юролмайдиган нуқтага бориш имкониятига эга бўлади.

Ўтган 10 йил мобайнида ўтказилган кўплаб турли ўқув машғулотлари катта самаралар берди. Бу машғулотлар пайтида 100 минглаб одам қутқарув ишларини ташкил этиш кўникмаларини ҳосил қилди. Энг муҳими, ўтказилган машғулотлар ФВВ органи ва тузилмалари, вазирлик, бошқарма, маҳаллий ҳокимлик органларини куч ва воситалари тайёргарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

1998 йилнинг 12 майида Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани ҳудудида жойлашган Лангар қишлоғида ҳажми 22 миллион куб метр бўлган катта ер кўчкиси содир бўлиб, натижада бир мактаб биноси, 48 хонадонга шикаст етди. Шундан 22 хонадон кўчки остида қолди. Давлат кўчкини кузатиш хизмати ва Қашқадарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимларининг ҳушёрликлари, табиий офатлар чоғида ҳаракат қилиш тизимининг яхши йўлга қўйилгани, авария-қутқарув кучларининг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, назорат қилувчи постларнинг кечаю кундуз ишлаши ўзининг ижобий самарасини берди. Шунинг учун ҳам, бу офатдан бирорта инсон тугул, уй ҳайвонига ҳам зиён-заҳмат етгани йўқ.

Фуқаро муҳофазаси институтида ва ҳудудий ўқув марказларида 100 минглаб халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича тайёргарликдан ўтдилар.

Ҳаёт хавфсизлиги асослари бўйича билимларнинг янада сайқал топишида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам матбуот, телевидение ва радиодан унумли фойдаланилмоқда. Республика марказий нашрларида юзлаб мақолалар эълон қилинди. Зарур китоблар, плакатлар чоп этилди. ФВВ муассислигида «Муҳофаза+» журнали, «Вазият» газетаси Бирлашган таҳририяти ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Илгари республикамизга ташқаридан олиб келинаётган фавқулодда вазиятлар соҳасига оид кинофильмлар, афишалар, қўлланмалар ва бошқа кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот материаллари ҳозирда ўзимизда кўп нусхада чоп этиляпти.

Ўзбекистон қутқарув хизмати учун ФВВ ташкил этилган йиллар айниқса, сермаҳсул бўлди. Шу вақт мобайнида у ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан мустаҳкамланди. Уларнинг сафи малакали спортчилар, довюрак қутқарувчилар билан тўлдирилди. Чет элларда табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда қатнашган ФВВ авария-қутқарув бўлинмалари қисқа вақт ичида ўз ишининг усталари бўлиб етишдилар. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, бошқарув аппаратини қисқартириш ҳисобига тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Чирчиқ шаҳридаги махсус қидирув-қутқарув қисми, Қамчиқ довони қидирув-қутқарув отряди ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги авария-қутқарув гуруҳлари кенгайтирилди ва мустаҳкамланди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли ўтган 10 йил мобайнида ФВВ қутқарувчилари сонини бир неча фоиз кўпайтириш имкони вужудга келди. Барча бўлинмалар замонавий асбоб-ускуналар, қутқарув техникаси билан жиҳозланган, улар учун замонавий бинолар қурилган, мавжудлари қайта таъмирланмоқда. Кинология, сувдан қутқариш хизматлари, республика ғаввослари мактаби ташкил этилди, шунингдек, десант, тоғ ва қутқарув тайёргарлиги бошланди ва жадал олиб борилмоқда. Махсус ўқув миноралари ва спорт тренажёрлари яратилди ва қурилди. Қутқарувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга спортнинг амалий ва қутқарув турлари бўйича ўтказилган мусобақалар катта ёрдам беряпти.

Ўз навбатида ФВВнинг 50 дан ортиқ ходими дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган халқаро семинарлар, курслар ва конференцияларда фаол қатнашдилар. Кинологлар Германияда пухта тайёргарликдан ўтиб келдилар. Ўндан зиёд офицерлар Россия Федерациясининг Фуқаро муҳофазаси академиясида 2 йиллик ўқув малакасини ўтаб келди. Айни пайтда узлуксиз давом этаётган халқаро алоқаларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Туркия, Тожикистон, Ҳиндистон, Эрон, Украина, Покистон мамлакатларидаги зилзила ва бошқа фавқулодда вазиятлардан жабрланган аҳолига кўрсатган инсонпарварлик ёрдами ва қутқарув хизматлари туфайли жонажон Ўзбекистонимиз, қолаверса, қутқарувчиларимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ошиб бормоқда.

Энг муҳими, вазирлик тизимида ўтказилган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ, аҳоли ва улар истиқомат қилаётган жойлардаги хавфи мавжуд бўлган кимёвий иншоотларда муҳофаза тадбирларини олиб бориш, профилактика ишларини янада такомиллаштириш мақсадида янги бошқарма фаолият кўрсата бошлади. Қутқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда уларнинг таркибини сифат жиҳатидан янада мустаҳкамлаш асосий вазифалар сирасига киради.

Маълумки, Президентимиз 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилди. Бу нафақат ФВВ ходимларининг, балки саховатли ва халоскор инсонларнинг амалда бажариши зарур бўлган инсонийлик бурчи ҳамдир. Бинобарин, инсонга, она табиатга нисбатан меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш миллатимиз, қолаверса, Шарқ халқларига хос бўлган умумбашарий қадриятларимиздан бири саналиб келган. ФВВнинг тикланиши, шаклланиши ва ривожланишида эришган муваффақиятлари кўп жиҳатдан фахрийларнинг сермаҳсул меҳнати билан белгиланади. Фуқаро мудофааси, фавқулодда вазиятлар тизимида узоқ йиллар хизмат қилган истеъфодаги генерал-лейтенантлар – Б.Сирожиддинов, С.Охунжонов, генерал-майор Б.Қосимов, полковниклар – Ю.Бозоров, Н.Очилов, Ш.Раҳмонов ва бошқаларнинг бу борадаги хизматларини таъкидлаш жоиз.

Ўтган йиллар мобайнида мардлиги, шижоатлилиги ҳамда вазифаларини виждонан адо этганлиги учун ФВВнинг кўплаб ходимлари Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари, Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Умуман олганда, мустақиллигимиз ФВВ тузилмалари тикланишига, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилишни ташкил этилишига, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш асосларининг қонун билан мустаҳкамланишига имкон туғдирди.

Азамат СУЮНОВ, журналист.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Признание возможно

«Хамас» говорит, что теоретически готов признать Израиль в будущем. А именно, через большой референдум, в котором примут участие палестинцы с Западного берега реки Иордан и из сектора Газа, палестинцы, проживающие в Израиле, а также миллионы беженцев и их потомков, которые, начиная с 1948 года, расселились по всему свету.

Ядерные отходы не пересекут границу

Украине придется отказаться от захоронения отработанного ядерного топлива на территории России из опасений, что в будущем российская сторона может повысить расценки. Об этом на пресс-конференции в Киеве заявил исполняющий обязанности Главной службы социальной политики секретариата президента Украины Павел Гайдуцкий. В настоящее время, отметил он, отрабатывается вопрос о создании закрытого ядерного цикла на Украине. «Это действительно актуальная тема, но стоит вопрос времени и ресурсов. Вопрос актуальный потому, что будет дорожать не только хранение, но и производство ядерного топлива», – подчеркнул Гайдуцкий.

Военным требуется помощь психологов

Треть американских солдат, возвращающихся из Ирака, нуждается, по меньшей мере, в консультации психотерапевта, а примерно у 19,1% из них выявлены психические расстройства, требующие лечения. Об этом говорится в научном исследовании, опубликованном в издании «Journal of American Medical Association». Среди американских военнослужащих, побывавших в Афганистане, проблемы психологического плана отмечены у 11,3% военных, а также у 8,5% солдат, побывавших в других «горячих точках», пишет газета «Le Monde».

Вирусологи советуют соблюдать гигиену

Специалист по вирусологии Ханс-Дитер Кленк советует соблюдать особую гигиену в обращении с животными. Его рекомендации стали актуальны в связи с подтвержденным накануне случаем гибели животного от вируса штамма H5N1 в Германии. Мертвая кошка была обнаружена на германском острове Рюген в Балтийском море. Поскольку в этом районе было найдено свыше сотни погибших птиц со штаммом H5N1, животное решили проверить на наличие этого опасного вируса. Анализы на вирус в крови кошки дали положительный результат.

Уничтожен полевой командир

Чеченский полевой командир по прозвищу Имам уничтожен в ходе операции пакистанских сил безопасности против боевиков «Аль-Каиды» и движения «Талибан». Об этом заявил представитель армейского командования Пакистана. Настоящее имя убитого не сообщается, однако отмечается, что он был связан с международной террористической сетью. В результате операции ликвидированы свыше 30 иностранных наемников.

Сожжены десятки автомобилей

В Риме за ночь сожжены десятки автомобилей, сообщили представители правоохранительных органов. Машины были сожжены на столичных улицах. Во многих районах также сожжены мусорные контейнеры. Всего за последние полгода в Риме было сожжено более 750 автомобилей и мотоциклов. За это время полиция задержала 11 поджигателей.

У стюардессы сдали нервы

Самолет авиакомпании «Virgin», летевший из Великобритании в США, в течение трех часов находился в зоне сильнейшей турбулентности. На борту находилось 469 человек. В салоне валялся багаж, выпавший с полок, по проходам катались тележки. Некоторые пассажиры оказались заперты в туалете, другие отказывались садиться в кресла, предпочитая сидеть на полу. Но самое худшее, что пришлось пережить пассажирам злополучного рейса, – это истерика стюардессы.

Знаки после запятой числа «Пи»

Уникальные возможности памяти продемонстрировал во Львове 33-летний профессор психотерапии, доктор медицинских наук Андрей Слюсарчук, установив три мировых рекорда за один вечер. За 20 секунд запоминания он назвал 400 геометрических фигур, расположенных хаотично, а затем воспроизвел 5 тысяч цифр. Но главный рекорд – Слюсарчук назвал вслепую миллион знаков после запятой числа «Пи». По словам Слюсарчука, обычный человек свои способности и мозг использует лишь на 8–10%, хотя возможностей гораздо больше.

(По страницам Интернета).

В ИНТЕРЕСАХ НАДЕЖНОСТИ ОХРАНЫ

Инженерно-технические средства охраны (ИТСО) становятся надежными помощниками личного состава войск в боевой службе лишь тогда, когда они исправны, а воины их ценят, хорошо знают и грамотно эксплуатируют.

Подразделение Караульных войск, где командиром полковник В.Подолько, укомплектовано военнослужащими по контракту. Оно выполняет особые задачи.

Высококлассными специалистами, знатоками своей профессии зарекомендовали себя здесь техники – старшие сержанты Б.Мукатов, З.Нуритдинов, Ф.Журакулов, начальник участка сержант В.Надоковский. За их плечами не один год службы, и забота у них всегда только одна – чтобы лучше и надежнее работала охранная техника, а проводимый ими ремонт аппаратуры был высококачественным. Они отлично изучили всю аппаратуру, применяемую на охраняемых объектах, обладают прочными навыками ее эксплуатации и проведения ремонта. Но только на этом они не останавливаются, а уделяют много времени и сил тому, чтобы передать свои знания и навыки другим, научить их грамотно обслуживать и ремонтировать ИТСО. Такое наставническое движение получило в части самое широкое распространение, оно закреплено приказом командира.

Личным составом части в истекшем году проделана значительная работа по капитальному ремонту непосредственно в производственных цехах части и внедрению в систему охраны технических средств: введено в строй более 70 единиц отремонтированной аппаратуры. На ряде объектов установлена новая видеонаблюдательная аппаратура и компьютерная техника отечественного производства, выполнены договорные работы по оказанию помощи другим ведомствам в оборудовании объектов современными техническими средствами.

В соответствии с планом основных мероприятий специалисты части в течение года обязательно работают на каждом охраняемом объекте, проводят регламентные работы по обслуживанию технических средств при переводе их на летний или зимний режим эксплуатации, практические занятия по обучению специалистов ИТСО частей и подразделений, делятся с ними своими знаниями и опытом.

– Добросовестно, с полной отдачей сил, – говорит заместитель командира части подполковник Ю.Бабкин, – трудятся на объектах наши специалисты – старший сержант З.Нуритдинов, рядовые по контракту Ш.Галимов, М.Хакназаров, Ш.Абдуллаев, Т.Ниязов, И.Ярашев и другие. Эти группы специалистов возглавляют, как правило, старший инженер Н.Мастанов, начальник цеха старший лейтенант К.Исмаилов. Об их работе мы получаем из частей только хорошие отзывы.

На службе контрактной

ВЕРНОСТЬ ПРОФЕССИИ

Человеку свойственно выбирать дело, где он может лучше проявить свои способности, принести больше пользы и получить моральное удовлетворение от сделанного.

Таким любимым делом для сержанта Наили Кутлубаевой стала воинская служба. Выбор воинской профессии стал для нее не случаен, ведь ее отец долгие годы прослужил в Караульных войсках. И хотя Наиля после школы окончила с отличием дошкольное педучилище и пединститут, несколько лет работала воспитателем-методистом в дошкольных учреждениях, она последовала примеру отца, и вот уже более 16 лет – на контрактной службе.

Вся служба Н.Кутлубаевой связана с работой с документами. Начинала она в управлении войск. День за днем с помощью старшего сержанта Наталии Павловой осваивала азы и все тонкости ведения делопроизводства и работы с документами. Затем последовало повышение по службе, и более восьми лет сержант Н.Кутлубаева служит на самостоятельном участке.

Служит так, что многим представителям «сильного» пола может дать фору. Профессионал воинской службы, отличник боевой учебы, уверенно владеет стрелковым оружием. Какое бы дело ей ни поручили, всегда выполнит его с душой, своевременно и качественно. Ее отличают высокая организованность и исполнительская дисциплина, трудолюбие и ответственность за порученное дело, строгое обеспечение режима секретности, хорошее владение компьютерной техникой. Те, кто хорошо знают Наилю Мубараковну, в первую очередь отмечают ее скромность и доброжелательность к людям, умение всегда прийти к ним на помощь и поддержать добрым советом.

А после службы – домашние хлопоты и семейные заботы, ведь у Наили Мубараковны две дочери – Аделя и Сабина – и совсем маленькая внучка – Ксюшенька.

Как и сержант Н.Кутлубаева, большим уважением и авторитетом в этом воинском коллективе пользуются и другие военнослужащие, для которых воинская служба стала не просто профессией, но и смыслом их жизни. Это – сержант Елена Шамардина, Татьяна Фарунцева, младший сержант Жанна Ким и рядовой по контракту Елена Мурадова. Они проявляют большое старание и инициативу на своих участках службы, являются высококлассными специалистами.

По-деловому, с хорошими результатами в службе готовятся встретить они светлый праздник весны – 8 Марта. С праздником вас, наши добрые и неутомимые труженицы!

Николай ЧУРСИНОВ, полковник в отставке.

Оила ва жамият

Oila va jamiyat

Мустақиллик фарзанди бўлмиш «Оила ва жамият» ҳафталик газетаси ўқишлилиги, мавзуларининг ранг-баранглиги туфайли аллақачон ўз ўқувчиларини топган, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган муштарийлар меҳрини қозонган нуфузли нашрлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга ўз вақтида обуна бўлмасангиз, сотувдан излаб топишингиз қийин кечади. Энг муҳими, ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари орасида ҳам ҳафталикнинг ашаддий мухлислари, унинг ҳар бир янги сонини орзиқиб кутадиганлар жуда кўп.

Халқимизнинг қувонч ва ташвишларини, орзу-умидларини, дил сўзларини катта маҳорат билан ёритаётган, оила аъзоларимизнинг бефараз маслаҳатчиси, яқин дўсти «Оила ва жамият» бугун сизнинг меҳмонингиз. Ҳамкасбларимиз тайёрлаган махсус саҳифа «Ватанпарвар» ўқувчиларига манзур бўлишига ишончимиз комил.

Файзли оила

ЯПОН КЕЛИННИНГ МАСЛАҲАТЧИ ҚАЙНОНАСИ

Бухоро шаҳар «Шодлик» маҳалласи Сайёра Қаҳрамоновани «Япон келиннинг қайнонаси», деб таништиришганда бу гапнинг тарихига қизиқиб қолдим:

– Наҳот келинингиз япон бўлса, Бухоронинг шунча қаламқош қизлари туриб-а? – дейман, опага.

– Бошида ўғлим: «Шу қиз ёқиб қолди, ойижон, биз бахтли бўлишимизга кўзим етади, дуо қилинг»,– деганда, сиз айтган фикрни кўндаланг қилувдим. Шунда ўғлим: «Менинг тақдиримни битта сўзингиз ҳал қилади, ойижон»,–деди. Ўйлаб қолдим: «Ахир боламнинг ақли-ҳуши жойида бўлса, дидига шубҳам йўқ. Ўз кучи билан Тошкентдаги иқтисодиёт университетини тугатди. Япониянинг «Чайка» фонди грантини қўлга киритиб, Токио иқтисодиёт университетида магистратурани тамомлаган бўлса... Японлар ҳам «бўлмайдиган одам»ни нуфузли авиакомпанияларида ишлатиб қўймас. Шу пайтгача номаъқул иш қилмаган болам, бу гал ҳам тўғри қадам ташлаганига нега ишонмай...»

Келинга сарпо-суруғ қилиб, Токиога жўнатдим. Аммо қудаларим журналист-полиграф эканлар. «Бухоролик қудалар билан танишмасдан туриб, қандай тўй қиламиз. Биз бориб шундай йигитни ўстирган ота-онага раҳмат айтайлик»,– дейишибди. Таҳсинга лойиқ инсонлар экан-да... Япониядан қудалар келди. Улар Бухорога келиб: «Ўҳў, Азамат жаннатмакон юртда яшаркан-ку!» дея чапак чалиб юборишди. Зардўз кийимларни, кашталарни кўриб, ҳайратларини яширолмади. «Ўзбекдай қўли очиқ халқни кўрганимиз йўқ» дейишди. Катта тўй қилдик. Нацука (биз уни Насиба деб атадик) бирам чиройлик бухоролик келин бўлдики, ота-онаси ҳам қизларига қараб тўйишмайди денг. Тўйимизда ҳам японча, ҳам ўзбекча рақслар ижро этилди.

– Улар қайтадиган бўлиб кетишдими? Албатта-да.

– Кунора гаплашамиз. «Худо хоҳласа иш ўрганиб, қайтиб борамиз, укам ўқишни бўшаштирмасин, илмда ҳикмат кўп экан, ойижон. Бизга шунча йўл очиб берганингиз учун раҳмат сизларга!» – деганида, болаларимни совуқ демай, иссиқ демай машғулотларга олиб чопганларим, ундан ишга... тушлик пайти яна уларни олиб ўқишига қўйиб келганларимни эслайман...

Азаматжон нафис санъат лицейида, Шуҳратжон наққошлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги бўйича усталарга қатнарди. Азизахон инглиз тили бўйича мутахассислардан таҳсил оларди. Дадаси шифокор, мен эса ҳамшира

бўлиб ишлардим. Хўжайиннинг беморлари кўплиги учун болаларнинг юки кўпроқ менинг бўйнимда бўларди. Аммо фарзандларимиз ўз йўлини танлашида турмуш ўртоғимнинг таъсирлари, ҳаракатлари кўп бўлган. Худога шукр. Болаларим ақлли-ҳушли, уддабурон ва мустақил фикрли бўлиб воя га етишди. Азизахон қизим ингилиз тилидан дарс беради. Куёвимиз Рашиджон ҳам Туркияда «Халқаро туризм» олийгоҳида таҳсил олган. Шуҳратжон ўғлим – Республика Халқаро алоқалар олий ўқув юртининг толиби, япон, инглиз, француз, немис, рус, тожик тилларида бемалол гаплашади.

– Тил дунёга олиб чиқади, деб бежиз айтишмаган-да.

– Ўзим ҳам япон ва инглиз тилларини ўрганмоқчиман. Бир томони энди қудалар билан мулоқот қилиш учун, қолаверса, тикаётган кашта, сўзана, ёстиқпўш, сочиқларимиз Япония, Туркия, Франция кўргазмаларида юқори баҳо олди.

– Ҳамшираликдан ташқари ҳам ҳунарингиз борми?

Асли ёшлигимдан зардўзлик қилардим. Зардўз ковуш тикардим. Ҳам оилага фойда, ҳам ҳунарим «етим» бўлиб қолмади. Нафақага чиққач, уйимда 10 нафар қизга, икки оила аъзосига каштачиликни ўргата бошладим. Баъзан қиш фаслида туманлардаги далада ишлайдиган қизлар бўш қолгани учун, уларни ишга жалб қиламан. Раънохон билан қизларни хомашё, маблағ билан таъминлаймиз. Кўпгина шогирдларим ўзлари ҳам устоз бўлиб кетишди.

Яқинда Япониядан «Ўзбекистон – Япония дўстлик жамияти»нинг масъул ходими Накамурахоним келиб, ишларимиз билан танишди. Ўсма, хина, райҳон ва атиргулларнинг матода ўз рангида кўриб, ҳайратини яширолмади. Бизга чойшаблар, кашталар буюртма қилди. Улар бу буюмлардан сумкалар тайёрлашни мўлжаллашаётган экан. Накамурахоним тиккан нақшларимизни «санъат асари» деб баҳолади.

– Шодлик маҳалласида маслаҳатчи ҳам экансиз. Бу иккала иш бир-бирига халақит бермайдими?

– Аксинча маҳалла аҳлини яхши билганим учун кам таъминланган оила аъзоларини шу ишга жалб қилаяпман. Оилавий ўргатаман, деганимнинг маъноси ҳам шунда. Қийналганларга ўзим ёрдамлашаман. Ахир савоб ҳам керак-ку инсонга!

Яқинда ҳовлида қурилиш бошладик. Устахонамизни кенгайтириб, зардўзликни ҳам йўлга қўймоқчиман. Маҳсулотларимизни Япония ва Франция аҳлига сотишни режалаштираяпман. Маҳалла аҳлига эса битта тиббиёт ўчоғи ва новвойхона қуриб бериш ниятидаман. Ягона орзуим «Ҳаммани бахтиёр кўрсам», дейман...

Чеҳрасидан нур таралиб турган, дилкаш бу аёлга орзуларингиз ушалсин, – дедиму ўйлаб қолдим. Ҳақиқатдан умрини, кўнглини яхшиликларга тўлдириб яшаш инсоннинг ўз қўлида. Иродаси кучли инсонларгина ортидан ўзгаларни эргаштира олади. Бундай олижаноб, кучли заковат эгаларининг сафи кенгаяверсин.

Санобар ФАХРИДДИНОВА.

Турмуш чорраҳаларида

АЁЛ КАФТИДАГИ БАРАКА

Абдулҳамиднинг уч фарзанди бор. Катта ўғли ўн бир ёшда. Кенжатой фарзандлари Гулноза эндигина беш ёшга тўлди. Абдулҳамиднинг ўзи институтни битириб келгандан буён сув хўжалиги ташкилотида ишлаб келади. Обрў-эътибори жойида. Оиласи билан ҳам аҳил-тинч яшайди. Хотини Ферузахон уй бекаси.

Аммо ҳаёт бор жойда жанжал ҳам бўларкан-да. Нима бўлди-ю, бу оилада ҳам эр-хотин жанжаллашиб қолишди. Албатта йўқчиликдан эмас. Иккаласи ҳам шайтоннинг васвасасига берилдими, орият талашиб қолишди. Хайриятки, ўша паллада уйда болалар йўқ эди. Абдулҳамид шундай деди:

– Уйда ўтирибсан-да, ўзингга хон, ўзингга бек бўлиб. Ҳамма ғалва менинг бошимда. Етти қовурғам қийшайиб, пул топиб келяпман. Яна тилингни бир қулоч қиласан...

Бу гап Ферузага оғир ботди. Чунки эри топиб келган пулга барака киритаман, деб тежаб-тергайди, ҳар бир сўмни ўрнига сарфлаб, рўзғорнинг сарф-харажатини жойига қўйгунча, гангиб қолай дейди. Демак, унинг меҳнати кўзга кўринмас экан-да. Шу рўзғорнинг, болаларнинг ташвишида саҳар уйғониб, кечгача тиниб-тинмайди. Уйдан пул узилмасин деб кўп нарсани ҳовлида етиштириб олади.

Ферузахон кўзига ёш олди-да, пишиб қолган овқатни ҳам сузмай, устидаги кийими билан отасиникига кетиб қолди. Бунга Абдулҳамид парво ҳам қилмади. Қаёққа кетсаям, барибир келади-да, деган хаёлга борди. Болаларнинг мактабдан қайтишига овқатни унинг ўзи сузди. Гулноза аясининг қаёққа кетганини сўрайверибди, Абдулҳамидни хит қилиб юборди. Кечгача уй ивирсиб кетди. Ҳеч кимнинг чеҳраси очилмади.

Абдулҳамид тушликдан ортиб қолган овқатни иситишни катта ўғлига тайинлади. Ўн бир ёшли Азамат ўйинқароқ-да. Қозоннинг остига оловни ёқиб қўйиб, кўча дарвозадан болаларга мўралаб қайттунча, овқатнинг ярми куйиб, қозонга ёпишиб қолди. Қирмоч бўлиб қолган овқатни болалар ҳам, Абдулҳамиднинг ўзи ҳам егиси келмади. Овқатни елим халтага солишиб, ўрдаклар еб кетишар, дея каналнинг бўйига тўкиб келишди. Кечки овқатга нон-чой билан кифояланиб қўя қолишди.

Қозонни ҳар қалай Абдулаҳамиднинг ўзи ювди. Бундай ишга уқуви келмай, капгирни ўчоқ бошидаги саватга ирғитиб солмоқчи эди, капгир сапчиб тушди-да, ликопни чилчил синдирди. Бу ҳеч гап эмас, дея ўзини овутган бўлди Абдулҳамид. Лекин ишга киядиган кўйлагининг енгига озгина қозоннинг куяси тегиб қолганидан, ичи жиндай ғашланди.

Феруза эртасига ҳам қайтмади. Абдулҳамид эса унинг орқасидан бориб, бошлаб келишга орият қилди. Тушликка гузардан иккитадан сомса олиб кела қолди. Болалар иссиқ овқатга ўрганиб қолишган экан. Сомса иссиқ овқатнинг ўрнини босмади.

Яхшиямки, Абдулҳамид ишдан таътилга чиққан эди. У кечки овқатни тайёрлашга астойдил киришди. Бир қозон қилиб маставани пиширибқўйсам, болалар ичиб юришаверади, деган хаёлга борди.

Овқатни жуда ҳафсала билан пиширди-ю, аммо гуручни кўпроқ солиб қўйган экан, овқат қуйилиб, шавлага ўхшаб қолди. Уни суюлтириш учун қозонга бир коса сув қуйиб юборган эди, чучмал, ювиндига ўхшаб қолди. Ўзининг тайёрлаган овқати ўзига ҳам ёқмади. Болалар ҳам ундан бир-икки қошиқ тотиб кўришди-ю, косани нарига суриб қўйишди. Эртасига яна гузардан тайёр овқат олиб келишди.

Новвойхонадан нон ташиб, олган таътил пулининг баракаси уча бошлади. Азамат чой дамлаётиб, чой идишни ағдариб юборибди. Дадам кўриб қолса, сўкмасин деган хаёлда тўкилган чойни гулзорга супуриб юборди. Бир ҳафтага етадиган чойни бир кунда тугатишди.

Икки-уч кунда болаларнинг мактабга киядиган кийимлари кирланган эди. Абдулҳамид синглисини айтиб келиб, кийимларни ювдирди. Синглиси уйни ҳам супуриб-сидириб, саранжомлаб қўйиб кетди. Бироқ кечки пайтга бориб, уй-айвон яна ивирсиб кетди. Овқатланиш мароми бузилгани учунми, Гулнозадан иситма чиқиб, баттар инжиқлашиб қолди. Дорихонадан дарров дори-дармон топиб келишиб, иситмани туширишди. Шундай қилиб, тўққиз кунни ўтказишди. Аммо беъмани харажатлар кўпайиб, Абдулҳамиднинг таътил пули тугади. Ҳеч бировдан қарз сўрамаган одам ошнасидан ўн минг сўм қарз олиб келди.

Абдулҳамид ноилож ўнинчи куни хотинини йўқлаб борди. Феруза дадасининг ижарага олган боғида узум узаётган экан.

– Тезроқ уйга қайтмасанг бўлмайди, аяси, – деди Абдулҳамид гурурни сал бўлсаям синдириб. – Сенинг ўрнинг бошқа экан. Бунақа кунлардан Худо асрасин.

Ферузанинг ўзиям болаларни жуда соғинган эди. Бугун узум узишни якунлаб, уйга қайтишини айтди. Абдулҳамид сал енгил тортиб уйга қайтса, Азамат дазмол босмоқчи бўлиб, уни токка улабди-ю, ташқарида ўйнаб қолибди. Эндигина гиламнинг бир чети куйиб, олов полга туташай деганда сезиб қолишибди. Шунисига ҳам шукр. Сезиб қолишибдику, ҳар қалай...

Абдулҳамид дазмолни бир амаллаб тузатгач, ўн кун ичида мўлжалдагидан ўн минг сўм кўп харажат кетибди. Аммо ўн кун ичида ташлаб юборишган овқатлар бу ҳисобга кирмайди.

Кечки пайт Ферузахон уйга қайтди. Дадаси қарашиб қўйгани учун унга ўн минг сўм пул берибди. Ана шу пулни Абдулҳамид ошнасидан олган қарзига элтиб берди. Ферузахон уйни тартибга келтириб олгунча жиндай пешона тери тўкди.

Эр-хотин уриши, дока рўмол қуриши, дейишади-ю, аммо баъзида бундай жанжалнинг фойдаси ҳам тегиб турар экан. Абдулҳамид ана шу баҳонада аёл кишининг кафтига яширинган баракани батамом тушуниб етди. Болаларнинг аяси қайтгандаги хурсандлигини айтмайсизми?!

Комилжон НИШОНОВ.

Фарзандингиз билан ўқинг!

Муҳтарама УЛУҒ

ҚИШЛОҚДА

Меҳмон келди шаҳардан –
Холам қизлари билан.
Ҳайрон қилди қизлари
Қизиқ сўзлари билан.
Қўйни кўриб: «Вой эчки!» –
Деб роса қувонишди.
Полиздаги экинни,
Чўмичда суғоришди.
Кенжа қизни эшакка
Ўтказгандик бир марта.
Ойисига мақтанди:
– Сайр қилдим, – деб, – отда!

ҚЎШИҚ

Қушларга берманг озор,
Ғамга тўлар уйчаси.
Гул, дарахтни қилманг хор,
Бирга йиғлар кўчаси.
Полапонга дон бериб
Қалдирғочнинг онаси.
Чирқиллайди чарх уриб
Шикаст еса боласи.
Оғрийди дарахт тани
Синдирсангиз шохини.
Ер эшитар – боссангиз
Чумолининг оҳини.
Ҳар эзгулик муҳаббат
Қучоғида ўсадир
Муҳаббатли кўнгиллар
Дунёда энг гўзалдир.

ҚЎЗИЧОҚ

Пўстинчаси жингалак,
Қўзичоғим қоп-қора.
Ҳеч фарқига бормайди:
Тоғорами, ноғора?
Ем бериб бошқа ишга,
Бўлиб қолсам овора,
Тоғорани тўнтариб
Қила бошлар ноғора.

Аёллар ҳақида ҳикоялар

НАСИҲАТИ ОЛТИН ОНАХОН

Тошкент вилояти Қибрай тумани «Турон» ширкат хўжалигида бир аёл яшайди. Уни барча қишлоқдошлари «онахон» деб атайди. Чунки кимнингки бошига ташвиш тушган, оиласида келишмовчилик чиққан ёки қизига совчи келган, ўғил уйлантириш ниятида бўлган борки, албатта, Карима аядан маслаҳат сўрайди. Тўғрида, умр бўйи ўша ер аҳолисининг фаровон турмуши учун фидойи меҳнат қилган аёл учун бегона оиланинг ўзи йўқ.

– Ўртанча қизим эри бир шапалоқ ургани учун қайтиб келди. Мен ҳам ёшлигимга бориб ажраштириб оламан, дегандим, Карима ойи келиб: «Қизингни олдимга сол, ажратиб олиб бошингга ёстиқ қиласанми? Энди эри уришмайди, мен кафилман. Агар яна такрорланса, мен ўзим пушаймон қиламан», деб қизимни олиб кетди. Мана, ҳозир тинчиб кетишди, дейди маҳалладаги аёллардан бири. Карима ая ҳатто талбиркорлик борасида ҳам ишнинг кўзини биладиган аёл. Етмишдан ошиб қолган бўлса-да, шиддати сўнмаган онахон ҳозирда талбиркорлик билан ҳам шуғулланади. Асл деҳқон қизи бўлган бу забардаст аёл ерга меҳрини бериб элга танилди. Бригадирлик даврида мўл-кўл ҳосил олиб шуҳрат қозонган Карима Абдуллаева қатор-қатор мукофотлар соҳибаси, халқ депутати бўлди.

– Карима ая жуда болажон. Шу сабабдан ёки қишлоғимиз ёшларининг келажагини ўйлаб хўжалигимизнинг даромадларидан боғча, мактаблар қурдиртирган, – дейди 33-мактаб директори Убай Гуломов.

Ҳа, яхшилик ерда қолмайди. Карима аяни эъзозлаган инсонлар унинг бошига тушган оғир кунларда елкадош бўлди. 8 фарзандни вояга етказган она, бахтсиз ҳодиса туфайли икки паҳлавон ўғлидан жудо бўлди.

– От ўрнини той босар, – дейди

кўзи ёшланиб ая. – Набираларим – Улуғбек, Дурбек, Жавлон оталари Тоҳирнинг номини ўчиришмайди, умрини уларга берсин.

«Турон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Адҳам Усмонов ая ҳақида илҳомланиб сўзлар экан: «Онахон бизнинг олтин меросимиз. Фарзанд доғи аямизни енгмади. Ҳамон эл дарди билан яшаётирлар. Ҳозирда хўжалигимизда экология масалалари бўйича барча маъсулиятни ўз зиммасига олиб, жамоатчилик асосида иш олиб бормоқда. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда опанинг ҳиссаси катта. Мен ўйлайманки, Карима Абдуллаеванинг ҳаёт йўли кексаю ёшга ибрат бўларлиқ», деди.

Дарҳақиқат, умрининг ҳар бир онини одамларга яхшилик қилиш ташвишида кечираётган бу аёлга бизнинг ҳам ҳавасимиз келди. Илоҳо, узоқ умр кўринг, онахон!

Матлуба Шукурова, Феруза Орипова.

Хушрўйлик сирлари

ГЎЗАЛ БЎЛИШ ОСОН

Сочларингиз жилвакор

Соч турмагингиз ўзига хос бўлиши ва жилваланиб туриши учун атиги 1 соат вақт керак бўлади. Энг асосийси, байрамдан бир кун олдин эмас, айнан ўша куни.

Аввало, сочнинг рангини тиниқлаштириб оласиз. Бунинг учун сочга пардоз бальзами ёки мусс суртиб, 5 дақиқадан 25 дақиқагача ушлаб туриш керак. Агар бальзам ва мусс бўлмаса, сочнинг рангига қараб хина, мойчечак ёки қуюқ кофе дамламасидан фойдаланиш мумкин. Сўнгра сочни қичитқи ўт қайнатмаси ёки момоқаймоқ ёхуд баргизуб дамламасида ювиб ташланг.

Охирида сочингизга ялтиратувчи воситалардан сепиб олсангиз, дугоналар даврасидаги энг гўзал малика сиз бўлишингиз аниқ.

Сабзили – ёғли восита

Айтишларича, ушбу усулни маркиза де-Помпадур ўйлаб топган ва мунтазам ундан фойдаланиб келган экан. Балки маркизанинг асрлар оша ўз довруғини йўқотмаган гўзаллигининг сири шундадир.

А) Ҳар куни ярим стакан сабзи шарбатига 1 ош қошиқ асал ва 2 ош қошиқ қаймоқ қўшиб ичиб туринг.

Б) Пахта билан юзингизга сабзи шарбати суриб чиқинг. Қуригандан сўнг устидан зайтун ёғи суриб яхшилаб уқаланг. Терингизнинг дағал қатлами ажралиб чиқади. Сўнг юзингизни илиқ сувда ювиб ташланг.

Бу усулни бир неча кун қўллаганингиздан кейин юз терингиз тозаланиб, майинлашганини ҳис қиласиз.

Асалли восита

2 чой қошиқ асални пиёлага солиб, қайноқ сувли идишда эритиб оласиз. Совигач, устига 1 ош қошиқ бугдой кепаги ва яримта лимон шарбатини қўшиб аралаштирасиз. Ярим соат юзга суриб қўйгач, илиқ сувда ювасиз. Бир вақтнинг ўзида юзингизни уқалашни ҳам унутманг.

ДАРМОН тайёрлади.

Илоҳо, тинчлигимизга кўз тегмасин!

Аёл ва спорт

ТАЭКВАНДО – КОМИЛЛИККА ЙЎЛ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг турли хил спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, нафақат республика, балки жаҳон миқёсида ҳам катта ғалабаларни қўлга киритишаётгани қувончлидир. Нафис спорт турлари билан бирга Шарқ яккакурашларига қизларимизнинг қизиқиши ва интилиши ортиб бораётганини ҳам эътироф этмоқ керак. Анъанавий таэквандо йўналиши бўйича халқаро тоифадаги йўриқчи, 4-дан қора белбоғ соҳиби, мамлакат аёллар терма жамоаси мураббийи **Николай Борисович ЮГАЙ**нинг бу ҳақдаги фикрлари қуйидагича:

– Аввало шуни айтиш керакки, бугунги кунда қизларга мос ёки мос бўлмаган спорт турининг ўзи қолмади ҳисоб. Қизларимиз барча спорт турларида ютуқларни қўлга киритишмоқда. Сўнгги йилларда эса Шарқ яккакурашлари билан шуғулланаётган ўғил ва қиз болаларнинг сони кўпайди. Бу аввало, хотин-қизларимиз ўртасида спортга бўлган қизиқишнинг ортиши, ҳукуматимиз томонидан бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижаси билан боғлиқдир. Таэквандони эса Шарқ яккакурашларининг балети, деб аташади. Кескин ҳаракатлар ва жанговарлик билан ажралиб турувчи бошқа якка курашларда таэквандодаги нафислик, гўзаллик мавжуд эмас.

